

Сойим Исҳоқ

**О С М О Н  
У С Т У Н И**

**ҚИССА**

“Зиё” нашриёти  
ГУЛИСТОН – 2006

Ушбу китобни чиқариш харажатларини  
зиммага олган чиновлик тадбиркорлар Зафар  
Исоқов ва Маҳмуд Тожибоевларга самимий  
миннатдорчилик изҳор замиз.


Таҳририят.

*Шундай одамлар бўладики, уларни ноҳосдан эсласангиз  
ҳам мийиғинчизда кулиб қўясиз, лабингизда табассум пайдо  
бўлади. Фафур Фуломнинг «Шум бола» ёки Неъмат Аминовнинг  
«Суварак» қиссалари қаҳрамонларини эсланг. Қўлингиздаги  
қисса қаҳрамони, эсарқишлоқлик Асқар баъзи хусусиятлари  
билан уларни эслатиб туради. Китобдаги воқеалар гурчи  
сталинча сиёсат йиллари содир бўлган, халқимиз очлик,  
муҳтожлик асоратларидан қийналган оғир йиллар ҳақида  
ҳикоя қилсада, Асқарнинг топқирлиги, ҳар қандай вазиятда  
«тегирмондан бутун чиқиши» беихтиёр эътиборингизни  
тортади, қиссани бош кўтармай ўқишга мажбур этади.*

Сойим Исҳоқ. «Осмон устун». Қисса. 104-бет.

FD 32934  
292

© Зиё" нашриёти



## Исми кўп бола

"Одамзод ўзининг айбини билмайди", — дейишади. Бу унчалик тўғри гап эмасов. Масалан, мен ўз айбларимни биламан: дилимда нима бўлса, тилимга чиқараман, кўнглимга келган ишни иложи борича амалга ошираман. Шу камчиликларим туфайли неча бор дакки еганман, неча бор исми-шарифим ҳам ўзгарган: яъни, лақаб билан аташган...

Одамда неча от бўлади? Ҳар бир одамда ота-онаси яхши ниятлар билан қўйган битта от бўлади-да. Меники эса иккита: биринчиси — ота-онам қўйган исм — Асқар, яна "Кайқубод", "Кал" деган лақабларим ҳам бор. Аввалгисини тездаёқ унутишди. Аммо "Кал" деган лақабим камдан-кам, билиб-билмай кимнингдир жиғига тегиб қўйган пайтларимдагина, ҳануз тилга олинади. Бундан деярли ранжимайман. Чунки, бошим тўла соч...

Тўққиз-ўн ёшларда эдим шекилли, бошимни яра босди. Бир йил ичидаёқ кўрган одам жирканадиган даражада гултунглаб, йиринглаб кетди. Ҳатто мактабдаям бош кийимимни ечмай ўтирардим. Бунга ўқитувчимиз ҳам индамасди. Моховга ўхшаб, бир ўзим бир партада ўтирардим. Синфдаги энг бўш-баёв бола ҳам ёнимда ўтиришдан орланарди.

У пайтларда тоғ ва дашт қишлоқларида дўхтир зоти қайда дейсиз. Яқин-атрофдаги биз сиғиниб борган азиз авлиёларнинг қабрларию қадамжолари, табиб-қушночларнинг туркана дори-дармонлари наф бермади. Бировдан эшитганми, бир куни отам раҳматли қаердандир ярим коса ермой топиб келди. Кейинроқ билсам, ермой деганлари солидол экан. У кезларда қишлоғимизда солидол, керосин, бензин деган сўзлар йўқ эди. Ҳаммасини бир ном билан "ермой" деб аташарди.

Отам ермойни ўртача оловда обдон доғлади. Кейин совутиб, аллақандай гиёҳларни келида майдалаб туйилган талқонини эринмай аралаштирди. Тайёр бўлган малҳамни ярадан гўжа бўлиб кетган бошимга ҳафсала билан суриб чиқди. Охирида, қалин сурилган малҳамнинг устидан жумур<sup>1</sup> кийдириб, чорси рўмол билан танғиб боғлади. Бошим кичикроқ қовганинг<sup>2</sup> ўзи бўлди-қўйди.

Шу алпозда уч кун юрдим. Бошим ачишса ҳам, отам уни ечишга қўймади. Кейин ўзи совунлаб обдон ювди. Офтобда тоблаб яхшилаб қуритгач, яна малҳам суриб жумурни кийдирди. Рўмол билан танғиб боғлади. Уч кундан кейин ечиб бошимни ҳам, жумурни ҳам иссиқ сувда совунлаб ювди ва офтобда тоблади.

Бу иш уч-тўрт марта такрорлангач, малҳам тугади. Бошимдаги яралар ҳам битган шекилли, отам жумурни ёкиб юбориб:

— Энди бир ой бошяланг юрасан, — деди. — Одамлардинг кулганига парво қилма. Бошингга ифлос нарсаларди теккизма. Бир ойдан сўнг сочинг ўсиб, аввалгидек бўлиб қолади. Шунда устингдан биров кулолмайди. Уқдингми?

— Ҳа...

"Ҳа" дейишга дедим-у, бу бир ойнинг ўтиши қанчалик қийин бўлганини ўзим биламан. Ўйнагани кўчага деяри чикмасдим. Чиқсам, болалар ҳазиллашиб бошимга нуқишадими-ей, айрим шайтони зўрроқлар узоқроқдан туфлаб қочишармиди-ей! Буниси ҳам майлийди, энг ёмони, кўпчилик болалар яқинимга йўламай, тақир бошимга анграйиб қараб қолишади. Шунисидан безор бўлиб, кўчага бутунлай чиқмай қўйдим. Зериксам, ҳовлимизда ўзим билан ўзим ўйнаб ўтирдим.

Баъзан, бекор бўлса, кўнглим учун акам мен билан бирга ўйнарди. Ҳолимни акамгина тушунарди. Болаларга қўшилмай ёлғиз ўйнаб ўтирганимни кўриб ачинарди чоғи, сўзсизгина бошини чайқаб қўярди. Бу ҳам хўрлигимни

---

<sup>1</sup> Жумур — қўй ёки эчкининг кичик қорни.

<sup>2</sup> Қовга — мол терисидан тайёрланган идиш. Қудуқлардан сув тартиб олишда ишлатилади.

келтирарди. Баъзан ҳеч кимга билдирмай уйимиз ортидаги булоққа бориб, унинг тиниқ сувига тикиламан. Жумурдай йилтираган бошимда қушларнинг жиш жўжасидан чиқаётган патдек сийрак, нимжон соч тукларини кўраман. Кейин ёш сизғиб турган кўзларим, танқа бурним, аламдан гезарган дўрдоқ лабларим, омочнинг тишига ўхшаброқ кетадиган иягим кўзга ташланади. Инграниб, сувни чайқатиб юбораман. Хаёлга толаман. Бироздан сўнг ҳовримдан тушаман: "сийрак ва тивитдек ингичка бўлсаям, ҳар ҳолда, бошимдан соч чиқяпти-ку" — дея ўзимни овутаман.

Бир ойлардан кейин бошимнинг териси қорайиб, росмана соч чиқа бошлади. Аввалгидек бўлмаса ҳам, ҳар қалай соч. Аммо қувончим узоққа чўзилмади: отам пакки билан шу нимжон сочниям тақир қилиб олиб ташлади. Энди илгариги жумурдек оқариб, яра — чақа гўжа қилиб юборган бошим тузалиб, йилтираган қора бошга айланди. Яна уй қизи бўлиб, ҳовлидан чиқмай қўйдим. Чиқсам, болалар "соч ҳақи" сўрашади: ўртанча ва кўрсаткич бармоқларига туфлаб, чирт эгкизиб бошимга уришади. Аслида сочини тақир қилиб олдирган ҳамма болаларгаям шундай қилишади. Аммо уларнинг бунақа ҳазиллари менга хўрлашдек аламли туюлади. Ўч олишнинг минг хил йўларини излайман. Баъзан топаман ҳам: пусиб бориб кимнингдир эшагини ҳуркитаману ўзини эгардан ағдараман, кимгадир бошқачароқ фириб бераман.

Бунақа топқирликларим кўпинча мен кутган натижани бермасди. Қайтага "кал" лақабимни мустаҳкамлаброқ қўйди. Энди болалар кимсасизроқ жойда мени учратишса, жўр бўлишиб "Қайқубод" дейдиган ҳам бўлишди. Қайқубод деганлари калларнинг пири бўлса керак, деб ўйлайман ўзимча. Ғазаб ва аламдан тарс ёрилиб кетай дейман. Яна зўр бериб овозларини ўчириш йўлини излайман. Бироқ топган барча найрангларим ҳам, оғзимдан чиққан қўланса сўкишлар ҳам ўзимнинг зараримга ишлайди. Кўпчиликка бас келишнинг ўзи бўлмас экан.

Отам бошимдаги тивитни учинчи марта қиртишлаб ташлаганидан кейингина ҳақиқий соч чиқди. Энди болалар

мени Қайқубод демай қўйишди. Натижада улардан уч олиш мақсадида ҳийла излашнинг менга кераги ҳам бўлмай қолди. Бора — бора "Кал" лақабим ҳам айтилмай қўйди.

### **"Ҳасаннинг отаси — менинг отам"**

Ўн икки ёшларимда отам, сал кейинроқ онам ҳам бандаликни бажо қилиб кетишди. Ака-ука иккаламиз ҳақиқий егим бўлиб қолдик. Лекин олиб кетайлик, деган қариндошларимизникига бормадик — уйимизни ҳувиллатиб ташлаб кетишга кўзимиз қиймади.

Ўшанда акам ўн беш ёшларда эди. Қўлидан иш келиб қолганди. Бир-икки йил ҳар қиларникида дастёрлик қилиб, топанга билан куи кўриб юрдик. Кейин акам чўпон бўлиб колхозга ўтди. Мен ҳам ёнига кирдим.

Сабабини биладиму, дастлабки йилларда колхозда ўз аъзоларининг таъминотини яхшилаш учун кўп ишлар қилинди. Бу, балки, одамларнинг диққатини жамоалаштиришга тортиш учун тепадан уюштирилган ташаббус натижасидир. Сабаби нимаданлигидан қатъий назар, кўнлар қатори бизнинг ҳам аҳволимиз анча яхшиланиб қолди: ҳовлимизга сирғир битди, беш-олтита қўй-эчкили бўлдик. Бу орада акам қишлоқдошларимиздан бирининг қизига уйланиб ҳам олди.

Вақт деганлари шамолдай елиб ўтавераркан: "ҳа-ҳувв" деганларича ўн тўрт ёшга кириб қўйибман. Шу ёшимизда бизни комсомолга ўтинлар, деб танивиқ қилишди. Биз эса комсомолнинг нималигини ҳали билмасдик ҳам.

Колхозимизда иккитагина фирқа аъзоси бўлиб, улар ҳам яқиндагина ўтишган: бири Холтой раис, бири Савур савмал<sup>1</sup>. Холтой раис ўзимизнинг қишлоқдан. Аввал ўнбоши, кейин ҳосилот бўлиб юрди. Фирқага ўтганидан кейин бирданга раисликка кўтарилди. Савур савмал қўшни қишлоқдан. Орада озгина узилиш бор, холос. Лекин ҳар иккала қишлоқ битта ном билан — Эсарқишлоқ деб аталади. Баъзи-баъзидагина уларни бир-биридан фарқлаш учун Катта Эсар, Кичик Эсар дейишади. Одамларини ҳам эсарлар дейишади.

---

<sup>1</sup> Савмал — думбул, ақли хирарли — чиқарли маъносиде.

Савур савмал — исми жисмига монанд думбул табиат одам. Юқоридан буйруқ бўлса, “бос” деган жойини тирп эткизмай босиб қолади. Ҳеч кимга шафқат қилмайди. “Мен фирқанинг соллотиман, соллот буйруқди бекам — кўст бажариши керак”, — деб юради. Одамлар ундан чўчишади. Бундан у ғурурланади. Мия ишлатиб, ўзича бир иш қилолмасди. Шунга қарамай, Холтой раис уни дала қоровуллигига қўйганди. У шу ишнинггина рисоладагидай эпларди.

Холтой раис, сўкампазлигини айтмаса, оққўнги, раҳмдил ва анча сермулоҳаза одам. Кечки мактабга қатнаб лотин алифбосида, чалароқ бўлса-да, саводини ҳам чиқариб олган. Колхоз раиси ҳамда фирқа аъзоси бўлганлиги учун туман раҳбарлари қишлоқ ёшларини комсомол сафига жалб қилиш ва тайёрлашни шу кишига топширган экан. Аммо қишлоқда комсомолга ўтиш хоҳишини билдирадиганлар ҳадеганда топила қолмади. Шунда Холтой раиснинг жаҳли чиқиб, кўрсаткич бармоғи билан уч ўсмирнинг кўкрагига нуқиди: «Сен, сен, сен камсомонга ўтасан, гап тамом, вассалом...» Булар: мен, Ҳасан ва Кичик Эсардан Суяр исми ўсмирлар эдик. Холтой раис ҳаммамизни идорасига чақиртириб қатор ўтқизди-да, комсомолнинг нималигини ўзича тушунтирган бўлди. қуруқ бўлмасин деганми, келажакимиздан “башорат” ҳам қилди.

— Камсомон, — деди у, — Кўмпирқанинг укасидай гап. Ука аканинг айтганини қилади: “ўл” деса ўласан, “тирил” деса тириласан. Бироқ сенлар ўлмайсилар. Ҳали би-ир ка-атта одам бўп кетасилар, қисталоқлар. Нега анграясан, Ҳасан, мен нима дедим сенга?

— Биз сиздинг укангиз бўларканмиз: “ўл” десангиз ўлаемиз, “тирил” десангиз...

— Овзингди жум, энағар! Менинг эмас, кўмпирқанинг укаси бўласан! Кичкина бўлшўвўй бўласан, уқдингми?!

— Сиздинг эмас, эна... ҳи — йй... кўмпирқанинг укаси, кичкина бўлшўвўй бўларканман.

— Балли! Энди эшитинглар, мана бу брашўра<sup>1</sup> камсомондинг низоми бўлади. Саводларинг бор. Яхшилаб ўқинглар. Индинга райўнда бўйра<sup>2</sup>. Шунга бирга боришимиз керак, — у қўйнидан чиқарган кичкинагина китобчани менинг қўлимга тутқазди. — Уқдиларингми? — деди-ю жавобимизни ҳам кутмай эшикдан чиқди-кетди.

Бошимизни бошимизга тақаб, комсомол низомини ўқишга тутиндик. Қани бирор нарсани тузукроқ тушунолсак. Ахийри бўлмагач, Ҳасан томоғини қириб мингиллади:

— Шу брашўрасининг қоғонини эртага ўқисак-чи, миямди тоза говлатиб юварди-ку?

Бу ҳаммамизга маъқул тушиб, дарҳол тарқалишдик. Бироқ, эртасига ҳам ишимиз юришмади: уввало уриниб, китобчадаги жумлалар маъзини миямизга сингдиrolмадик. Чалакам — чатти англаганларимиз ҳам бир соатга қолмай эсимиздан чиқиб кетди. Ўзимиз тушунмаган нарсани ҳадеб ҳижжалайвериш роса жонимизга теккач, китобчани "тап" эткизиб ёпдик-да, чиллак ўйнагани чиқиб кетдик.

Бу кунига ўзи уйма-уй юриб, Холтой раис ҳаммамизни идорасига бошлаб келди. "Саводинг дурустроқ" — деб менга таржимаи ҳолимни ёздиртирди. Уни бошқаларга кўчиртириб, овоз чиқариб ўқишим учун қўлимга қайта тутқазди. Биринчи бўлиб Суярнинг ёзганини ўқидим. У менинг ёзганларимни ҳарфма-ҳарф кўчирганини эшитиб, Холтой раиснинг зардаси қайнади:

— Мен сенга Асқардинг ўрнига ўз исми — шарифингди ёз демаганмидим, шохи синган мол!

Суяр қоғозни қайта кўчираётган пайтда Ҳасаннинг таржимаи ҳолини ўқидим. Меникининг ўрнига ўз исм — фамилиясини ёзганини эшитиб, Холтой раис уни мақтаб кетди:

— Иш мундай бўпти-да, бало экансан-ку, қисталоқ. Боқса одам бўласан, сал шўртумшукроқсан-да.

Бу гал Суяр ҳам тўғри кўчирганидан Холтой раиснинг кўнгли ўрнига тушди. Ҳар учала таржимаи ҳолни

<sup>1</sup> Брашўра — брошюра демокчи.

<sup>2</sup> Бўйра — бюро демокчи.

белбоғидаги бошқа қоғозларга қўшиб, букланмайдиган қилиб ўради ва белига боғлаб олди. Ўрнидан тургач, негадир бир зум ўйланди. Ортидаги Лениннинг суратига ўгирилиб, Ҳасандан сўради:

— Бу киши ким?

— Лелин.

— Лелин ким бўлади?

Ҳасан суратнинг бошига меровсиб қараб турганини кўриб, пўписа қилди:

— Лелиннинг бошига эмас, соқол — мўйловига қара, лодон!

Унинг нимани назарда тутганини англаб, бошимга яра тошиб юрган пайтлар эсимга тушди. Негадир кулгим қистади. Буни Холтой раис пайқаб қолиб, кўзини "бўжи" қилди:

— Сен кал эмассан, Асқар, — деди жаҳлини зўрға босиб. — Нега тиржаясан? Лелин ҳам кал эмас... Ақли кўплигидан бўлса керак, анчайин сочи тўкилган. Хў-ўшиш, Лелин ким бўлади?

Ҳасан бу гал қувляк қилибми, билағонлик қилибми, шартта жавоб берди:

— Лелин — ақли кўплигидан сочи тўкилган одам!

— Алжирама, даюс! "Лелин — отам", де. Лелин сенинг ҳам, менинг ҳам — ҳаммамиздинг отамиз. Уқдингми?

— Уқдим: Лелин — менинг... ҳаммамиздинг отамиз. Туврими?

— Туври, биларкансан — ку, падарқусур! Буни нега айтдим — у ёқда — бўйрада бировлардан шуни сўрашармиш. Курмалиб қолманглар яна, деб айтдим.

Шу билан савол-жавоб тугади. Тўрталамиз икки отга мингашиб туман марказига — Янгиқўрғонга<sup>1</sup> жўнадик. Қирқ чақиримлик йўлни тўрт соатлардан зиёдроқ вақт чамасида босиб ўтиб, белгиланган жойга етиб келдик. Йўлда гаплашилмаган гап қолмади ҳисоб, лекин сиёсат масалаларида чурқ этишмадик. Баъзида билиб-билмай бирортамиз шу масалада луқма ташласак, Холтой раис

---

<sup>1</sup> Ҳозирги Ғаллаорол шаҳри илгари Янгиқўрғон деб аталган.

пайровни бошқа томонга буриб юборади. Шундан маълум бўлдики, сиёсат бобида у ҳам биздан нари-берида экан. Балки, ўзи айтганидай, унинг гапларини сирға қилиб олиб, бюрода у-бу деб валақлаб юбормаслигимиз учун атайлаб шундай қилгандир. Бу ҳолда ҳам, барибир, у ўз билимига унчалик ишонмаган бўлиб чиқади.

Эгардан биринчи бўлиб Холтой раис тушди-да, отларни дарахтларга маҳкамроқ боғлашни тайинлади. Ўзи илдам юриб, рўпарадаги бинога кириб кетди. Бироздан сўнг остонада кўриниб, бизни ёнига чақирди:

— Келаверинглар, бўйра ҳали тугамапти.

Узунчоқ, кенггина даҳлизга кирдик. Икки томонида иккитадан қарама-қарши тўртта эшик. Холтой раис эшиклардан бири ёнидаги ўриндиқларга Суяр билан мени ўтқизди-да, Ҳасанни эргаштириб, ўзи ичкарига кириб кетди. Анчадан сўнг терлаб-тепчиб Ҳасан чиқди. Хонага Суярни чақиришди.

Даҳлизда иккаламизгина қолдик. Ҳасан озроқ нафас ростлагач, ўсмоқчилаб сўрадим:

— Ичкарида нима гап?

— Ҳеч гап жўқ.

— Шу пайтгача момонгди чалпагини еб ўтирмагандирсан, у ерда?

— Туври... Холтой раисга ўхшаб девордаги сувратти кўрсатишди, "бу киши ким?" — деб сўрашди.

— Сен нима дединг?

— Нима дердим, "Отам", дедим.

— Улар-чи?

— Битта сарифи "Маладес", — деди.

— Яна нималарди сўрашди?

— Бошимди ачитма, жўра, комсомолга ўтдим чоғи. Бор гап — шу.

Ҳасаннинг ҳаяжони босилмаган эди. Уни сўроққа гутиб қийнайтирилшининг фойдасизлигини англаб, индамай қўя қолдим.

Бир маҳал юзига қон тешиб Суяр чиқди. Ундан бирор нарса сўрагунимча бўлмай, ичкарига ўзимни чақиришди. Юрагим увушиб, эшикка йўл олдим. қандайдир

кўрқувданми ё ҳаяжонданми кўз олдим губорланиб, ҳадик ичида кенггина хонага кирдим. Хона қоронғироқдай туюлди. Лекин тўрда ўтирган бюро аъзоларининг ҳаммасини аниқ — тиниқ кўрдим. Афтидан биринчи котиб бўлса керак, ўртада ўтирган бўйчангина, истараси иссиқ йигит қуйироқдаги бўш ўриндиқни қўли билан кўрсатиб:

— Марҳамат, ўтиринг, ўртоқ, — деди.

Кўрсатилган жойга сўзсизгина чўкдим. Холтой раис ўрнидан туриб, мени бюро аъзоларига таништирди. Айтишича, колхознинг энг меҳнаткаш чўпонларидан эканман. Ингизом ва хулқим бошқаларга намуна эмиш. Жамоа ишларидаги фидойилигим, борингки, сиёсий билимим ҳам тенгдошларимникидан устунроқмиш. Хуллас, у мени чала авлиёга айлантириб бўлгач, таржимаи ҳолимни ўқиб, аниқроғи, гапириб берди.

Мақтовим тингловчиларни қониқтирди, шекилли, Холтой раиснинг ёнида ўтирган ғўлабур йигит қўлидаги алақандай қоғозга қараб, қисқагина қўшимча қилди:

— Ўртоқ Асқар Жўмартовга колхознинг икки коммунисти — ўртоқ Холтой Бойтоев билан ўртоқ Савур Муҳамедовлар рекомандация беришган.

Биринчи котиб менга синчков тикилиб, биринчи саволни берди:

— Айтинг-чи, ўртоқ Жўмартов, колхозда қачондан буён ишляяпсиз? Ахир, сиз ўқишингиз керак-ку.

— Ота-оналарим ўлиб кетишгач, ўқишимдинг иложи бўлмади...

Таржимаи ҳолимда ота-оналарим камбағал деҳқонлардан эканлигини ёзгандиму, аммо ўлиб кетишгани ҳақида ҳеч нарса демагандим. Жавобим бироз ноаниқроқ бўлса-да, ўтирганларга таъсир қилди. Шунинг учунми, котиб бу мавзунга қайта қўзғамай, иккинчи саволга ўтди:

— Владимир Ильич Ленин ким? — деди ортидаги каттагина суратга ишора қилиб.

У суратга ним ўгирилганидаёқ, нима демоқчилигини пайқаган эдим. Идорадаги ўзимизнинг жайдари савол-жавоблар эсимга тушиб:

— Ҳасаннинг отаси, — деб юборганимни ўзим ҳам

билмай қолдим.

Ҳамма, бу одам соғмикан ўзи, дегандай менга ажабланиб қараб қолишди. Холтой раис эса, назаримда, кўкариб кетди-ёв. Бирдан қовун тушириб қўйганимни сездим. Фурсат ўткизмай юқоридаги эсарча жавобимга тузатиш кирита бошладим:

— Бу деганим... ўртоқ Лелин Ҳасаннинг ҳам, менинг ҳам, раисимиздинг ҳам... Умуман, ҳаммамиздинг отамиз, деганим...

Таранглашиб келаётган вазият бирдан юмшади. Котиб сезилар-сезилмас жилмайиб, атрофидагиларга қаради.

— Яна саволлар борми, ўртоқлар?

— СССРнинг пойтахти қайси шаҳар? — сўради ғўлабўр йигит.

— СССРдинг пойтахти — Москва, Москванинг пойтахти — Тошкан... — дедиму, яна хол қўйганимни пайқаб, шоша-пиша хатоимни тўғирлашга тушдим. — Яъни, Тошкан — Ўзбекистоннинг пойтахти, демоқчийдим...

— Шошилманг, — бу гал котиб ошкора жилмайди — Сиз кўп нарсани биларкансиз, лекин ҳаяжонланаяпсиз. Бу ердагиларнинг барчаси сизнинг ўртоқларингиз, бўлажак сафдошларингиз. Шундай экан, улардан чўчиб туришингиз ноўрин. Яна кимда савол бор, ўртоқлар?

Котибнинг гапи, ростини айтсам, мени қувонтириб юборди. Кирганимдан буён кировкаланиб турган хона бирдан ёришиб кетгандай бўлди. Лекин котибнинг ёнида ўтирган сариқ йигитнинг рус тилида берган саволи, уни тушунмаганимдан, мени яна саросимага сола бошлади. Буни пайқатганим, ёнидаги йигит дарҳол ўзбекчага таржима қилди:

— Ўртоқ Зайцев "Комсомолга нима мақсадда киряпсиз?"

— деб сўраяпти.

Котибнинг далдасидан руҳланибми ё хонадагиларнинг руҳиятига мослашолдимми, бу саволга низождан ўқиганларимдан эсимда қолганини қўшиб — чатиб, тугилмай жавоб бердим:

— Лелин ва Исталин оталаримиздинг ишларини кўриқлаш учун, душманларимизди ер билан яксон қилиб,

давлатимизда сўтсализм ва кўмурузимни тезроқ қуриш учун...

Бояги йигит менинг гапимни рус тилига ўзимникидан ҳам яхшироқ ўгирди шекилли, сариқ йигит "браво!" — деб чапак чалиб юборди. Унга бошқалар ҳам қўшилишди. Холтой раис жуда талтайиб, яшнаб кетди.

Чапаклар тингач, котиб ёнидагиларга нимадир деди. Улар маъқуллашди. Шундан кейин ўрнидан туриб, кўлини тантанали равишда менга чўзди.

— Ўртоқ Асқар Жўмартов, — деди одатдагидан баландроқ товушда. — Сизни Ленинчи Ёшлар сафига — комсомол сафига кирганлигингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз! Сиз большевиклар партиясининг ишончини тўла оқлайсиз, деб ишонамиз.

### **Ўз тилини билмаган маржа**

Холтой раисга қолса, шу кунидек оптимизга — қишлоғимизга қайтиб кетардик. Йўл азоби — гўр азоби, деганларича бор. Туман марказига етиб келгунимизгачаёқ бизларнинг суробимиз тўғри бўлиб қолганини у пайқамаган экан. Онда узоқ юриб ўрганмаганликдан бутларимиз туз қуйгандай ачишиб оғриса, бошимиз бангидевона еган отникидай чириллаб айланиб, кўзимиз тинарди. Бир томони очлик, ташналик азоби. Шу сабабдан ҳар учаламиз қишлоққа етолмаймиз, деб туриб олдик. Холтой раис сувга тушган мушукдай тумшайиб турганимизни кўриб, қолишга ноилож рози бўлди.

У Ҳасан икковимиздан, айниқса, мендан хурсанд эди. Овқатланиш ва тунаш мақсадида чойхонага бораётганимизда ҳам мақтовни тўхтатмади:

— Оббо тоғача-ей, — дейди менга ўгирилиб. — Айниқса, сен қотирдинг-да! Ҳамма чапак чалиб юборди-я! Бундайчиқини жуда кам бўлади. Бундайчиқини бўлмайти, ҳисоб!

Холтой раиснинг "тоғача" дейишига сабаб бор: у туб эсар эмасди, балки, эсарларга жиян бўларди. Шунинг учун тили ботир эди: янгаларининг болаларини панжарагулчин қилиб сўкавериш "ҳуқуқи" бор. Одат шунақа. Аммо уни

бирор сўколмайди. Жияни сўкиш — айб саналади, онасини аралаштириб сўкиш — гуноҳи кабир. Бу ўз оластингиларини лойга белагандай гап. Айни маҳалда ёши ўздан кичикларнинг ундан "тоғача" деган сўзни эшитиши ҳам сийрак учрайдиган ҳодиса. Бу сўзни дилига ўтиришадиган бирор яхши ишни қилган одамга ёки ўзининг зарур бир иши тушиб турган одамгагина айтарди у.

Ҳасанни ҳам озроқ мақтади. "Бошинг ишлайдию, пича далли-ғулироқсан", — деди. Хаёлига келган нарсани оққўнгилик билан айтиб юбораверадиган одамларни шундай дейишади. Навбат Суярга келганида "тутаб" кетди.

— Сен, қисталоқ, қачон одам бўларкансан? Берган саволларига-ку, жавоб беролмай ивиганинг майлиди, отингди сўрашсаям индамайсан-а! Одам ўзининг отиниям билмайми, даюс!

— Туврисини айтсам... қўрқиб қолдим... Тумонат катталар, бири олиб-бири қўйяпти.

— Улар ҳам боши юмалоқ, бути айри бир одам-да, нима, сени пишириб ейишармиди? "Лелин — Ҳасаннинг отаси" десаям, Асқар бало экан, ортини шунақа суваб, текислаб кетди-ки, ўша катталардинг бировиям тирқишини тополмай қолишди. Иш бундай бўпти-да.

Ичимда кулиб қўйдим. Назаримда, бюро ўтаётган пайтда, унинг ўзи ҳам нинанинг устида ўтирди. Чунки, ундан бирон марта "камсомон", "Лелин" деганга ўхшаш чет сўзларни эшитмадим. У ўзининг бунақа сўзларни тўғри талаффуз қилолмаслигини билади. Шундан чўчиган. Яна денг, мен нотўғри жавоб берган пайтларимда какрадай кўкарди-ю, оғздан биронга патос сўз чиқмади. Агар қишлоқда шунақа хатога йўл қўйсам бормиди: нақ теримни "шилиб" офтобга ёярди.

Суяр — табиатан камгап йигит. Тўрт одам йиғилган жойда гапини гапига қовуштиролмай қолиши ҳам рост. Қишлоқ ўсмирларида негадир ваҳима қўзғайдиган бояги йиғилишда исмини унутса унутгандир. Аммо, барибир, уни комсомол сафига қабул қилишди. Афтидан, ўша кезларда узоқ тоғ қишлоқларида ҳам комсомол аъзоларини

кўпайтириш керак бўлиб қолганди, чоғи.

Шу кундан бошлаб Ҳасан "Лелиннинг ули", "Лелиннинг боласи", Суяр эса "Индамас" лақабини олди. Биз ўзимизча, ҳатто, Холтой раисга ҳам "кўрқоқ" деган лақаб бердик. Лекин бу лақаб унга ёпишиб тушмади: ҳеч ким уни бу лақаб билан атамади. Шу сабабдан биз ҳам ўз "ихтиро" мизни тездаёқ унутиб юбордик.

Холтой раис таъна ва насиҳатдан ўзи билиб-билмай мақтанишга ўтиб кетди:

— Мана, бизлар ҳеч нарсадан кўрқмаганмиз, ҳеч қачон бошимизди елкамизга тортиб, ғужанак бўлмаганмиз. Керакли гапди керакли жойида шартта-шуртта айтиб кетаверганмиз.

Шайтоним бир қитиқлади-бир қитиқлади: уни бошлаб узиб олишдан ўзимни зўрға тийиб борардим. Ёши улуғ — кўнглига оғир оладими, дедим. Тўғри қилган эканман, салдан кейин менсиз ҳам миси чиқиб қолди...

Нарироқда шариллаб сув оқаётган қувурдан челагини тўлдирётган хўппасемиз рус аёли кўринди. Бизга ўхшаб Холтой раис ҳам ташна бўлиб келаётган шекилли, отининг бошини тўғри ўша томонга бурди. Яқинлашиб тўхтагач, баланд овозда:

— Маржа! — деди. — Вада пёш.

Аёл бошини шиддат билан кўтариб, Холтой раисга еб қўйгудек тикилди.

— Чево?! — деди ғазабини босолмаганидан чийиллаб.

— Вада пёш!

Энди аёлнинг чийиллаши арслоннинг наърасидек ўкирикка айланди:

— Иди к чёрту! Дурак!! Степной козёл!!!

Холтой раис доводи раб қолди. Олдимда ўтирганидан менга кўринмадию, лекин юзлариям оқариб кетган бўлса керак. Индамай "бошини елкасига тортиб" отининг бошини шартта чойхона томонга бурди. Биз "вада" деган сўздан бошқа на унинг ва на аёлнинг нималар деганига

---

<sup>1</sup> Маржа — октябрь тўлғаришига қадар маҳаллий аҳоли рус бойвучаларини, баъзан умуман рус аёлларини маржа деб аташган. Бу сўз "ойимқиз", "хоним" маъноларида ҳам қўлланган.

тушунолмадик. "Вода"нинг сув эканлигини билардик, холос.

Шу пайтгача шайтонга ҳай бериб келаётгандим. Энди чидаб бўлмай қолди.

— Холтой ака, — дедим, иложи борича хотиржам товушда, — у хотин нима деб бақирди? Нега бундай гужанак бўлиб олдингиз?

У ўгирилиб юзимга қаради. Фазаби жўшиб турган бўлишига қарамай, кўзларида қандайдир бир қувлик милтиллаганини сезиб қолдим. Яна шартта олдинга ўгирилиб, нима бўлганини тушунтирмоқчи бўлди:

— У гапимга тушунмаганидан хафаман. Бу даюс маржа, ўзи ўрис бўлсаям, ўрис тилини билмасакан-да!

### Эр-хотиннинг уриши...

Комсомолнинг менга берган фойдаси шу бўлдики, илғор комсомолларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш баҳонасида, кейинги йили Холтой раис отардан чақиртириб, бир ўнбошига табелчи қилиб жўнатди.

— Хат-саводинг бор, буёғини боплайвер, — деди.

У пайтларда табелчи деганиям анча обрўли мансаб эди. Озода иш, пўримгина кийиниб юрасан. Даладаги эркагу аёл қўлингда — эрталаб иш тақсимлаб, кечқурун айритаёқ билан ўлчаб қабул қиласан. Бошқа пайтларда сувдай бекорчисан. Зериксанг, бажарилаётган ишларнинг сифатини текшир: кимнидир койиб, кимнидир мақта. Ҳар ҳолда, тоғу даштларда қишин-ёзин чўпон таёғини судраб юришдан яхшироқ-да.

Ўрим-йиғим охирлайверганида Кичик Эсардан чиқиб буғдой ўраётган Ҳилола исмли бир қизнинг ошуфтаси бўлиб қолдим. Бўлар-бўлмасга олдига боргим келаверади. Бирор кун ўримга чиқмай қолса, куним зимистонга айланади. Эртасига пайкалда кўрсам, гул-гул яшнаб кетаман. Энг яхши, бегона ўтлари кам жойдан соламан. Дам-бадам ишининг сифатини текшираман: ортида битта бошоқ қолдирса қани, боғлиқлари ҳам пишиқ, мустаҳкам. Камчилик тополмагач, гапга солмоқчи бўламан. Анчайинда сайраб турадиган тилимга тирсак чиқиб, дудуқланиб, ишга

доир нимадир деган бўламан. Ундан тасдиқ ё рад жавобини олгач, ёнидан узоқлашишдан ўзга чорам қолмайди.

Ҳилолани мактабдалигимиздаёқ ёқтирардим: юзларининг оқи оқ-қизили қизил, пачақдеккина қиз эди. Бир менгина эмас, бошқалар ҳам суқлашиб тикилишарди унга. Шундан биламанки, гўзалликка ёш болалар ҳам бефарқ бўлолмас экан.

Ҳилола ўйинқароқ қизалоқ эди. Мендан бир синф пастда ўқирди. Шунга қарамай, ўғил болаларнинг бўлар-бўлмас гап отишига тоқат қилолмасди: ё бобиллаб қаргаб берарди ё юзини яшириб, йиғлаб юборарди. Болалар ўлганнинг куни, деб кулишарди. Мен унга ачинардим. Тарафини олиш ёки ёнига бориб тасалли беришга ийманардим. Яқинига борсам телпак бостирилган жумур бошимни кўриб бурнини жийирадигандай — жирканадигандай туюларди...

Ўрим-йиғим ишлари тугаб, аёллар далага чиқмай кўйишди. Эркакларгина хирмон жойлардаги сомонларни ширдон қилиб уйиб, устига тупроқ тортишади. Совуқ кунлар бошланиб, қор ёға бошлагач, эркаклар ҳам уйларига қамалиб олишди.

Тез-тез Кичик Эсарга — Суяр индамасникига қатнайман. Унинг "суҳбати"га кўзим учиб турмасди. Ягона мақсадим — девор-дармиён қўшниси Ҳилолани узоқдан бўлса ҳам кўриб қайтиш эди.

Шундай кунларнинг бирида йўл устида Савур савмалга рўпара келиб қолдим.

— Ҳа, камсомон, — деди у бузуқроқ гавдасини кериброқ тўхтаркан. — Серқатнов бўлиб қолдинг бу тарафларга?

Дафъатан хаёлимга келган гапни такрорладим:

— Болаларди комсомолга ташвиқ қиялпман.  
— Шундай де, фирқага ўзинг қачон ўтасан?  
— Ҳали бир йилча бор, ёшим ўн саккизга тўлсин.  
— Балли, фирқага албатта ўт, сендан жахши фирқа чиқади.

— Буни ўзим ҳам биламан.

- Жўқ, буни сен билмайсан. Буни, мана биз биламиз.
- Туври...

Савур савмал пичинг, ҳазил-ҳузулларга тушунавермасди. Шу сабабдан кўпинча “сизники маъкул” деб қутулиб кетардим. Кичик Эсарга серқатнов бўлиб қолганимни шу одамки пайқабдими, демак ишларим хуржун. Бошқалар бу ерга нима мақсадда келаётганимни албатта билиб олишади. Кейин гап-сўз кўпаяди. Бутун олам гапирганида менинг парвойимга келмасди. Аммо қиз боланинг шаънига яхшимас. Шунинг учун бу ерга қатнашни камайтириш керак. Иложи бўлса, бутунлай келмай турсам...

Келмаслигининг иложи бўлмади. Ўн-ўн беш кунда бўлса ҳам Суяр индамасниқига қатнаб, амаллаб кўкламга етдим. Кунлар исиб, далаларда яна иш қайнади. Тарик, зигир каби экинларни ўтоқ қилишга аёллар ҳам чиқа бошлади. Менинг куним туғди: Ҳилола бу йил кўкламданок ишга чиқди. Аста-секин у билан муносабатларимиз илиқлашиб борди. Мактабдаги ўйинқароқ, шаддод қизалоқ босиқ, оғир-вазмин бўй қизга айланган эди.

Ёзга етмаёқ ўзим қўрқиб юрган ҳодиса рўй берди. Ҳилоланинг атрофида урчуқдай айланишим, унинг мен томонга тўниб қарашлари, қисқа фурсатга бўлса-да, тез-тез юзма-юз туриб суҳбатлашишимиз одамларнинг, айниқса, аёлларнинг назаридан четда қолмади. Ҳар иккала қишлоқда баланд-паст гаплар ўрмалаб қолди. Бу акамнинг ҳам қулоғига етиб: “Энди шу қизга уйланасан” — деб туриб олди. Ичимда жон деб турсам-да, озроқ таранг қиламан. Бундан соддагина акамнинг фигони фалакка чиқади.

Акамни тушунаман. У ўзини мен учун ҳам ота, ҳам она ўрнида кўради. Мени уйли-жойли қилишни зиммасидаги қарз деб билади. Бир томони шу йўл билан ортиқча гийбат-вашатларга барҳам беришни ўйласа, иккинчидан, кўлида мол борида бошимни икки қилиб, шу қарздан қутулишни мўлжалларди.

Акамнинг совчиликка эпи йўқлигини билганим учун ҳам тўғри Холтой раиснинг уйига бордим. Ҳилолага биз

томондан совчи бўлиб боришини илтимос қилдим.

— Нега мен, Қобил аканг-чи? — деди у.

— Акамни ўзингиз биласиз-ку... — нима дейишимни билмай чайналдим.

— Биламан, у — мужмал одам, бундайчиқин ишларни битиролмайди. Шундай бўлсаям ўзи бир борса тузук бўларди. Сендайчиқин жигитга ким қизини бермайди! Камсомон, акитип!.. Майли, борганим бўлсин. Қиз неча ёшда?

Ишнинг чуви чиқа бошлаганини сезиб, унинг ёшини кўтариброқ айтдим.

— Мен билан тенгдош: ўн еттида...

— Сал ёшроқ экансизлар-ов...

Темирни қизигада босдим:

— Э-э-э, ҳамма нарсадан сиёсат излайверсангиз, гўжангиз пишмайди.

Раиснинг ўзи орага тушгач, бу томони тезлашиб кетди. Хайриятки, қизнинг ёшини суриштириш Савур савмалнинг эсига келмади.

Иккаламиз ҳам анча ёш эдик. Турмуш қуришга унчалик тайёр эмасдик: гиди-бидисиз турмуш — яхши турмушда. Бу орада ўғилли ҳам бўлиб олдик. Шундан кейин турмушимизнинг тахири чиқа бошлади. Аёл зоти молпарастроқ келадими, уни олиб бер-буни олиб бер, деявериб жонимга тега бошлади. Аввалига ётиғи билан тушунтиришга уриндим. Бўлавермагач, аччиқроқ гапириб кўрдим: "Ҳой инсон, — дедим. — Олдимда акам бор, — дедим. — Унинг юзига оёқ босиб молини сотай-да, сенинг згнингга ёпайми?!" — дедим. Бу ҳам кор қилмагач, келиштириб юзига биттани туширдим. Жағи қизиса чакаги ўчар, дедим.

Ростдан ҳам Ҳилоланинг чакаги ўчди. Лекин боласини опичладию Кичик Эсарга — отасиникига кетиб қолди. Тангиликка "кетсанг ундан нари", дея ортидан изламадим. "Эр — хотиннинг арази нима бўларди" — деб ўйлаганми, аввалига акам ҳам индамади. Бир куни чопонининг ўнгири

---

<sup>1</sup> Акитип — актив демоқчи. Бу ерда мансабдор маъносига.

шамолда елпиллаб қўрадан келдию, дўқ-пўписани бошлади:

— Сен қандайчиқин балосан ўзи, хотинни уриб хотин қиладими? Шу бугуноқ бориб, келинди олиб келасан!

— Бормайман! — дедим зардам қайнаб. — Келин керак бўлса ўзингиз олиб келаверинг!

— Бизга келин ҳам, невара ҳам керак! Сизга хотин, бола-чақа керак бўлмай қолдими, кампирчопоннинг уругини еган эшшак! Тур ўрнингдан!!

Акамдаям шунақа шиддат бор, деб сираям ўйламагандим. Дафъатан сакраб туриб кетаёздим. Вақтида ўзимни тутиб қолдим. Нима десаям мум тишлаб, эшитиб ўтиравердим. Дўқлари кор қилмагач, аста-секин у ҳам ҳовридан тушди.

— Хотин қўйган етти пуштимизда бўлмаган, укажоним. Бундан кейин ҳам шундай бўлсин. Бу иснодни сираям бўйнингга олма...

Ўзимга қолса Кичик Эсарга қанот боғлаб учардим. Бироқ йигитлик гурури бундай қилишимга йўл қўймасди. Шундай қилиш — Ҳилолани елкамга чиқариб олишдай туюларди. Бора-бора ўзи бошимга чиқиб олади, деб ўйлардим. Қайнотам — орияти кучли одам, қизини ҳафта-ўн кундан ортиқ уйда сираям ушлаб турмаслигини биламан. Ҳилола нима учун борганини, балки, уларга айтмагандир ҳам. Нима бўлган тақдирдаям вақт менинг фойдамга ишлаётганини сезардим.

Янгам ош-сувимни одатдагидек вақтида бериб турса-да, хотинсиз уй одамни ютаман деркан. Бунинг устига ўғлимни соғина бошладим. Ана келар-мана келар деб йўлларига кўз тутиб юрган кунларимнинг бирида ўғлимни кўтариб, ҳовлимизга қайнотам кириб келди. Ортидан мўминтойгина бўлиб Ҳилола келяпти.

Ўрнимдан сакраб туриб истиқболларига югурдим. Ҳеч кимга қарамай Ҳилолани маҳкам қучоғимга олдим, юзингда кўзинг борми демай, қайнотамнинг олдида у юзидан — бу юзидан чапиллатиб ўпавердим. Ора-сира:

— Во айланай хотинимдан, — дейман ҳансираб. — Отангдикида шунча узоқ қолиб кетасанми? Соғинтириб

қўйдинг-ку, фариштам! Во ўзимнинг жайроним, булбулим, тустовугим, каптарим...

Ҳилола бундай қилиқни кутмаганидан шошиб қолди. Номусдан ер ёрилсаю, ўрмалаб кириб кетса. Қучоғимдан чиқолмай типирчилаб ялинади:

— Уят... Уятдан ўлдирдингиз-ку одамди. Қўйворинг, отамди кўрмаяпсизми, қўйворинг, уятсиз!

Ниҳоят уни қўйиб, ҳайратдан оғзини очиб турган қайнотамга салом бердим. У ўзига келдию, болани тезгина қўлимга ушлатиб терс ўтирилди:

— Ҳе, бетларинг қурисин-эй! — деди эшитилар — эшитилмас товушда ва ортига қарамай ҳовлидан чиқди-кетди...

Хотин билан жанжалимизнинг аввалию охири шу бўлди. Яна тихирлик қилаверса, қўлимдан ҳар бало келишига ишонди, шекилли-да.

### **Эртани ўйламайдиган мезбон**

Йил одатдагидан қурғоқчилроқ келганидан, дашт одамлари амал-тақал билан пишиқчиликка етиб олганди. Бу йил аввалгисидан бадтар келди: анчадан бери осмондан бир томчи ҳам ёмғир тушмади. Ҳамалнинг охирига етиб — етмаёқ донли экинлар қуриб-қовжирай бошлади. Одамлар саросимада, жўжабош бўлиб қотаётган арпа-буғдойларнинг бошоқларини кўриб, янги ҳосилдан умидларини узади. Ҳозирданоқ қиш гамини ейиш ҳаракатида атроф туманларга — обикорларга тарқалиб кета бошлашди. Бундай замонда бирор жойдан иш топиш ҳам амримаҳол. Омади чопиб иш топганларнинг даромади — ҳемири. Аксар пайтларда қорни учун, кун ўтарга ишлаётганлар ҳақида ҳам хабар эшитардик.

Кунларнинг бирида ёнимга! Ҳасан келди. Ранги анча синиққан, юзидан тупроқ ёғиб қолибди.

— Бундан буёғигаям колхозда кесак ялаб юраверамизми? — деди дабдурустан.

— Нима қил дейсан?

— Кетдик. Тирик қолишдинг аъмолини ўйлаш керак.

— Қаерга борамиз?

— Ўлаатга. Ҳамма ўша томонга кетяпти.

— У ердаги хўрозлар биздикидан яхшироқ қичқиришаяптмикан?

— Бунисини билмадим. Бироқ одамлар кетишяпти.

— Биров томдан ташласа, ортидан ташлайверасанми?

— Қишда очликдан шишиб ўлгандан кўра, вақт борида ташлаб қолиш керак. Индамасминан келишдим, сен қўшилсанг бирор ишдинг бошини ушлармиз. Нима дединг?

— Ўйлаб кўриш керак.

— Ўйчининг ўйи битгунча...

— Товушингди ўчир!

Гап чуватишига йўл қўймаганимдан Ҳасаннинг жаҳли чиқиб, кўлини силтадию кетди. Эртасига Суяр индамас иккаласи азонлаб йўлга чиқишганини эшитдим. Қишлоқдаги энг яқин жўраларим шулар эди. Уларга ачиндим. Айни маҳалда бундан бошқа чоралари йўқлигини ҳам ҳис қилардим: оилалари ночоргина, колхозда фақат ўзлари ишлашади. Ҳозиргидек замонда бир кишининг топгани нима бўларди.

Ўртоқларимнинг тентираб кетишаётгани мени ҳам ўйлантириб қўйди. Аҳволимизни синчиклаб тарозига солиб кўрдим: аввалги қўр-қутларимиз билан 1932 йилни амаллаб ўтказдик. Бу томонига бизнинг ҳам аҳволимиз танг бўлиб қолиши аён бўлди. Бозорларда ҳозирданоқ доннинг баҳоси кўтарилиб боряпти. Қишгача нима бўлишини худо билади. Бу кетишда тездаёқ бизнинг ҳам икки оёғимиз бир этикка текилиб қолиши турган гап.

Нима қилишимни билмай, бир-икки кун бош қотириб юрдим. Ниҳоят, ўртоқларимнинг ортидан боришим керак, деган фикрга келдим. Акам билан маслаҳатлашиб, мен ҳам кетадиган бўлдим.

— Холтой раисга айтиб кетсанг бўлармиди, — деди акам. — Ҳар ҳолда табелчисан, камсомон аъзосисан...

— Холтой раис кетишимга сираям руҳсат бермайди. Шундоғам колхозда одам камайиб кетаётир. Биз оч қолсак колхоз ҳам, комсомол ҳам тўйдиролмайди. Шуний-чун, унга айтмай кетаверганим маъқул.

— Ўзинг биласан...

Ўлаат деганлари катта эл — ўнлаб қишлоқлари бор. Ерлари захкаш, сизот сувлари юза бўлганиданми, бу тарафларда тез-тез ўлат касаллиги чиқиб туради. Ўлаат номи, балки, шундан келиб чиққандир. Нима бўлганида ҳам бу ерлар — обикор: тирикчиликлари даштдагиларни кига нисбатан дуруст, ўзига тўқлар кўп эди.

Бундайлар, бошқачароқ айтганда, ўттиз-қирқ моли, беш-ўн таноб ери борлар даштларда ҳам кўп эди. Улардан аксариятининг тагига Савур савмал сув қуйиб юборди. Бу ур-сурларга Холтой раис ҳам бош қўшди, албатта. Бойлар, руҳонийлар, қулоқларни синф сифатида тугатасан, деб юқоридан буйруқ қилиб туришгач, унинг четда қолишининг иложи бормиди. Лекин, киши билмас, беш-ўн моли борларнинг кўпларини сақлаб қололди: икки-уч молини "мусодара" қилган бўлиб, ўзларини "ихтиёрий" колхозга тортди. Охири пайтларда бу ишларда билиб-билмай биз ҳам кўмак берганмиз уларга.

Ўйлаб қарасам, шу ишлар бекор бўлган экан-ов, асти. Ўша бойлар, "қулоқлар" суриб юборилмаганида одамлар бунчалик тўзиб кетмасмиди: молларини боқишса ҳам, қурилишлари ёки даласида ишлашса ҳам бир кунлари ўтарди — иш берган валломат ўз хизматкорини оч қўймасди.

Саҳарлаб йўлга тушиб, шомдагина ҳориб-чарчаб Чимқишлоққа етиб келдим. Ҳалиям эшагим бақувват ва илдамлик қилди. Аксинча, бу жойларга етти хуфтондаям етиб келолмасдим. Қишлоқ четидаги биринчи ҳовлига бурилиб, уй эгасини чақирдим. Истиқболимга чиққан ўзимдан ёшроқ йигитдан бир кеча тунашга жой сўрадим. У бир зум тарадудлангач, ноилож:

— Тушаверинг, — деди. — Эшагингизди анови бурчақдаги қозиққа боғлайсиз. Мен беда олиб келаман.

Йигитнинг хушламайроқ қабул қилганини сездим. "Бизнинг даштликлар жой сўрайвериб буларни роса безор қилганов" — деган фикрга бордим. Аммо тушишдан бошқа иложим йўқ эди. Ўзимда ҳам, эшагимда ҳам мадор қолмаган. Шу аҳволда жой сўраб яна кимникигаям борардим.

Эшагимни боғлаб, мезбон келтирган бир боғ кўк бедани олдига солдим. Қўшқулоғимни<sup>1</sup> қўлтиғимга қисганимча йигитнинг ортидан торгина даҳлиз орқали меҳмонхонасига кирдим. Мезбон мени ўтқизиб, ҳаял ўтмай бир қўлида нон ўралган дастурхон, иккинчисида майиз, жийда ва туршак тўлдирилган патнис кўтариб кирди. Кейин бир чойнак чой билан иккита сопол пиёла олиб келди. “Тушаверингида маза бўлмасаям бу томони тузук-ку” — ўйладим ўзимча.

Йигит чойни қайтариб, менга бир пиёла узатди-да, нон ушатди.

— Дастурхонга қараб ўтиринг, меймон, — деди.

Ютоқиб турганимга қарамай, орадаги ётсирашни йўқотиш учун ҳазил қилдим.

— Дастурхонга қара-аб ўтиришимдан нима фойда, маза қилиб емаганимдан кейин...

Мезбон кулиб хатосини тузатди. Дастурхондан у-бу тотиниб, сал ўзимга келиб олгач, исмини сўрадим.

— Отим — Каримберди. Лекин қишлоқдагилар отим билан аташмай, Каптарбоз дейишади. Бу ерда, эс билганимдан бери, битта мен каптар боқаман.

У исмини айтгач, мен ҳам ўзимни таништирдим:

— Отим — Асқар, яна Кал деган лақабим ҳам бор, — дедим сочи ўсинқираб қолган бошимга шап-шап уриб. Лақабимга қараб, жирканиб юрманг тагин.

Карим каптарбоз гапимдаги мазмундан кўра гап оҳангимдан завқланиб кулди. Шу билан иккаламиз элакишиб кетдик.

— Анча узоқдан келяпсиз чоғи, қаердансиз? — сўради у.

— Эсарданман. Қишлоғимиздинг довруғи бу ерлардаям маълумдир?

— Ҳа, латифаларингизди кўп эшитганмиз.

Ҳазил-ҳузул билан анча ўтирдик. Толиққанимни сезиб, кечки овқатдан сўнг мезбон менга жой ҳозирлаб берди ва ўзи иккинчи хонага чиқиб кетди. Тўшакка чўзилдим,

<sup>1</sup> Қўшқулоқ — пахта ёки жундан ўрмақда тўқиб тикилган қоп. 150 килодан ортиқ дон сияди.

тошдай қотиб ухлабман. Бир маҳал қандайдир шивир-шивирлардан "Яна бирор йўловчи келдимикан" — деган хаёлда иккинчи ёнбошимга ағдарилдим. Қайта ухламоқчийдим, бўлмади: овозлар ўқтин-ўқтин кучайиб, тобора сирлилиқ касб этарди. Шундагиёна уй эгаси яқиндагина уйланганлигини фаҳмладим. Келган пайтимда нохушроқ кутиб олганлигининг сабаби зиқналиги ёки одамшавандалиги йўқлигидан эмас, анчайин, висол онларининг мана шу тароватли дамларини қизганганлигидан эканлигини сездим. Ҳарқалай бегонада — энг шукуҳли пайтларда яқингинангда бировнинг борлигини ҳис қилиб туриш янги уйланганларнинг аксариятига хуш келавермайди.

Ўзимча жилмайдим, янги уйланган пайтларимни эслаб, беихтиёр энтиқдим. Уларнинг овозларини эшитмаслик учун бошимни кўрпа билан маҳкам ўраб олдим. Димиқсам ҳам чидаб анча ётдим. Баъзан овозлар уч-тўрт дақиқа тинчиб ҳамма ёқни сукунат қоплайди. Энди ухлашди-ёв, деган хаёлда кўрпадан бошимни чиқарсам, шивир-шивирлар яна бошланади. Куёвтўрага "секин гапир, қўшни хонада одам бор" — дейиш келин тушмагурнинг эсига келай демайди. Яқинларида одам борлигинимас, гўё бутун дунёни унутишгандай эди улар...

Орадан қанчаям фурсат ўтгач, келиннинг овози аввалгиларидан баландроқ эшитилди. Ярим зарда, ярим нозли товушда:

— Нима қияпсиз, ўзи?! — деди.

— Сени еб қўйгим келяпти! — Каримнинг овози дўриллади. — Еб қўяйми?

Яна жилмайдим. "Бор-э" деб бошимдаги кўрлани суриб қўйдим. Салдан кейин бояги ҳолат яна ва яна такрорланди:

— Еб қўяйинми?

Энди чидаб туролмадим. "Нима бўлса бўлар" — деб баланд товушда:

— Келинди бугун еб қўйиб эртага момонгди мардонини ейсанми, телба Каптарбоз! — дедим.

Келиннинг секингина "Вийй!" деган товуши эшитилдию, шу билан иккаласи ҳам тинчишди. Энди уйдан қувлаб

чиқаришмаса гўргайди, деб ётиб кўзим илинганини пайқамай қолибман. Шу ухлаганимча кун ёйилиб кетганида уйғондим. Ўрнидан туриб, хона ўртасидаги ясагулик дастурхонга кўзим тушди. Дастурхон ёнида хаёл суриб ўтирган Карим каптарбозга қарагандим, у қизариб, ерга тикилди.

— Кечиринг, меҳмон биздан беадаблик ўтипти, — деди юзлари ловуллаб. Ювининг, биргалашиб қовзанайлик.<sup>1</sup>

## Илми жавҳарнинг суюғи

Ўзимни ҳар ёққа уравермай, уч-тўрт кун айланиб, муносиброқ иш қидирдим. “Қаландарнинг ризқи ғойибдан” — деганларидек, бу орада уч-тўрт даврага пойгақдан кириб тўрдан туриб кетиб юрдим. Атрофимдагиларга сўзамоллигим маъқул келармиди, латифаларимми ё ўзбекча, қозоқча, тожикча ашуллапарларимми, ҳарқалай, тездаёқ бирга ўтирганларни оғаймига қаратиб олардим. Шу тарзда таниш-билиш, ошна-оғайниларим ҳам кўпайди. Салдаёқ мен гап-гаштакларни эмас, гап-гаштак қиладиганлар мени излайдиган бўлишди.

Маъракалардан бирида Самар полвон деган чавандоз билан танишиб қолдим, у мени ёнидан силжитмай қўйди. Тунашга ҳам уйига олиб кетарди. Ишнинг дарагини ҳам шу одам айтди. Аювчи қишлоғида қандайдир йўллар билан қулоқ бўлишдан қутилиб қолган Жонзоқбой исми ошнаси бор экан. Янги иморат қурмоқчи экану, деворини кўтариб берадиган мардикорга ёлчимай юраркан.

Бу замонда мардикор топиш қийин эмасди. Полвоннинг айтишича, бой таклиф қиладиган оби-ёвғон сариқ чақа ёки арзимаган дон-дунга бундай оғир ишни ҳеч ким бўйнига олмас экан. Топган мардикорлари шу сабабларга кўра бир-икки кун ишлашгач, ҳақлариниям сўрамай қочиб қолишаркан.

Самар полвон хабарни анчайин маслаҳат тариқасида айтган бўлсада, мен иккиланмай рози бўлиб қўяқолдим.

— Эҳтиёт бўлинг, — деди у. — Жонзоқбой кўринишида

---

<sup>1</sup> Қовзанмоқ — тўяр-тўймас овқатланмоқ, тапбости қилмоқ. Бу ерда камтарлик юзасидан ишлатилмоқда.

пўккага ўхшаганиминан жуда зиқна, ўлгидай қув одам.

Жонзоқбойнинг қувлиги ҳам, зиқналиги ҳам мени чўчита олмади. "Кимнинг ўқи ўзишини ҳали кўрамиз, — деб ўйладим. — Битта зиқна бойга бас кела олмасам, юрган эканман". Ҳасан билан Суяр индамасни топиш масаласи ўйлантириб турарди. Аммо уларни тез топдим: Яканшиқнинг бозорида аравағалтак судраб юришган экан.

— Жасадларингга ярашадиганроқ ишди қилсаларинг бўлмайдимиди? — дедим уларга ҳайфсан бериб. — Девдай йигитлар бир боланинг ё ёши ўтиброқ қолган чолдинг ишини қилиб юрибсизлар.

Яканшиқда ҳафтасига бир кунгина бозор бўлади. Шу куни уч-тўрт кило донга етарли пул ишлашаркан. Бошқа пайтларда ҳар кимларнинг хизматида кун ўтказиб юришаркан. Бунақада ёз бўйи икки пуд<sup>1</sup> дон тўплаши душвор эди. Шунинг учун уларни эргаштириб, Жонзоқбойникига йўл олдик. У билан Самар полвоннинг аралашувисиз савдони пиширмоқчи эдим. Кейинроқ орада келишмовчилик чиқса ҳам (афтидан у билан ўзининг усулида гаплашилмаса бўлмайди чоғи) Полвонни хижолат қилмаймиз, деб ўйладим.

Жонзоқбой билан анча савдолашдик ва бири етти, бири тўққиз, бири ўн бир болорли уч хонали уйининг деворини кўтариб беришни бўйнимизга олдик. Ҳар куни қанд-қурси билан бир маҳал чой, икки маҳал иссиқ овқатни бўйнига қўйдик. Иш сўнгида йигирма беш пуд буғдой беришига кўндириб, ишни бошлаб юбордик.

Ўлаатда танилиб қолганимдан, ҳар куни бўлмаса-да, кун ора бирортаси келиб, мени тўйгами, гап-гаштакками олиб кетади. Уйига меҳмон келиб қолса, хўжайинимиз Жонзоқбой ҳам чақиртириб турадиган одат чиқарди. Уникида бойвуччасининг баъзи ишларига қарашиб туришдан ташқари, қизиқ-қизиқ латифаларим билан меҳмонларини кулдириб ўтираман. Борган жойларимдан қуруқ қайтмасдим, мева-чева, нон-пондан ташқари бир товоқ сергўшт паловми ё бошқа бирор тансиқ таомми

---

<sup>1</sup> Пуд — 16 килограммга тенг оғирлик ўлчови.

келтираман. Эрталабдан кечгача лой тегиб девор кўтараётган йигитларга бу қўшимча овқатлар қувват бўлади. Шу сабабли баъзан зиёфатларга бормайман дейдиган бўлсам, ўз ҳолимга қўймай, шерикларимнинг ўзлари жўнатишади.

Одамнинг табиати қизиқ: эшагинг лойга ботганда кимнингдир ёрдамига муҳтож бўласан. Ўшандай пайтларда кўзларига мўлтираб тикилишдан ҳам уялмайсан. Эшагинг лойдан чиққач, ҳаммасини унутасан — гўё ҳеч қачон бировнинг ёрдамига муҳтож бўлмагандай тутасан ўзингни. Ҳасан билан Суяр ҳам шу тахлитда иш тутадиганлар тоифасидан чиқиб қолди-иморатнинг деворлари кўтарилгани сайин феъллари айниб борди. Буни сезсам-да билмаганга олиб, ўзларининг ёрилишини кутдим. Бир куни шундай пайт келди.

— Ҳов ошна, — деди тушлик қилаётганимизда Ҳасан. — Биз бу ерда итдай ишлаймиз. Сен биздан бир — икки соат олдин ишди тўхтатиб, зиёфату, гаштакларда санқийсан. Яна ўн — ўн беш кунда девор битади. Ўшанда иш ҳақини бўлишишим уйлайсанми?

Суяр индамасга ҳам тил битиб қолди:

— Ҳақдинг беш қисмидан иккиси сенга, иккиси менга, қолгани унга-да, — тўнғиллади у.

— Бўпти, — дедим уларга заррача қаршилиқ билдирмай.

— Шундай қиламиз. Ҳаммаси сизлар айтганчалик бўла қолсин.

Ўзларига сездирмаган бўлсамда, жўраларимнинг назари пастлик қилаётгани оғир ботди. Пайтини топиб уларга эсларидан чиқмайдиган сабоқ беришни дилимга тугдим. Шу кундан бошлаб бир кун улар билан теппа тенг лойда ишласам, икки кун қорамни кўрсатмадим. Қайтишимда аввалгидай тансиқ егуликлар кўтариб келмасдим. Кундан-кун силласи қуриб бораётганига қарамай, шерикларим ҳам гиринг деб оғиз очишолмасди. Бу юртларда аксар кунлари ариллаб турадиган шамол ёғ тегмай қўйган лабларини тездаёқ тарс-тарс ёриб юборди. Ундан қон аралаш сариқ сув тишимсиз сизғиб турарди. Оёқ-қўлларидан эт қочиб, тандир косовдай қорайди.

Рангларидан яна тупроқ ёға бошлади. Лекин, ўлганларнинг куни, деб чидашарди.

Иморат битадиган кун келди. Шерикларим Жонзоқбойни айтиб келиш учун мени уникага жўнатишди. У деворнинг урилишини ўз кўзи билан кўриб, ҳисоб — китобни узиши керак эди.

Бойникига боришга бордим у иморат тўғрисида оғиз очмадим. Бойвуччасидан озроқ қалампир сўрадим. Қалампирни олгач, четроққа чиқиб, уни бир пиёладай индов ёғига обдон ийладим. Кейин кўкнорилар тутадиган ва қаердандир чўнтагимга тушиб қолган чарм халтачага "жойлаб", ёнимга урдим-да, шерикларимнинг ёнига қайтдим.

— Хўжайин ҳозир келолмас эканлар, — дедим Ҳасаннинг ёнига бамайлихотир ёнбошлаб. — Лекин кечқурун уйига чақирди. Девори битгани шарафига сизларни меҳмон қилмоқчи шекилли.

Мен келгунимча улар деворнинг қолган-қутган ишларини саранжомлаб, йўлимга кўз тикиб ўтиришган экан. Бу янгиликдан ҳар иккаласининг кўнгиллари кўтарилиб, анча қўпонглаб қолишди: бойникидаги тартиб, меҳмондорчилик пайтида тортиладиган таомлар ва бошқа майда — чуйдаларни эринмай суриштира бошлашди. Мен ҳам гапимга тўн кийдириб, оғизлари сув очадиган даражада ошириб — тошириб ҳикоя қилавердим.

— Лекин... — ҳикоя сўнгида ясама чайналдим. — Лекин ...

— Нима лекин?! — баравар хитоб қилишди улар.

— Хўжайин ҳам сизларминан бир товоқдан овқат ейиши керак-ку!

— Бирга овқатланса нима бўпти?

— У — бой одам. Бойлардинг ўзи бир пақирга қиммат бўлсаям таъблари нозиклигини билсаларинг керак. Манови косов қўлларингди айтмаганимдаям, тўборсиган<sup>1</sup> лабларинг кўзга бир ёмон кўринади. Шундан жирканадим дейман. Яна ўзларинг биласизлар.

---

<sup>1</sup> Тўборсиган — илвиреган, пўсти кўчган.

Умид қилинган зиёфатнинг бундай даҳмазалари бўлиши мумкинлигини на Ҳасан ўйлаганди ва на Суяр. Иккаласининг ҳам пайтаваси сувга кетди. Бу мушкулотдан уларни яна ўзим олиб чиқдим.

– Ҳўп десаларинг, менда илми жавҳар деган дори бор. Суркасам кечгача лабларингизнинг яламаси тузалиб қолар. Бетларинггаям озроқ ранг киради.

– Э-э, чиқар ўша илми жавҳарингди! – деди Ҳасан.

– Лабларингди бироз ачитади-да.

– Ўлдирмаса бўлди! – гулдуради Суяр.

“Дори”ни чиқаравермай, озроқ тихирлик қилиб турдим. Ялинишавергач, ноилож қолгандай бир алфозда чўнтагимдан чарм халтачани чиқардим. Имиллаб оғиз ипини ечдим. Лекин кутилмаган бир чаққонлик билан иккаласининг ҳам лабларию, юзларига индов ёғига ийланган қалампирни чаплаб ташладим.

Номус кучли, кўзларидан дарров тирқираб ёш чиқиб кетганига қарамай, бироз чидаб ўтиришди. Аммо аччиқ қалампир билан аччиқ индов ёғи ўз вазифасини шафқатсизлик билан бажарди: айниқса қонсизиб турган лабларини ловулатиб, иккаласини ҳам ўлар даражага олиб бориб қўйди. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган Ҳасан ўрнидан сапчиб турди. Нарироқдаги чорси ҳовуз томонга чолиб боратуриб бепарда сўкинди:

– Энангди фалончи қилай, Асқар кал, мен сенга нима ёмонлик қилувдим?!

У кийим-пийими билан ўзини “шўп” эткизиб сувга ташлади.

– Ҳў-ў-ў отангди арвойи!.. – деганича ортидан Суяр индамас жўнади.

Қорнимни чангаллаб, ўзимни тутолмай юмалаб – юмалаб кўлдим. Ўрнимдан туриб уларнинг ҳолини бир томоша қилмоқчи бўлардим, аммо кулгининг зўридан яна қулардим. Бу Ҳасанни баттар ғазаблантирар ва у тилига зўр берарди:

– Ҳў-ў-ўй, энағар, ит кал!..

У менинг нафсониятимга тегадиган қилиб, келишгириб сўкинмоқчи, шу билан бир қадар аламини олмоқчи

бўларди. Бироқ сувдан чиқиши билан лаблари жизиллаб, охиригача сўкинишига имкон бермасди — апил-тапил ўпкасини ҳавога тўлдириб, яна ҳовузга шўнғирди. Худди шу лаҳзада Суярнинг боши кўринади. У ҳам:

— Ҳў-ў-вв, чўчқа кал! — дейди-да, қайта шўнғийди.

Ниҳоят кулгидан тухтаб, ўрнимдан турдим.

Кўз косаларимдаги кулги ёшларини кафтимнинг сирти билан артиб, ҳовузга қарадим.

— Ношукурликнинг жазаси шундай бўлади, — дедим уларга эшиттириб. — Кейинги беш-олти кунда шу кепатага<sup>1</sup> келдиларинг. Манови "дори"нинг қолганиям кун тегмас жойларингга суркаб олинглар. Шунда лойхандақда ўлиб кетмай, ниманинг ҳисобига икки ой отдай пишқириб яшаганларингди тушунарсизлар.

Чарм халтачани ҳовузга иргитдим. Ҳасан билан Суяр сувдан навбатига бош кўтаришар, яқинларида қалқиб турган халтачадан иложи борича нарироқ кетишга интилишар, лекин ҳануз баланд овозда чала-чулпа сўкинишиб, шу заҳотиёқ сувга шўнғиб кетишарди.

Уларни шу аҳволда қолдириб, шошилмай Жонзоқбойнинг уйига йўл олдим.

## **Фотиҳа— дастурхоннинг ҳақи**

Феълларига яраша, ўртоқларимнинг болаб таъзирини бердиму кейин ачиндим. Замон оғир. Бундай пайтларда одамлар бир-бирига суянчиқ, меҳр-оқибатли бўлиши ҳам, аксинча худбин, учига чиқан зикнага айланиб қолиши ҳам мумкин. Йўқчиликнинг йўриғига тушиб, кейинги тоифага ўтиб қолишса, уларда айб бормикан? Меҳнатнинг оғирлиги, турмушнинг қаттоллигига қарамай, одамзод оқибатни унутмаслиги керакдай эди. Улар менинг хизматларимни билишмади. Буниси ҳам майли, билишмаса билишмас. Лекин мени ўзлари учун ортиқча юк, текинхўр ҳисоблаб қолганлигига чидаммадим. Буни уруш-жанжал билан тупгунтириш ҳам қийин эди. Шунинг учун жонлари оғриси ҳам, диллари меникичалик оғримайди-ку, дея шу тадбирни ўйлаб топгандим...

<sup>1</sup> Кепата — ҳол, аҳвол.

Девор уриб бўлингани ҳақида Жонзоқбойга хабар бердим. Жўраларимнинг сал бўлса ҳам кўнглини кўтариш мақсадида йўлини толиб, бойнинг бўйнига битта зиёфатниям қўйдим ва кечга яқин уларнинг ёнига қайтдим.

Ҳасан билан Суярнинг мени кўришга кўзларию, отишга ўқлари йўқ эди. Хўл кийимларини сиқиб офтобга ёйишган. Ҳовуз лабида шумшайиб, иштончан ўтиришарди. Лабларининг ачишиши анча босилган шекилли, илвираб сув чиққан жойларига қоғоз парчаларини ёпиштириб қўйишган.

Бор ҳунаримни ишга солиб, уларни бироз юмшатдим: хўжайинникига олиб кетиш учун атайлаб келганимни билишгач дамлари пасайди. Қалампирнинг алами бутунлай тарқаманган эса-да, селгиган кийимларини апил-тапил кийиб олишди. Бироздан кейин, орадан ҳеч гап ўтмагандай эзмаланиб, Жонзоқбойнинг қанақа одамлигини суриштира бошлашди.

— Уни ўзларинг ҳам биласизлар-ку, — дедим гапни қисқа қилиб.

Йўлда кета туриб, бойнинг уйдаги тартиб-таомилни суриштириб, жонимга тегишди. Уларни биратўла тинчлантириб қўйиш учун:

— Тўхтанглар, — дедим иккала қўлимни баравар кўтариб. — Яна бир маслаҳатли иш чиқиб қолди. Шуниям келишиб олмасак бўлмайди.

— Айт, маслаҳатингни, — Ҳасаннинг бутун вужуди қулоққа айланди.

— Хафа бўлманглару, ёмон бир одатларинг бор: ўзларинг эшитган, билган нарсаларниям қайтариб ҳижжалайверасизлар. Давра кўрмаганликдан-ов бу. Бир-бирларингизга гап бермайсизлар, одамларнинг орасида мум тишлаб ўтирасизлар, жа-а бунчаликмас-да.

— Эмасам,<sup>1</sup> нима қил дейсан?

— Гапириб ўтириш керак, лекин эзмаланмасдан, бир гапди ҳадеб гапиравермасдан. Хўжайиннинг кўнгли учун овқатдан кейинги фотиҳаниям сизлар ўқишингиз керак. Йўриғи шундай.

---

<sup>1</sup> Эмасам — бўлмаса.

— Гапди-ку, бир бир бало қилиб сўқармиз, овмин деганини ўзинг суравер, — деди Ҳасан.

— Ҳартугул, бизлар дашт одами... — чайнади Суяр.

— Тоза одамига учрабман-ку, жа бўлмаса бирортанг қўл кўтариб, "овми-ин" дейишга ярамайсиларми? Қолганини ўзим текислайман.

— Шуйт<sup>1</sup>, жўра, майли, мен қўлимди кўтариб "овмин" дейман, — рози бўлди Ҳасан.

— Қўлди озод кўтариб, кироатини келтириб айтиш эсингдан чиқмасин, — тайинладим унга...

Жонзоқбой бу гал зиқналик қилмади, зиёфат тиззадан бўлди: овқат мўл, сергўшт, серёғ. Лекин минг тайинлаганимга қарамай, дастурхон устида асосан ўзим гапириб ўтирдим: тоғ-тошдан, ўрдан-қирдан деганларидай совутмадим. Шундай қилиб, шерикларимнинг лаб-даҳани "музлаганини" билинтирмадим.

Ниҳоят ош ейилди, чой ичилди. Навбат фотиҳага келди. Ҳеч ким индайвермагач, бойнинг ўзи тиш ёрди.

— Қани, йигитлар, дастурхоннинг ҳақини беринглар.

Зимдан Ҳасанга қарадим. Қорни туйиб қайғуси кетгач, минг қўйли бойдай виқорли бўлиб қолибди. Парвойи палак ўтирганидан кулгим қистади. Ўзимни аранг кулгидан тийиб, нима қилиш кераклигини эслатдим: маънодор томоқ қоқдим: "қўлингни кўтарсанг-чи, галварс!"

Бу ишорам, ҳар қалай, Ҳасанни ҳушига келтирди.

— Ов-ми-и-ин! — деди қўлини озод кўтариб қироат билан ва "Буёғини ўзинг олавер", дегандай менга қаради.

Мен кафтларимни очган куйи секин эгилиб, терс ўгирилдим. Ҳасан ўзининг чув тушганини фаҳмлади. Қўлини пастга туширишнинг фурсати ўтган. Бирдан жини кўзиди — аслида қорамтир юзлари бадтар қорайиб, кўзлари чақнади. "Сенинг шу қилганинггами!" дегандай фотиҳани ўз билигича ўқийвермоқчи бўлди. Бироқ, унга беихтиёр куфр сўзлар аралаштириб юборди.

— Овми-и-ин! — деди қайтадан қироат билан. — Облоҳу... энағар... акбар... ит кал...

---

<sup>1</sup> Шуйт — шундай қил.

Юзимга фотиҳа тортилмасдан хахолаб кулиб юбордим. Жонзоқбой ҳайратдан оғзини очиб бир зум турдию, алҳол у ҳам қўлини тушириб, менга қўшилди.

Қарасам, Суяр индамас ҳам шилқиллаб куляпти. Юзига кафтини тортган битта Ҳасаннинг ўзи бўлди. Яна "қотирдимми?" – дегандай менга қийғир қараш қилгани ортиқча.

## Ургочи дон

Эрталабданоқ ҳамқишлоқларимнинг ғамини ея бошладим. Бойвуччанинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб, нонуштага ширчай тайёрлатдирдим. Ўчоққа ўзим олов ёқишаётган бўлиб, бидирмай каттагина бир бўлак новвотни қозонга солиб, пишаётган сутда эритиб юбордим. Жонзоқбой ҳам, кампири ҳам сут ичишмайди. Демак, ширчай новвотли эканлигини улар билишмайди. Билишганида бир бўлак новвот туфайли давлатлари камайиб қолармиди. Ўртоқларим, ҳарна, бақувватроқ бўлиб йўлга тушишади. Бир кунлик йўлга думбул қорин билан чиқишса Ҳасан ҳам, Суяр ҳам сулайиб қолишлари тайин. Очиққан жойда кимдандир бирон нима олиб тамадди қиладиган замон бўлмаса.

Нонуштадан кейин шерикларимга қараб ўтирмай фотиҳани ўзим зовлатиб юбордим:

Бозорингиз Челак бўлсин,  
Душманингиз ҳалок бўлсин.  
Тарвуздай таноб отинг,  
Қовундай гуллаб ётинг.  
Худой сизга бераверсин,  
Теварақдан келаверсин,  
Олганингиз тилла бўлсин,  
Кийганингиз пилла бўлсин.  
Кучингиз дойрадай<sup>1</sup> тошсин,  
Номингиз Ғўбдиндан ошсин...

Дуоларим Жонзоқбойга хуш келди шекилли, елкамга қоқиб:

---

<sup>1</sup> Дойра – даре

— Кам бўлма, Асқаржон! — деди.

Дастурхон йиғилиб олингач, ундаги хушкайфиридан фойдаланиб, секин гап бошладим:

— Хизматингизди бажардик, хўжайин, энди эртароқ йўлга тушсак. Ҳақимизди...

Гапимни тугатгунимча бўлмай Жонзоқбой илиб кетди:

— Маъқул, инсоф юзасидан биз томондан бўлган баъзи чиқимлардиям ҳисоблаймиз-да.

Унинг шундай дейишини кутгандим. Шунинг учун пинагимни бузмадим. Лекин Ҳасан билан Суяр сапчиб кетаёзишди.

— Қандай чиқим?! — дейишди бараварига.

— Ҳисоблайверсак, чиқим кўп. Лекин "Инсоф — саъйи барака" деганлар. Инсофди унутмаймиз... Хў-ў-шш... Иморатимда икки ой ишладиларинг. Ёмон ишладиларинг, демайман. Шу муддат бадалида учовингдинг учта эшагинг, камайтириб ҳисоблагандаям, юз элик боғ сара беда еди. Шартимизда ўзларингдинг емоқ-ичмоқларинг бор эди, лекин эшаклар кирмаган. Хў-ў-шш...

— Бизга берган ёвгонингиздиям ҳисобласангиз...

— Нега? Овқатлар ёмонмиди?

— Овқатни ёмон дейиш куфр. Бироқ, ҳафтасига кўпи билан икки марта гўшт ёғли овқат бериб турдингиз. Сиздан бошқа одам бўлганида битта кўйди ағдариб ташларди. Лой иши кучли овқат талаб қилишини билмайсизми? Биласиз! Мановилардинг аспак<sup>1</sup> сўргандай бўлиб қолган рангига қаранг. Яхши овқат еб турганида шундай бўлмасди.

— У гап бу гапдан айлансин, чироғим, ўтган гапди қўй. Ўн етти пуд дон берай. Учовинг бўлиб олинглар-да, йўлларингдан қолманглар.

Орада келишмовчилик чиқди. Жонзоқбой ён берадиганга ўхшамасди. Қараб ўтириб ҳақларининг учдан биридан ажралаётгани Ҳасан билан Суярнинг жонларини ҳалқумига келтириб қўйди. Мен эса хотиржам эдим. Бундан Ҳасаннинг газаби келиб менга ўдағайлади:

---

<sup>1</sup> Аспак — дарахтнинг қанаси, қалқондор ҳашорат.

— Ўвв, Асқар, пачакилашни йиғиштир! Бу даюс бойдинг ичагини салла қилиб ўрайлик-да тўғри меласага борайлик. Қишда очимиздан ўлгандан кўра, қамоқда ўтирганимиз яхшимасми!

Жанжал-тўполон билан бир иш чиқариш қийин. Шунинг учун Жонзоқбойни ҳам, шерикларимни ҳам муроасага чақирдим.

— Бундай қилайлик, хўжайин, — дедим ётиғи билан. — Сиз бизга ҳозироқ уч сентир буғдой беринг. Манови иккаласини эртароқ жўнатмасак, оқибати сизгаям яхши бўлмас. Шунга розимисизлар? — сўрадим шерикларимдан.

Уларнинг рози бўлишдан бошқа иложлари йўқ эди. Ҳар ҳолда оладиганларига яна уч пуд дон қўшилди. Бу ҳисоб-китобдан Жонзоқбой ҳам хурсанд бўлди: беш пуд галлани чегириб қолишнинг уддасидан чиқдим, деб ўйлади шўрлик. Шунинг учун мен айтган донни иркилмай тортиб берди. қишлоқдан бироз узоқлашгач, шерикларимга тайинладим:

— Менинг эшагимдям олиб кетинглар. Боргач устидаги буғдойни икковингиз тенг бўлиб олинглар.

— Нима деяпсан ўзинг? — Ҳасан фикримни тушунмади.

— Сенинг ҳақингдиям биз оламизми?

— Менинг ҳақим бойда қолди, бу — Сизлардики.

— Бизларди сандиратма, — деди Суяр — Биз бировдинг ҳақини емаймиз. Сандаям бола-чақа бор...

— Чинини айтяпман, бир ҳафтадан сўнг эшаклар билан қўшқулоқларди олиб, шу ерга келинглар. Унгача мен Жонзоқбойга чилёсин ўқиб, буғдойни ундириб тураман.

Ниҳоят, қандайдир қитмирликни ўйлаганимни Ҳасан пайқади.

— Сени бекорга Асқар кал дейишмайди, — кулди у.

— Балосан! Эсидан чиқмайдиган қилиб бопла, даюсди боласини...

Ўша куни саҳардан рўза бошланди. Ошналаримникида юриб, уч кунни аранг ўтказдим. Тўртинчи куни пешинга яқин Чимқишлоқ билан Аювчига келиб, ҳаммани Жонзоқбойникига ифторликка айтиб чиқдим. Ҳатто қўшни қишлоқларда яшаётган мулла эшонларни ҳам териб-териб айтишни унутмадим. Ҳамма иш меъёрига

етгач, қишлоқ четидаги чакалакзорга бекиниб кеч киришини кутдим. Қандай қилиб бўлса ҳам Жонзоқбойни тавбасига таянтириб, уриб қолинган донни ортиги билан қайтариб олишга қасд қилдим.

Аср номозига яқин қишлоқ кўчаларида жонланиш бошланди: аввал қари-қартанглар, салдан кейин бир мунча ёшроқлар ҳам тўда-тўда, якка-якка бўлишиб, Жонзоқбойникига йўл олишди. Хаял ўтмай йўлда қўшни қишлоқлардан айтилганлар ҳам кўриниб қолишди.

Қўшниларнинг айтишича, ўта хасислигига қарамай, унинг битта ғалати феъли ҳам бор эди. У баъзи-баъзида қишлоғидаги баобрў кишилар — катта-кичик амалдорларни уйига чақириб, зиёфат бериб турарди. Туманбошилару орган одамларига-ку, борини тўкиб ташларди. Эҳтимол шу феъли қалтис дамларда жонига ора киргандир. Дилидаги хасислик ва зиқналикни жон қайғусида жиловлаб турса керак баъзида.

Мол кетсаям обрўсини сақлаб қолиши лозимлигини Жонзоқбой билади. Ичдан зил кетсаям бир пасдаёқ ҳовлисини тўлдирган одамларни ортига қайтаришга кечикканди. Ноилож бир чори қўйни сўйдириб, қозонга бостирди. Югуриб-елиб, қўшниларни ишга тортиб, оғиз очар пайтигача ҳовли саҳнига жой солдирди, дастурхонларни ҳам баҳолиқудрат тузатиб улгурди. Саҳардан бери ош-сувсиз юрган рўзадорлар оғиз очиб, нафслари озроқ ором топган пайтда ҳовли девори устида кўриниш бердим. Бирор хавф сезсам учиб кетадиган қушдай сергак эдим. Дарвозадан кириб келаверишга Жонзоқбойдан хавфсирадим: ҳақи ҳалолимни бермай шунча дағаллик қилган одам, бунақа куйиб ўтирган пайтларида қандай тентакликларга қўл уриши мумкинлигини ким билади.

— Хўжайин, — менга яқинроқ жойда ўтирган Жонзоқбойга дўстона оҳангда гапирдим. — Ҳақимди қачон узасиз?

— Қандай ҳақ?! — бойнинг товуши зардали эшитилди. — Оладиганингди олиб бўлдинг-ку, яна қандай ҳақинг қолди?

— Сиз ҳақимиздинг шерикларимга тегишли қисмини бердингиз. Бундан ҳеч ким тонаётгани йўқ. Лекин менга тегишли дон сизда омонат бўлиб турибти. Омонатга хиёнат — гуноҳи кабир эмасми, ҳурматли жамоат?

Жамоатдан бирор садо чиққунича бўлмай Жонзоқбой ўкириб юборди:

— Менда эшакларинг еган беданинг ҳақи қолди!

Жаҳд устида оғзидан шу гап чиққач, у тилини тишлаб қолди. Унинг бундай талмовсираши, ўтирганларга менинг ҳақ эканлигимни билдириб қўйди.

У замонларда макон ҳам нон қадар муқаддас саналарди. Қурилаётган бошпанасида уста ишлатиб, турли баҳоналар билан ҳақини бермаслик ёки чала бериш бориб турган иймонсизлик ҳисобланарди.

Жонзоқбойнинг тилидан илинганини пайқаб, отимни қамчиладим:

— Бошқа мардикор олганингизда, иморатингизда тупроқ ялаб, ўн ботмон<sup>1</sup> буғдойдан камига ишламаслигини мана шу жамоат билади. Биз шўрликлар ночорликдан, ярмигаям рози бўлувдик. Номардлик қилиб, шуниям икки сентрини юлиб қоляпсиз...

— Менда беш пуд донинг қолган, энағар эсар! — Жонзоқбой нортуядай ўкирди.

— Икки сентрдан<sup>2</sup> икки кило кам бўлсаям олмайман, — мен ҳам бўш келмадим. — Шуни яхшилаб билиб олинг, менинг доним — урғочи. Яна бирор ҳафта бермай турсангиз болалаб кетиб, тўрт сентрга етиб қолади.

— Мана сенга тўрт сентр дон!

Бойнинг сабр косаси тўлиб, мувозанатдан чиқди. Қўлидаги пиёлани чой-пойи билан мен томонга кучаниб отди. Пиёла етиб келмаёқ девор ортига сакраб, жуфтакни ростлаб қолдим.

## Худонинг бир бандаси

Жонзоқбой билан Самар полвон феъл-атворда бир-бирларининг тамом тескариси бўлишса-да, уларнинг

<sup>1</sup> Ботмон — 1 ботмон 10 пуда тенг оғирлик ўлчови. Тахминан 150 — 160 кг.

<sup>2</sup> Сентр — центнер димоқчи.

ошначилик қилиб юришлари ғалати эди. Ўзимча сабабини аниқлашга уринардиму, тополмасдим. "Чавандоз эл кўзидаги одам. Шундай бўлгач, чўпону амалдор, бойкамбағал бирдай ҳурмат қилади-да уни" — деган тўхтамага бориб қўяқолгандим. Вақт зиклигиданми ё анчайин унутдимми, Самар полвонни Жонзоқбойнинг "Ифтор" ига айтмагандим. Шунинг учун унинг уйига йўл олдим.

Бемаҳал ташрифимдан ҳайрон бўлиб турганини кўриб, чавандозга бор гапни очиқ айтдим. Ифтор воқеасини эшитиб, Самар полвон роса кулди. Кейин:

— Тонг отсинчи, ҳақингди ундириш йўлларини ўйлашиб кўрамыз, — деди. — Ҳозир қавзониб<sup>1</sup> олиб ёт. Қорнинг ҳам очдир?

— Ўйлашнинг фойдаси йўқ, — енгилгина қўл силтадим. — Ошнангизди аввал тавбасига таяштириш керак. Кейин бирор нарса десангиз, балки, фойдаси бўлар.

— Фойдаси бўлади. Нақ сургун бўлиб кетайдиганида орага тушиб, уни мен олиб қолганман. Энди айтганимди қилмай кўрсин-чи!

— Барибир озроқ сабр қилинг.

Самар полвон менга бир зум тикилиб турди-да елка қисди:

— Унда, ўзинг биласан..

Жонзоқбойга қарши қўлланган биринчи тадбирим мен кутган натижани бермади. Лекин, нима бўлса ҳам, унга қарши курашни бир ўзим давом эттирмақчи бўлдим. Эрталаб чавандознинг отини сўраб миндим-да, Жонзоқбойникига жўнадим. Орадан гўё ҳеч гап ўтмагандай дарвозасидан "бой ака" лаб кирдим ва салом бердим. Бунақа муомалага тутун қайтаришнинг иложини қила олмади у. Хушламай бўлса-да, саломимга алик олди.

— Чавандоз ошнангиз ифторликка айтиб юборди, — дедим хотиржам товушда. — Эртароқ боравераркансиз.

— Мени ифторликка айтса, Самар полвоннинг қишлоғида сендақа бетайиндан бошқа одам қуриган эканми? — Жонзоқбой ишонқирамади. — Совунингга кеча

---

<sup>1</sup> Қавзонмоқ — енгил — ели оққаташмоқ.

кир ювгандим - ку, бу камлик қилдими сенга! Ҳе, эсардинг туллак дўлиси...

— Чавандоз ошнангиз тайинламаса, сизга келиш зарилмиди менга, — отнинг бошини дарвоза томонга бураётиб тўнгилладим. — Отини бериб “бор” деди, келдим. Ўзимга қолса ҳақимди олмай туриб эшигингизга қадам босмасдим.

— Мендан бир нарса ундираман деб юрибсанми ҳали! — Жонзоқбойнинг овози кўтарилди, аммо “кимга гапиряпсан” демай кетаётганимдан зардаси қайнади. — Беъмани эсар, энағар кал!

Шу кетганимча Чимқишлоққа бориб, Карим каптарбоздан тўртта каптар, пишиқ йигирилган ўн қулочча шардоз<sup>1</sup> ва кичик бир бўлак эскироқ тўр олдим. Ҳаммасини қўйнимга яшириб, чавандозга отини элтиб бердим. Бой ошнасаникига кетаётганимни айтиб, у билан ҳам хайрлашдим.

Пиёдалаб Пойариқнинг кўпригига келдим. Жонзоқбой шу кўприқдан ўтиб Самар полвонникига бориши керак эди. Атрофни шошилмай текшириб чиқдим. Жой режаларимга жуда мос эди: каналнинг ўзим турган қиргоғи тикроқ, орқа тарафим қалин чакалакзор. Кўприк ёғочларининг тешик-тирқишларидан келаётган-кетаётганларга сездирмай йўлни кузатса бўлади. Жойдан кўнглим тўлагач, тўрни йўл четига яхшилаб ўрнатдим. Тагига қўйнимдаги каптарларни жойлаб, устини хас-хашаклар билан сезилмайдиган қилиб ўраб қўйдим. Тўрнинг бир четини шардознинг бир учига маҳкам боғлаб, иккинчи учини йўл четидаги буталар тагидан кўприкнинг остига олиб кириб кетдим.

Йўл илгаригидай серқатнов эмасди. Рўза кунларида кимнинг уйдан чиққиси келади. Уч соатча нафасимни ютиб, чидаб ўтирдим. Бу орада кўприқдан бор — йўғи уч киши ўтди. Биринчиси пиёда келаётганидан ҳеч нарсани пайқамади. Иккинчисининг оти озроқ тайсалландию, лекин ўтиб кетди. Ҳар қалай, эгаси отининг нимадан

---

<sup>1</sup> Шардоз — жундан пишиқ йигирилган ип.

хуркканини билмади. Кўприк тагида итми ё бошқа бирор жонворми ётгандир, деб ўйлагандир. Учинчи йўловчи эшакли эди. У ҳам гизиллаганича ўтиб кетди.

Кутавериш жонимга тегса-да, яна бир оз сабр қилмоқчи бўлдим. Гап-сўзларим ва ҳатти-ҳаракатларим билан Жонзоқбойни Самар полвон ифторликка чақирганига ишонтиргандай бўлувдим. Миниб борган отим ҳам уники эди. Бирор зарурат бўлмаса, кўпкаритоз отлар бировга берилмаслигини бой яхши билиши керак.

Тоқатим тоқ бўлиб, тепага чиқсамми, деб турганимда ёғочнинг тирқишидан Жонзоқбой кўринди. У от устида ҳеч нарсадан хавфсирамай, бамайлихотир келарди. Кўприкка яқинлашавергач, отнинг қулоқлари чимрилди. Бир-икки марта пишқирди ҳам. Жонзоқбой унинг нега бундай қилаётганига эътибор бермай, жиловини қаттиқроқ силтади.

От кўприкдан ўтиб бўлгунича бутун танам кўз билан қулоққа айланиб кетдиёв. Унинг боши каптарлар яширилган жойнинг тўғрисиغا етганида шардозни куч билан тортдим. Кўприк тагида менинг борлигимни ва йўл четидаги хашаклар орасида нимадир борлигини сезганидаёқ безовталанган от ўзи томонга икки жуфт каптарнинг патирлаб кўтарилганидан қаттиқ хурқди. Дувиллаб кўтарилиб, илкис ён томонга сакради ва эгасини қуриган ўтлар устига кетканчак қилиб ташлаб, чакалакзорга қочди. Жонзоқбой жон аччиғида ўрнидан бир турдию, оёғининг оғриғига чидолмай вой-войлаганча қайта қулади. Хайриятки оёғи узангига илиниб қолмади ёки ерга боши билан йиқилмади. Унда уйига ўлигини олиб борармидим...

Жонзоқбой ўрнидан туролмаслиғига кўзим етгач, шардоз билан тўрни кўприкнинг тагига тортиб олдим ва секингина чакалакзорга уриб кетдим. Қўлимдагиларни буталар орасига яширгач, сал оворагарчиликдан кейин отни ушладим. Уни ёввойи жийда бутоғига боғлаб, озроқ нафас ростладим. Ўзимни ростлаб олгач, отни миниб, тескари томондан йўлга чиқдим.

— Сизга нима бўлди, хўжайин? — сўрадим ҳануз инграб

ётган Жонзоқбойга яқинлашиб. — Бугдойимди сўрайчи, деб уйингизга кетаётувдим. Қарасам, отингиз қочиб кетяпти. Ўзиям зўра ушладим.

— Ҳаром ўлгур қаптардан ҳуркиб, ташлаб кетса бўладими.

— Бўлади... Куппа-кундузи қаптар нима қилади бу орада? Бошқа жой қуриб қолибтими уларга? Отингиз бошқа нарсадан ҳурккандиро-ов...

— Қанақа эсарсан ўзинг, қаптар кундузи юрмай кечаси юрадими бу овлоқда.

— Барибир отингиз бошқа нарсадан ҳурккандир.

— Қаптарларди ўзим кўрдим, бошқа нимадан ҳам ҳуркарди.

— Масалан одамдан...

— Ўша одам сендирсан балки.

— Мен?.. Нима, мени от ҳуркитолмайди, деб ўйляяпсизми? Шунақанги ҳуркитай-ки...

— Нархингди ошираверма, бола. Бекор гапларди қўй-да, мени тезроқ уйга етказ.

— Полвоннинг ифторига бормайсизми?

— Ифторим чиқиб ётганимди кўрмаяпсанми? Оёғим!.. вой оёғим!

Жонзоқбой оёғининг оғригига чидолмай инграгани сари гапни резинкадай чўзавердим. Аслида ёнимда бировнинг азоб чекиб ётишини кўришга тоқатим йўқ. Лекин бировларнинг дарди билан иши бўлмайдиган, худбин, ноинсофларни кўрсам тўним тескари бўлиб кетадиган одатим ҳам бор. Уни қайси йўл билан бўлмасин, инсофга киритиб қўйгим келаверади. Жонзоқбойга мижғовланиб ўтирганимнинг сабаби ҳам шунда эди.

— Оёғингиз синганми, чиққанми ўзи? — сўрадим яна озроқ яқинлашиб.

— Мажақланиб дабдала бўлиб кетган. Отти опке!

— Нега дўқ қиласиз, арпангизди хом ўрмовдим-ку.

— Жонимди эговлаяпсан, бола!

— Эмасам, аввал донди келишиб олайлик: яхшиликча берасизми ё отингизди миниб кетаверайми?

Бу гапни эшитиб, Жонзоқбойнинг кўзлари косасидан

чиқиб кетай деди. Ўннга қимирлай олмаганидан қўлларига таяниб, зўрға чап томонга қийшайиб ўтирди. Қаттиқ гапираверса ортимга қарамай кетиб қолишим мумкинлигидан қўрқди. Унда ҳолига маймунлар йиғлашини билиб турарди.

— Жуда инсофи йўқ одам экансан! — деди илтижоли тикилиб. — Жонимга зомин бўлмай десанг, аввал уйимга олиб бор, ҳақинг бўлса оларсан...

"Бу доғули ўлай деб ётсаям бировнинг ҳақини дангалига "бераман" демайди" — ўйладим ўзимча. Индамай эгар корсонининг ортига суриддим ва уни бир амаллаб эгарга тортиб олдим. Кулалига<sup>1</sup> ўхшатиб, қорни билан юз тубан ётқиздим-да войвойлатиб уйига олиб кетдим. Нима бўлганини билишга қизиқиб йиғилган одамлар ёрдамида авайлаб отдан тушириб, уйига киритдик.

Тўрт-беш киши биз билан ичкарига киришдию, бошқалари тарқаб кетишди. Қариялар Жонзоқбойнинг оёқларини обдон пайпаслаб кўришгач, ўнг оёғи урчуқдан чиққан, деган хулосага келишди. Уни жойига солиш масаласида ўйланишди: яқин ўртада синиқчи табиб йўқ. Челақда бору оралиқдаги масофа у ерга бориб келгунча беморнинг суробини тўғрилаб қўяди. Табибнинг ўзини олиб келмоқчи бўлишганидагина гапга мен аралашдим:

— Тавупди олиб келишга уч-тўрт соат вақт кетади. Ҳали уйда бўлса у. Унгача суяқнинг чиққан жойи сариқ сув йиғиб, шишиб кетади. Тузалишиям қийин кечади. Майли десаларингиз ўзим бир уриниб кўрсам.

Жонзоқбой менинг табиблик қилолишимга ишонмади, лекин қариялар қувватлашгач, ноилож рози бўлди.

— Майли, уриниб кўр. Ишқилиб, ўлдириб қўймасанг гўргайди<sup>2</sup>.

— Қўл ҳақим — битта қўй.

— Бунча осмондан келмасанг?!

— Товупди чақиртирсангиз бир танангиз кетади. Яна қанча азоб тортасиз. Урчуқди солишнинг ўзи бўлмайди.

---

<sup>1</sup> Кулали — пичан ёки ўтин ташиш учун айри ёғочлардан ясалган мослама.

<sup>2</sup> Гўргайди — кошкийди.

Тоғ-тошларда қўй-эчкиларнинг чиққан оёқларини бемалол жойига солиб юрганман. Бир икки марта одамларни ҳам даволаганман. Аммо ҳеч қачон чиққан урчүкни жойига солиб кўрмаганман. Шунга қарамай таваккал қилдим. Буйруғимга кўра иккита бақувват йигит бойнинг икки жойидан биғиллатиб босиб турди. Ўзим эса бир оёғимни чотига тираб, ўнг оёғини сал буранқираб, куч билан тортдим. Суяк жойига тушмади. Жонзоқбой оғриққа чидамай ўкириб юборди...

Учинчи уринишимдагина урчүғи шиқиллаб ўрнига тушди. Жонзоқбойнинг аъзои бадани сув-сув терга ботса-да, бирдан жони кириб қолди. Кўзларини очиб:

— Бало экансан-ку, — деди.

— Одамди қадирлашди билмайсиз-да, хўжайин, — уни узиб олдим. — Буниям билиб қўйиш керак. Шунда ҳаммага яхши бўлади.

Ишни бошлашдан олдин бойвуччага бир бўлак увадани намакобда қайнатишни топширгандим. Икки-уч тухумни чақиб, саригини ажратиб олдим-да, бир косада обдан мижиғлаб аралаштирдим. Бу иш битгунча увада ҳам намакобда қайнаб чиқди. Уйдан қариялардан бошқаларни чиқариб юбордим. Урчүғи атрофига тухум саригини бир текисда суриб чиққач, устидан ҳовури кўтарилган шўр увадани босдим ва газлама билан сириб боғладим. Ураманинг пастини атайлаб сиқиброқ қўйдим. Бу аввалига Жонзоқбойга сезилмади. Анчадан кейин билина бошлади шекилли, шом намозини ўқимоқчи бўлаётган чолларга нолиди:

— Оёғим тушмагур уч-тўрт кун номоздан қолдирадиган бўлди-ёв. Симиллаб оғриб келаётгани яна дардисар.

Шайтоним қўзиди:

— Намозди эртагаёқ ўқиб кетасиз, хўжайин, — дедим ва талмовсираб давоб этдим. — Бугунгисига таҳоратингиз борми?

— Нимаиди?

— Таҳоратингиз бузилмаган бўлса, сиздинг ўрнингизга ҳозиргисини ўзим ўқийман.

— Ним-ма-а?!

— Янгам ташқарига чиқиб азонини айтиб берса, сиздинг ўрнингизга бомдоддиям ўқийвераман. “Оқ қўйдинг калласи, қора қўйдинг калласи, мен ҳам худонинг бир бандаси” — деб йиқилиб туравериш қийинми шунчалик.

Қариялар ўзларини тутолмай кулиб юборишди. Жонзоқбой аввалига жаҳл қилмоқчи бўлдию, лекин қитиғи зўрлик қилди. Эрининг қаттиқ кулаётганини эшитиб, ташқарида нима биландир куйманиб юрган бойвучча эшикдан бош суқди. Бой кулгидан ўзини аранг тутиб:

— Манови эсарди кўр, деди унга. — Сен азон айтиб берсанг, бу менинг ўрнимга бомдодди ўқирмиш. Ў-ў-ў шайтон, қўйиб берсам, менинг ўрнимга бошқа ишлардиям қилавермоқчи-ку у...

Бойвучча уялганидан юзини чирт ўгирдию, эшикдан узоқлашди.

### **Садақа — радди бало**

Жонзоқбой оёғи музлаб кетаётганидан нолий бошлади. Таскин-тасалли беришларим кор келмасди — ўқтин-ўқтин қовоғаридай ғинғиллаб қўярди. Хайриятки, қариялар уни сабр-бардошга ундаб, овозини бироз ўчириб туришди. Ҳамма уй-уйига тарқалиб кетгач, дийдиёсини қайтадан бошлади: “оёғимни ечмасанг ўламан олло” — деб туриб олди.

Газламанинг бир томонини сиқиброқ боғлаганимда “қийинчилик нималигини билмайдиган бу эррайим ҳам озроқ қийналиб кўрсин-чи — деб ўйлагандим. Бироқ Жонзоқбой оғриққа жуда чидамсиз экан. Оёғингизни ечадиган бўлсам, тузалишингиз жуда қийин бўлади, деган пўписам ҳам кор қилмади. Газламанинг сиқиб боғланган томонини озроқ бўшатмоқчи бўлиб турганимда, унинг бостирмада боқувда турган буқаларидан бирининг жон ҳолатда бўкиргани эшитилди. Бой оёғининг оғриётганини ҳам унутиб, тахта бўлиб қолди. Бу орада бояғи буқа яна бўкирди. Унга ёнидагиси қўшилиб, қиёмат қойим бўлди.

— Чоп ука, — деди Жонзоқбой қалтираётган қўллари билан ташқарини кўрсатиб. — Буқаларимга бир бало бўлди!

Бойвучча билан олдинма-кетин бостирмага етиб келганимизда буқалардан бири ағанаб ётарди. Оёқларини чўзиб, ерни тап-тап урар, ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб беҳаловат пишқирарди. Унинг бу ҳаракатлари менга ўлим олди талвасасидай туйилди-ю, қиндаги пичоғимни шартта суғуриб, «Бисмил оллоҳу акбар!» дея буқанинг бўғзига тортиб юбордим. Ўладиган касал эмас экан шекилли, сўқим тушмагур ўрнидан туриб кетди.

Буқанинг ўрнидан туриб кетгани унчалик хавфли эмас эди. Пичоғимни босиб бир тортишдаёқ кекирдагига етказиб қўйган эдим. Узамаёқ қонсираб, барибир йиқиларди у. Бироқ жон аччиғида ўзини ҳар томонга отиб шохига боғланган ипни узиб юборди. Юришни энди ўрганаётган боладай атак-чечак қилиб, ҳовли саҳнига чиқди. Ўзидан оқаётган қон ҳидидан ўзи безовталаниб, уст-устига пишқирар, ер тимдалаб бўкирарди. Хайриятки у у ёқ – бу ёққа чопинмай, бир жойда айлана бошлади. Бошини ерга солинтириб, ғайритабиий товушда титраб, ингранди. Ҳар инграганида кесилган томирларидан қон баттар отилиб, уни яна ҳам телбалантириб юборарди.

Аҳволнинг хатарли тус олаётганидан шошиб қолдим. Чала бўғизланган сўқим энди унчалик хавф туғдирмасида, ўзини ҳар томонга ташлаб бўкираётган иккинчи буқа ҳам ипини узса, қиёмат қўпиши турган гап. Шеригидан оқаётган қон ҳиди уни ҳам қутиртираётганди. Шунинг учун бойвуччани қўшнилари чақириб келишга юбориб, ўзим шюша – пиша қозиқдаги ўзилган ипни еча бошладим. Бош қўшишга вақт тополмай турганимда ичкаридан бўғилиб Жонзоқбой чақирди. Хайриятки, шу пайтда қўшнилари келиб қолишди. Уларга чала бўғизланган ҳўкизни йиқитиб боғлашни топширдим-да, бой ётган хонанинг эшигига югурдим.

– Нима дейсиз? – сўрадим ҳансираб.

– Оёғимни еч! – буюрди у.

– Сал чидаб тулинг! – зардам қайнаса-да, босиқ гапиришга уриндим. – Ану эгасиз қолгур ҳўкизингизди бир ёқли қилиб олай...

Шартта орқамга қайтиб, қонсизланиб қолган буқани

кўплашиб, бир амаллаб йиқитдик. Бойвучча қелтирган фонус ёруғида ҳаш-паш демай, тўла бўғизлаб ҳам бўлдик. Терисини шилишни қўшниларга қолдириб, ўзим ҳовли юзасига оққан қонларни тозалашга тушдим.

Қоронғида пайқаман эканман, боя бир ҳўкиздан шунчалик кўп қон оқдим, деб ҳайрон бўлгандим. Белкуракда қон сачраган ерларни қириб, бир жойга тўплаётганимда билдимки, қон деб ўйлаганларимнинг ярмидан кўпи пешоб экан. Яна шуни ҳам билдим-ки, ҳўкиз қобиз<sup>1</sup> бўлган экан. Жон ҳалпида туриб кетганида зўриқиб, бечоранинг пешоб йўллари очилиб кетган бўлса керак. Бинобарин уни сўйиб ўтирмай, керакли жойларини уқалаб, силаб-сийпаб тузатса ҳам бўларди.

Сўқимининг қобиз бўлганини билса, Жонзоқбойнинг жони ҳалқумига тегилиб қолиши ҳеч гап эмасди. Бундан заррачаюм қўрққанам йўқ. Жонзоқбойга керакли гапни ҳар доим топиб айтолардим. Бироқ бу хатони қўшнилари билдириб қолишидан чўчидим. Улар эсарлигига борган-да, деб кулиб юришлари мумкин. Шу сабабдан қон сачраган ерларни қириб, кўлмак бўлиб ётган пешобнинг устига ташладим. Кейин иккаласини қориштириб, кир ўрага ташидим. Ҳамма ишни киши билмас бажариб бўлганимда яна Жонзоқбой чақирди.

— Бунча ҳаяллаб кетдинг, — ингради у. — Жонимда қасдинг бормиди?!

— Сўқимингизди бир ёқли қилай дедим, ҳўжайин.

— Ҳе, падарига лаънат ўша сўқимди!.. Ҳаром ўлиб кетмайдими у?!

Жонзоқбойнинг оёғига ёпилган чойшабнинг бир четини кўтариб қарадим, кайфим учиб кетди. Ўнг оёғи сиқиброқ боғланган жойидан учигача кўкариб, шиша бошлаган эди. Шошганимдан:

Ўҳ-ў-ў, ҳўжайин, сиз ҳам сўйиб юбораверса бўладиган кепатага кепқопсиз-у! — деб юборибман.

— Нима деб ваддираяпсан, эсарсўқ кал! — бўқирди у.

— Сўқинманг, ҳўжайин, сўйиб итга берганда, у ҳам емайдиган чандир этингиз бор... Ҳозир тузатамиз...

<sup>1</sup> Қобиз — пешоб тутилиши касаллиги.

– Сен атайлаб қийнапсан мени, бир сентр ғаллангди қайтариб қолганимнинг аламини олаяпсан.

– Мендан икки сентр ғалла қарздор эканингизди жамоатнинг олдида тан олгансиз. Оёғингизди тузатганимнинг муздига отингизди берасиз.

– Битта қўй дегандинг, ноинсоф!

– Бепарда сўқинишларингизга бекорга чидаб юрибманми? Ҳар бир сўқинишингизди бир пуд донга айлантириб, ҳисобингизга ўтказиб юрибман. Ўзингизнинг усулингиз билан камайтириб айтганимдаям, қўй тойга айланиб бўлди.

– Кўзимдан йўқол! Оёғим қирқилиб тушсаям сенга қаратмайман энди. Во энағар!

– Қаратмасангиз ўзингиз биласиз, хўжайин, кет десангиз кетавераман. Қарзимди той туяга айланиб кетмасидан тўласангиз яхши бўларди. Шуниси эсингиздан чиқмасин.

Алам ва оғриққа тоб беролмай тантиқланаётгани билан, Жонзоқбойнинг ҳоли ўзига маълум. Ҳозирги ҳолатида уйдаги бирдан-бир нажоткорни сираям қувлаб юбора олмасди. Буни мен ҳам билиб турардим. Лекин тантиликка шошилмай, эшикка йўналдим. Чиқиб кетадиган бўлганимда яна Жонзоқбойнинг овозини эшитдим ва ортимга ўғирилдим:

– Нима дейсиз? – дедим важоҳатимни ўзгартирмай.

– Мени шу аҳволда қолдириб кетмоқчимисан?!

Унинг овозидаги ялинчоқликка йиғи аралаша бошлади.

– Кет, деб ўзингиз айтдингиз.

– Кетадиган бўлсанг, ўзинг айтгандай, биратўласи бўғизлаб кет. Бу аҳволимда барибир ўлиб қоламан.

– Бу – бошқа гап, лекин, битта шартим бор.

– Шартинг кўпайиб кетди. Ўлмасимдан бурунроқ айтиб қол бунисиниям!

– Нима десам айтганимди қулоқ қоқмай бажарасиз. Келишдикми?

– Хўп, тезроқ кўр оёғимди...

Сўқимнинг терисини шилаётганларга у – бу ташиб турган бойвуччани чақирдим. Унга зрининг кўкариб шиша

бошлаган панжаларини авайлаб уқалашни топшириб, газламанинг сиқиб боғланган томонини озроқ бўшатдим. Кейин қайта боғлаб, ўзим ҳам уқалашга тушдим. Шу йўл билан оёқ томирларида сушт оқётган қонни тезлаштирдик. Садаёқ кесак бўлиб ётган оёққа илиқлик югуриб, ранг кира бошлади:

— Нима бўляпти ўзи, оёғим боя музлаб ачишаётувди. Энди исиб қичишяпти.

— Буни ўзингиз пайқаганингиз яхши, — дедим гапини маъқуллаб. — Бугун отдан йиқилиб урчуғингизди чиқардингиз, энди ҳўкизингиз бундай бўлди. Яна бир бало бошланмасидан худойи — пудойи атаб юборинг, хўжайин.

— Ҳа-а-а, сени... Мени талатиб, хонавайрон қилишга келгансан чоғи: ҳали худойи дейсан, ҳали ифтор...

— Ифторликди одамлар пулсиротдан кўрқиб қилади. Айтишларича, ўша қилкўприкдан ҳар ким ўзи сўйдирган қўйни миниб ўтармиш. Қурбонлик ҳам — шу. Худойи эса ихтиёрий, кўнгилдан чиқариб қилинадиган садақа. Садақа — радди бало дейдилар.

— Нима қил дейсан?

— Сўқимнинг гўштини хомталаш қилинг — қўйинг. Ҳўкизингиз касал бўлсаям — садақага ярайди.

— Касал эмас эди у.

— Бу нима деганингиз, мени атайлаб сўйдинг, демоқчимисиз. Бойвуччангиздан сўранг, нима бўлганини айтиб беради. Ёмон бир нарса егандир ё бир нарса чаққандир, деб ўйламайсизми...

— Бу киши вақтида сўйиб қолди, — бойвучча ёнимни олди. — Пичоққаям илинмай ҳаром ўлиб қоладими, деб кўрқувдим.

Гапни айлантириб, Жонзоқбойни озроқ эпақага келтирдим.

— Хайр, — деди у. — Тонг отаверсинчи.

— Садақани чин дилдан қилинг, — темирни қизигида босдим. — Шунда тинч ухлайсиз. Дардингиз ҳам тез ариб, сен кўр-мен кўр бўлиб кетасиз.

— Хайр, дедим-ку, билганингди қилавер!

Жонзоқбой жуда толиққанди. Оёғига қон югурган

огриклари босилиб, уйқиси ғолиб кела бошлади ва салдаёқ ёш боладай пишиллаб ухлаб қолди.

Бойнинг гўштнинг ҳаммасини одамларга бўлиб беришига кўзим етмасди. Тонг отгач, ваъдасидан тониб кетиши ҳеч гап эмасди. Шунинг учун унинг ухлаб қолганидан фойдаландим: қўшнилари баландга илаётган нимталарни қайта ерга туширттирдим. Шу кечанинг ўзидаёқ "Ҳотамнинг топгани — элники", қабилида иш тутиб, гўштнинг ҳаммасини аювчиликларга, қолганини чимқишлоқликларга тарқатдириб юбордим. Бойвуччага эса калла-почадан ташқари, тўрт-беш килодай гўшт қолдирдим.

### **Мазмунини биров билолмаган қоғоз**

Ўлаатликлар ўша воқеаларни ҳалигача эслаб юришади. Йўқ-юпун ҳамқишлоқлари қишда қор сўраб ололмайдиган Жонзоқбойни Эсардан келиб, менгина чув туширолгандимда. Боз устига бутун бошли икки қишлоқдаги хонадонларнинг қора қозонини атиги бир мартагина бўлса ҳам Жонзоқбой ҳисобига мен ёғлаб қўйгандим. Айтишларича бой ўша воқеалардан кейин сал одамшавандароқ, сал инсофлироқ бўлиб қолган эмиш. Бунисини, энди, худо билади...

Бир нарсани аниқ айтоламан — Жонзоқбой мендан чинакамига қўрқиб қолганди: қорамни кўрса, илон кўргандай безовталанарди. Ҳисоб-китобдаги келишмовчиликлардан кейин бир ҳафта ўтмай икки молининг тепасидан сув қуйдим. Яна қанча сарёғ, шираворлару нонлари кетди. "Бу атрофларда юраверса, бу шум эсар яна нима ҳунарлар кўрсатаркин?" — дея шубҳаланарди мендан. Эртароқ қутилиш учун икки центнер доимни кулоқ қоқмай берди. Қўйга келганда, барибир, тихирлик қилиб, туриб олди:

— Отангди молидай уч юз килолик сўқимди хомталаш қилдинг, — деди ўсмоқчилаб. — Балки, одамлардан киши билмас бирор нарса ундиргандирсан!

— Ундай ишди сиз қиласиз. Ўз розилигингиз билан берилган садақага-ки ичингиз ачияптими, икки дунёдаям

рўшнолик кўрмайсиз!

— Қарғанма, майли, олган донингга яна икки пуд қўшаман.

— Икки сентр.

— Уч пуд!

— Икки сентрдан икки кило кам бўлсаям олмайман. Полвон жўрангизди олиб келаман, ажримди шу киши қилади.

Бутун Улаатга таниқли Самар полвоннинг номини тилимга яхши олган эканман. Жонзоқбойнинг попуги анча пасайди. “Жўра”си келса нима қилишини Жонзоқбой билади чоғи, яна икки юз кило донни тиш оғриқдай зориллаб тортиб берди.

Рўзгоримиз акамники билан бирга. Аввалига ерман — ичарман болаларим бўлмаганидан, ундан ажралиб рўзгор қуришни ўзимга эп кўрмадим. Болали бўлганимиздан кейин, замонни ўйлаб ажралгим келмади. Акам жўжабирдай жон бўлишига қарамай, борини сарфлаб, мени ўйли-жойли қилди. Шундай акани қийин дамларда тақдир ихтиёрига ташлаб, қозон-товоқни бўлаклаш инсофдан бўлмасди.

Акам менга нисбатан анчайин содда эди. Ўзини ўтга-чўққа уриб, бир ёқдан бир нарса топиб келолмасди. Колхоз берса олади, бўлмаса йўқ. Колхоз қурмагур ҳам кейинги пайтларда аъзоларини қарийб сувтекинга ишлата бошлади. Бу йил-ку майли, даштда ҳосил битмади. Лекин бултур унчалик ёмон бўлмаганди. Шундаям уруғлиқдан ташқари донни тайёрлов идоралари ташитиб олди. Эпини топанлар хирмонлар—у қўтонлардан озин-овлоқ ўғирлаб, машоқ териб бир кунини қилишди. Эпложмаганлар қиш охирламаёқ уवादасини ортмоқлаб, “сочилган” ризқини излаб, алақаёқларга кўчиб кета бошлашди.

Ўлаатдан ҳаммадан кўп дон топиб келган мен бўлдим. Бироқ, бу донни сиқимлаб сарфлаганимиздаям пишиқчиликкача етиши гумон. Буёғига нима қилишимни ўйлаб, айвонда чаккамни қашиб ўтирганимда Холтой раиснинг чопари келди.

— Туш маҳали идорага майлисга боринг, — деди у

мажлис гўё ўзининг ихтиёрига кўра чақирилгандай қийғир қараш қилиб.

Мажлис деганлари ўша замонлардаям сароб эди. Далада ишлаётганлар билан чўпон-чўлиқлар йилига бир-икки марта чақириладиган умумий мажлислардан бошқасига бормасликлари мумкин эди-ю, лекин хўжалик фаоллари, фирқа аъзолари, комсомоллар ҳар қандай йиғилишга боришлари шарт эди. Бу йиғилиш қишлоқ шўросида бўладими, хўжалик идорасидами, йиғилганларнинг ҳаммасига ҳам даҳли бор гап айтиладими ё йўқ — бу билан бировнинг иши бўлмасди. Чақирилдингми, демак, боришинг шарт.

Тушга яқин юрагим пўкиллаб йўлга тушдим. Икки ойдан буён хўжалик ишида қатнашмаганим учун комсомолдан ҳайдашлари, ёмонликка олса қаматиб юборишлари ҳам мумкин эди. Бундай пайтларда: "Эй, бу ҳам томоғи тешик одам, колхозинг бир нарса бермаса, ўз бошига ёғадиган қорни ўзи курамоқчи бўлиб юргандир" — дейдиган марднинг топилмай қолиши бор.

Чўчиганим бекор экан. Идоранинг ёнида Холтой раиснинг ўзи учрашиб қолиб:

— Келдингми, — деди одатдагидай очиқ чеҳра билан.

— Омбординг олдига ўтавер, майлис ҳозир бошланади.

Вақтида қайсидир бойнинг отхонаси бўлиб, эндиликда омборга айлантирилган эски иморатнинг соясига чоғроққина стол, ёнига узунчоқ ўриндиқ қўйилган. Иморат унчалик баланд бўлмаганидан, сояси шу ўриндиқ ва столдан нарига ўтмайди. Мажлисга чақирилган ўттизтача одам рўпарадаги майдончада тўп — тўп бўлиб туришибди. Мен ҳам шу тўдалардан бирига қўшилдим. Раҳбарлар чиқиб жойини эгаллашгач ҳаммамиз аралашиб, столнинг олдидан бошлаб, шундоққина ерга бетартиб ўтириб олдик.

Мажлисни Холтой раис очиб, ўзи "маъруза" бошлади. Тўғрироғи, одамларининг кўпчилиги иш қидириб, тарқаб кетган ўнбошиларни бирма-бир турғизиб, чангитиб пўстагини қоқа бошлади: "Одамларингди бугуноқ йиғиб келмасанг, онангди кўзингга кўрсатаман, Мавлон", "Отангди арвойи... Ўроқбой, колхоз менинг онамнинг

махрига тушганмики, битта ўзим жон куйдираман", "Сизларди сўтга бериб, қаматиб юбормаганим учун мен энағардиям авахтага тиқиш керак" — ва ҳакозо ва ҳакозо...

Холтой раис сўкинмаса туролмаслигини ҳамма билиб қолган. Шу сабабли гапларидаги "бегона" сўзларга на тингловчилар эътибор беради ва на иягини қўлига тираб ёнида ўтирган қишлоқ шўроси раиси. У янги раис бўлган кезларда бунга эътибор берганди. Қишлоқ шўросидагилар ҳам, ижроқўмдан келиб-кетадиганлар ҳам тузатишга уришиб кўришди. Бир марта ижроқўм раисининг ўзи уни кўпчиликнинг ичида турғизиб қўйиб кўрқитган: "Яна бир марта сўкиниб гапирсанг ишдан бўшатиб, қаматиб юбораман" — деган. Ушанда Холтой раис қасам ичган: "Эндигидан нари сўкинсам босган изим орқамда қолсин. Шу пайтгача менинг шундай ёмон одатим борлигини сизга ўхшаган бирор қисталоқ айтмовди..." — деган.

Шу-шу Холтой раиснинг қандай гапириши билан бировнинг иши бўлмади. Колхозчилар эса ҳар йили ўзини раисликка кўтараверишди. Лекин туман ёки ундан юқорироқ жойлардан вакил қатнашадиган йиғинларда унга сўз беришмасди. Холтой раис тафтиш-маърузасини тугатгач, яна ярим соатлар чамаси навбатдаги ишлар ҳақида эзмаланди. Кейин қишлоқ шўросининг раиси гапирди. Сўзлари бировнинг қулоғига кирса, бировларникига умуман кирмади. Бир жойда тўшалиб ўтираверганликдан ҳамманинг оёқлари увишиб, диққати оша бошлади. Бир томони жазиллатиб пешоналардан офтоб уряпти.

Қишлоқ шўроси раиси жойига ўтиргач, мажлис тугагандир деган хаёлда ҳамма енгил нафас олиб қолди. Аммо мажлис ҳали тугамаган экан. Холтой раис яна ўрнидан туриб:

— Мардикорлик қилиб кетганларди йиғиб келамизми, ўртоқлар? — деди.

Авзоидан гапни чўзмоқчи эмаслиги сезилди. Шундан руҳланиб, тингловчилар баравар чувиллашди:

— Йиғиб келамиз!

— Шу бугуноқ, — деди кимдир, бунинг сираям иложи

йўқлигини ўйлаб ҳам ўтирмай.

- Даладаги донди битта қўймай йиғиб оламизми?
- Урвогиниям қолдирмаймиз.
- Қишлоқди ғамлаймизми?
- Ғамлаймиз!

Бу гап негадир қишлоқ шўроси раисига ёқмади. Қовоғини уйиб ўрнидан турди ва раисгаям, мажлис аҳлигаям дашном берди:

— Аввало чорвани ўйлаш керак! Ўзимиз оч қолсак ҳам жамоат чорваси тўқ бўлсин. Чорва очликдан қирилса, ҳамманинг уйи куяди!

Холтой раис хатосини дарҳол тузатди:

— Албатта аввал чорвани ўйлаймиз, дўм бова, кейин қишлоғимизди... Хў — ўшш, энди биродарлар юқоридан бир қоғоз келган. Хўп десаларинг, шуни Аҳрор маълимга ўқитиб, тасдиқлаб юборсак.

Мажлисни ана тугайди — мана тугади деб ўтирган одамларнинг ҳафсаласи пир бўлди: кимдир тоқати тугаганлигини билдириб, ошкора гудранди, кимдир норозилигини ичига ютиб, ноаниқ мингиллади. Мен эса чидаб ўтиролмай туриб кетдим:

— Юқоридан келган бўлса... ўша қоғоз ҳам тасдиқ, ўртоқлар! — деб юбордим баланд овозда.

Одамлар қувватлаб юборишди:

- Ўша қоғоз ҳам тасдиқ!
- Ҳаммамиз тасдиқлаймиз.

Қишлоқ шўроси раиси нимадир демоқчи бўлиб ўрнидан турмоқчи бўлаётганида Холтой раис билибми-билмай одамларга жавоб бериб юборди:

— Юқорининг қоғозиям тасдиқ бўлса, ишларингга кетаверинглар. Лекин бироргаям одам қишлоқда миясига қурт тушган қўйга ўхшаб, сандирақлаб юрмасин.

— Ҳамма дув кўтарилиб, зумдаёқ тарқаб кетди. Иш тўғрисида раис билан гаплашиш мақсадида унинг бўшашини кутиб, омборнинг соясига ўтдим. Шунда тенгдошларимдан бири ёнимга келиб саволга тутди:

— Ҳов, Асқар, юқорининг бояги қоғози қандай қоғоз эди?

— Мен қаёқдан биламан, — тўнғиладим унга.  
— Билмасанг элбурутдан нега “тасдиқ” деб бақирдинг?  
— Юқоридан келганидан кейин қандай қоғоз бўлсаям, барибир, тасдиқлайсанда. Шунгаям фаҳминг етмайдими, галварс! Ё яна бир соат офтобда қовурмоч бўлмоқчимидинг?  
У бир зум ўйланиб тургач, нимадир деб гудранди. Афтидан “тўғри айтасан”, деди шекилли. Тишлари орасидан “чирт” этказиб ерга туфлади ва мендан узоқлашди.

### **Жоҳилнинг жазоси — савағич**

Куз тугаб, совуқ шамоллар эса бошлади. Аввал “от тери” ёмғирлари бўлди. Кейин гувиллатиб қор ёғди. Эсарликлар учун зерикарли қиш бошланди.

Илгарилари озроқ бўлса ҳам, одамларда мол бор эди. Шуларга ўт-сув бериш, тагини тозалаш каби ишлар билан овуниб, кунни кеч қилишарди. Энди икки-учта чибич эчкиси борлар ҳам саноқлигина қолган. Кўпчилик кеч кузга етмаёқ борини сотиб, донга айлантириб олган. Колхознинг чўпон-чўлиқларидан бошқаларга қиладиган иш йўқ. Шипнинг тўсинларини санаб ётавергач, ишли одамлар “бир тутам” деб атайдиган қишнинг қисқа кунлари ҳам чўзилиб, кишини жуда дилтанг қилиб юбораркан.

Кундузларику, майли, жуда чидолмаганлар курагини кўтариб, ҳовлисидаги қорни у ёқ-бу ёққа суради ва шу билан ўзини “совитади”. Тунларнинг узунлигини айтмайсими — сира тонг отмайди. Одамзод мудомига ўн олти-ўн саккиз соат ухломмайди. Энди илгаригидай тонг отар гап-гаштаклар, кўнгилочар ўйин-қулгилар йўқ. Чўнтакда ҳемири булмагач, бунақа йиғинлар кимнинг кўнглига сиғади. Қош қорайиши билан ҳамма таппи-чолма ёки қўйнинг қийи билан иситиладиган сандалига тиқилиб олади. Уйқули-уйғоқ, кўкнори ҳаёл билан минг азобда тонг отдиради.

Бекорчилик чўзилса, одамни бора-бора кўлмак сувдай айнитиб юборади. қайси уйда болалар бир-бирлари билан

ёқа бўйишган, қайси уйда эр-хотин жанжали. Хайриятки Эсарда қўни-қўшниларнинг бир-бири билан қир-пичок бўлишларига сабаб йўқ. Ҳамма ўз-ўзи билан овора.

Атрофимиздагилар оиламиздаги аҳилликка ҳавас қилишади. Шу пайтгача бизникидан қаттиқ-қурум овоз чиққанини хатто девор – дармиён қўшниларимиз ҳам эшитишмаган. Неча йиллардан бери икки келиннинг боши қандай қовушиб юрибдидейкин? Уларда тергаб-текислаб, йўл курсатиб турадиган қайнона-қайнота бўлмаса. Қайнота-қайнонали келинлар ҳам бунчалик узоқ бирга туришолмайди.

Бизникида ҳам ҳамиша байрам бўлган, дейиш ҳам унчалик тўғри эмас, албатта. Баъзан эр-хотинлар орасидан ола мушук ўтиб қолади. Аммо акамларникини биз, бизникини акамлар ҳам сезишмаган. Хотинларимиз эса опа-сингилдек эди.

Етар-етмаслиги курсин, унинг нуқси бизнинг хонадонга ҳам ура бошлади. Арзимаган нарсагаям икки овсин адибади айтишадиган бўлиб қолишди. Анчайин чилпиш, илиб отишдан чиқадиган даҳанаки жанг вақт ўтгани сари зўрайиб борди. Хотинимни йўлга солмоқчи бўлгандим, ўзимга ёпишди:

— Мен нима қилайин, — деб йиғлади. Индамаганимгаям қўймаяпти-ку чечангиз.

Янгамга гапиргандим бобиллаб берди:

— Менга ақа ўргатгунча хотинингизди тийиб олинг!  
— деди тиккасидан.

Акам кундузлари қўрада, кулоғи тинч. Икки ўртада менга қийин бўлди: Ҳилолани уришиб-койисам, аламини кўзидан олади, янгамга гапирсам, боғловдаги отдай пишқиради. Кўнглига оғир оладими, деб унга қаттиқроқ гапиришга истихола қиламан. Қап-капта эркак — икки хотиннинг гиди-бидисига томошабин бўлиб ўтиришим яна ноқулай.

Ҳилолани яхши биламан: вазмин, мулоҳазали аёл. Янгам бироз жохилроқ. Рўзғорнинг кам-кўстлари уни яна ҳам жиззакироқ қилиб қўйган. Буни хотиним ҳам биларди шекилли, у ловуллаб ўт ола бошласа индамай ўрnidан

туриб, ўзимизнинг хонамизга кириб кетади. Янгам бир маҳал овозини ўчиради. Эшитадиган қулоқ бўлмагач, кимга гапириб, кимга бақирсин.

Хотинларнинг муносабатларига қарамай, ака-ука иноқ эдик. Бироқ уйдаги нотинчлик қачондир бизнинг аҳиллигимизга ҳам соя тушириб қўйиши мумкин эди. Ҳар ҳолда аёл аёл-да, яна улардан бири жиззаки бўлса. Жиззакилик, жоҳилликка етаклайди. Ана шунисидан қўрқардим. Ишни бу даражага етказмай, ўнглаб юборишнинг йўллари тинимсиз изладим. Топдим ҳам. Анча қўпол ва хавфли бўлса-да, бу усулдан бирор натижа чиқарса бўлади, деб ўйладим ва пайт пойладим.

Шундай пайт келди. Қишнинг ўрталарида қўйларга кундузи шериклари, кечаси Қобил акам қарайдиган бўлиб ўрин алмашди. Энди акам ҳам кундузлари уйда ўтирадиган бўлиб қолди. Бир куни туш пайти ташқарида нима биландир куймаланиб юрган овсинлар орасида даҳанаки жанг бошланиб қолди.

— Нима бало, уришишяптими? — сўради у безовталаниб.

— Уришишяпти, — бепарво қўл силтадим. — қўяверинг, айтишиб-айтишиб, ўзлари тинчишади.

Акам менга ажабланиб кўз ташлади-ю, сергакланиб ўтирди. Бунақа "айтишувлар" биринчи эмаслигини яққол сездириб, бемалол чой хўриллатардим. Овсинлар эса тобора авжга чиқишди.

— Сени келин қиламиз, деб бор-йўгимизди тўкканмиз! — Янгам қуруқ ўтиндай чирсиллади. — Уйимизга хўкиз кирса шохига илиб чиқадиган лахтак ҳам қолмаган.

— Уч йилдан бери шу уйдинг ўтидан кириб кулидан чиқяпмиз, — акамдан тортинган бўлса керак, Ҳилола пастроқ товушда гапирди. — Сизлардан бўлаклаб, ақалли битта кирсовун олганимиз йўқ. Нега одамди ҳол-жонига қўймайсиз!

Жанжал одатдагидан шиддатлироқ кечаётганди. Янгамнинг феъли маълум, Ҳилола ҳам пастроқ тушай демасди. Бундан дилимга ғулгула тушиб қолди. Барибир

пинак бузмадим. Қобил акам чидолмай зарда килди:

– Бор, овозларини ўчириб кел. Индамасанг булар юлишади чоғи!

– Мен ўчиравериб тўйдим. Энди сизнинг галингиз.

– Шунчалик кўп уришишяптими булар?

– Олдини олмасак оқибати ёмон бўлади.

– Унда нима қиламиз?

– Урушқоқлик касали борларди бурунгилар қамчиминан даволашган. Бу усул яхши фойда берган.

– Ним-ма-а...

– Ҳар биримиз ўз хотинимизди тийиб олишимиз керак.

– Қандай қилиб?

– Айтдим-ку!

– Қўй-э!

– Унда ўзингиз биласиз.

Акам озроқ ўйланиб турди. Ниҳоят фикримни тўғри деб топди шекилли, ўрнидан оғир қўзғалди. Эшик томон бораётиб қўли билан менга ишора қилди: “Ортимдан юр!”.

Акам эшиқдан чиққунича барибир қимирламадим. Кейин шаҳдам кўтарилиб, хона бурчагига яшириб қўйиладиган савағичларни изладим. Тўрдаги кигиз тагидан топдим: узунгина, силлиқ, лекин ингичкароқ савағичлар. Хотинларимизнинг ақлини киритиб қўйишга кифоя килади. Бир жуфтани чап, бир жуфтани ўнг қўлимга ушлаб, ташқарига йўналдим. Эшиқдан чиқаверишимда чап қўлимдагиларни акамнинг кўзи тушадиган жойга ташлаб, уларни бир лаҳза кузатдим.

Қобил акам бора хотининг ёқасидан олгани Ҳилолани қўрқитиб юборди. У беихтиёр қайнағасининг қўлига ёпишиб ялина бошлади:

– Қўйинг, ака, чечамга тегманг! Бизларнинг гўр жанжалимиз бўлармиди, хозироқ ярашиб кетамиз!

Жаҳл устида қобил акам унинг қўлини силтаб ташлади.

– Сен нари тур!

Худди шу лаҳза мен Хилолани ушладим.

– Қани, бу ёққа юр-чи, индамаганга жуда ҳаддиларингдан ошиб кетдиларинг!

Қўлимдаги савағичлар билан турқимни кўриб,  
янгамнинг капалаги учди:

— Ҳай Бола!¹ Ҳай-ҳай Бола, уни қўйинг! Жанжалди  
мен бошладим, мени уринг, ҳай Бола!!

“Ол-а-а! — ҳайратланаман ўзимча. — Бошланиши ёмон  
эмас!”

Лёлларнинг табиати қизиқ: иккитаси ғижиллашиб  
қолишса бир-бирини еб, ютиб юборишга тайёр. Ногаҳон  
улардан бирига учинчи киши томонидан хавф муқаррар  
бўлиб қолса, иккинчиси ўша заҳотиёқ адоватини упутиб,  
ҳимояга ўтиши ҳам мумкин экан. Ким билади, балки,  
одамгарчилик тамойилларини унчалик унутиб  
қўймаганларигина шундай қилишар. Ҳар ҳолда бунинг  
акси камдан-кам юз беради.

Янгамнинг қўлини мен ҳам силтаб ташладим. Хилолани  
елкасидан маҳкам ушлаб, физзилатганимча ўз хонамизга  
олиб кириб кетдим. Эшикни ичидан занжирлаб, ердаги  
пўстакнинг ёрғоқ томонини ағдариб тўшадим ва хотинимга  
шивирладим:

— Мен пўстакни савағич билан ҳар урганимда сен вой-  
войлаб, бақириб тур, — дедим-да, нариги хонадагилар  
эштадиган даражада овозимни кўтариб ўшқирдим. —  
Сенларнинг дастингдан бизга тинчлик борми ўзи йўқ-ми?!

Хилола нега бундай қилаётганимни ҳадеганда  
тушунавермади. Савағич билан пўстакни пўкиллашиб бир-  
икки урганимга қарамай меровсиб турганини кўриб,  
чинакамига жаҳлим чиқиб кетди. Савағич билан  
думғазасидан биттани бериб юбордим. Шундагина  
мақсадимни англади ва чинакамига додлаб юборди.  
Юзимга қалқиб чиққан кулгуни зўрға босиб, ясама  
ўшқиришга ўтдим:

— Чечамминан яна ғижиллашасанми, ярамас! — дея  
кейинги зарбани қарсиллатиб пўстакка урдим. — Мен  
акамни отам, чечамди энам ўрнида кўриб келганман.  
Ўлгинг келмаса сен ҳам шундай қиласан! — дея яна  
пўстакни қарсиллатдим.

---

¹ Бола — баъзи жойларда қайин — қайинсингилларини исми билан атамай, “Бола” деб  
деб ёки лақаб билан чақирришади.

Буни эшитиб акам ҳам ғайратта минди: иккинчи хонадан ҳам савағичнинг қарсиллаган, шипиллаган овозлари эшитилиб қолди. Янгамни дод-войига уйғониб қолган болаларнинг йиғиси кўшилди. "Жаҳл устида жечамди бир бало қилиб қўймасайди", дея акамдан хавфсираб қолдим. Пўстакни савалашни бас қилиб, савағични пойгакка отиб юбордим. Эшикдан чиқиб кета туриб хотинга шивирладим:

— Кўзингди тупугинг минан намлаб буёққа ўт, чечамдан кечирим сўра. Шўрликни суроби обдон тўғри бўлдиёв.

Акамнинг содда-баёвлигини билардим. "Янгамнинг кўзини сал кўрқитиб қўёлсаям катта гап", деган фикрда шу "томоша"ни ўйлаб топгандим. Лекин бу қадар қутуриб кетишини ҳаёлимга ҳам келтирмабман. Унинг қип-қизил авлиёга айланиб турганини кўриб, эшикнинг ёнида бир зум донг қотиб қолдим ва югуриб бориб қўлини ушладим. Савағичларни тортиб олиб четга улоқтирдим. Ўзини куч билан сандалнинг ёнига ўтқаздим. Кейин онаси ёнида йиғлаб турган болаларни олиб келдим.

Акам ўзини босолмай ҳамон сўкинарди:

— Мен кун-у тун қўйдинг орқасида шамдай қотиб қор кечаман. Бу знағар уйда ўтириб жанжалдинг машқини қилади!

Ҳилола кирганида янгам тўрда терс ўтириб, ҳиқиллаб йиғларди. Хотиним дафатан нима деб тасалли беришини билмай довдиради. Енига ўтириб, енгидан ушлаб секин ўзига қаратди. У ер-бу ери кўкарган юзаларини кўриб, ачиниб кетди ва кутилмаганда у ҳам йиғлаб юборди.

— Чеча-ей, — деди ўпқасини босолмай. — Мен ўлгур битта гапдан қолсам, шу кўргуликлар бўлмасмиди!

— Мендаям бор, — деди янгам энтикиб нафас олиб. — Беш-тўрт кундан бери мениям жин чалиб юрувди. Сенда сира айб йўқ, менинг касримга таёқ единг.

— Айб менда, бир гапдан қолмадим...

— Қўй-эй, ҳамма бало ўзимда.

Уларнинг ғалати арзу-ҳолларини эшитиб ҳам Қобил акамнинг бир мўйи қилт этмади. Шундан чакана ғазабланмаганлигини сездим. Юзимга қалққан кулги аломатларини пайқаб қолишидан кўрқиб, сандалга эгилиб олдим. Кўрган одам мени ҳам жаҳлдан тушмабди, деб

ўйлаши мумкин эди. Аслида хийлам бундай якун топганидан қувонаётгандим.

Хонада анчагача пашша учса билинадиган сукунат хукмрон бўлиб турди. Энди кундалик тирикчиликни ўйлаш фурсати етган эди. Тумшайиб ўтираверганда сенинг тирикчилигингни биров қилиб бермайди. Шуни тушинганми ё бу мажоронинг келиб чиқишига растдан ўзини айбдор деб билдими, биринчи бўлиб янгам тилга кирди:

— Бўйтиб<sup>1</sup> ўтирмайлик, овсин, — деди у Ҳилолага. — Сен тандирга ўт ёқ, ҳамир ошиб қолгандир. Мен нариги хонага ўтиб нон ясайман.

Катта-катта-да, йўли улуғ. Ҳилола, "Хўп бўлади" — дея ўрнидан сапчиб турди. Ортидан овсини ҳам эргашди. Иккаласи бошлашиб эшикдан чикиб кетишгач, акам менга томоқ қирди:

— Жуда бераҳим экансан! — деди жаҳл билан. — Хотиндиям шундай урадими! Яна камсомонсан-а...

Унга пичинг қилдим:

— Ўзингиздикиям чакана бўлмади-ёв ё аядингизми чечамди?

— Сал пўписа қиламанми, девдим, қайси гурданам қўлимга савағич тушиб қолди. Сен қарсиллатиб тургач, мен қара-аб ўтираманми!

— Охири яхши тугади-ку, чойдан қуйинг-э, ака.

— Яна шундай урадиган бўлсанг... билиб қўй!

— Энди сираям бундай қилмайман. Бугундан бошлаб келиннингизди "Хотин ака" дейман. Бўладими шуйтсам<sup>2</sup>.

Акам лабини йиғолмай жилмайди:

— Сенга гап топиб бўладими!

— Бўлади. Бунинг учун эсарликдан ташқари, ёшлигингизда "кал" лақабини олган бўлишингиз ҳам керак.

— Бўлди, бўлди, суйилма.

## "Дим-дим" ўйини

Қиш тобора забтига олгани сари ошлик заҳираларимизнинг баракаси кетаверди. Озиқ заҳираси

<sup>1</sup> Бўйтиб — бундай қилиб (шева)

<sup>2</sup> Шуйтсам — шундай қилсам (шева)

камайгани сари одамларни ваҳима босади. Чилланинг охирларида офтоб сал йилтиради-ю, бироқ у ҳеч кимнинг дилини ёритолмади. Ҳамма тут пишиғигача қандай етиб олишни ўйларди.

Долғали кунлар бир зайлда ўтаверди. Ҳаво салгина илганига қарамай, одамларнинг тоқати сумалакдай томчилаб тугаб борарди. Қишлоқда битта-яримта ўғри ҳам пайдо бўлганини ҳамма билиб қолди. Бир куни бировниқидан нон йўқолса, бошқа куни кимнингдир дони йўқолади. Ўғри ҳам замонга қараб бўлади шекилли, қайси уйга тулса, фақат дон ёки нон ўмаради. Аммо ғаниматнинг ҳаммасини тозалаб кетмай, бир халқ дондан ярмини олиб кетади. Тўнаётган одами ҳам ўзидек фақирлигини ва унда ҳам бола-чақа борлигини ўйласа керак-да...

Бир куни туш маҳали Илёс бобонинг уйидан қий-чув эшитилди. Кўпдан сукунатга чўккан қишлоқ бир силкиниб тушгандай бўлди. Бекорчилик эмасми, бобонинг уйига бирпасдаёқ тумонат одам йиғилди. Кечроқ бориб қолганимиздан олдиндагиларни у ёқ-бу ёққа суриб илгарилаётиб, бировдан нима гаплигини сўрадим.

— Ўғрини ушладик, — деди давранинг ичига ишора қилиб. — Ярим тандир нонни кўтариб жўнашти қурғур.

— Уйда одам йўқ эканми?

— Йўқ эканда. Ҳайриятки, ўғри уйдан чиқаётган маҳали бованинг ўзи кепқопти.

Туртиниб юриб олдинга ўтдим. Ўртада йиғлаб турган қўшни қишлоқлик Суюн сариққа кўзим тушиб тухтадим. Илёс бобо унинг қўлидаги нонларни тортиб олиб, ўз қўлтиғига қисиб олганди. Чангитиб сўкар, баъзан урмоқчи ҳам бўлиб хезланарди-ю, қўлтиғидаги нонлар ҳалал берарди.

Суюқ сариқни ҳамма танирди. Атиги бир йилгина илгари у ўмровли, тоғни урса талқон қиладиган даражадаги бақувват, кўркамгина йигит эди. Шўрлик очин-тўқин юрганликдан озиб, анчагина чўкиб қолибди. Аҳволдан уялибми, оломондан қўрқибми дир-дир титрайди. Зафарон юзи ва ёш тўла кўзларига қараб унга раҳмим келди. Бола йиғлайди, аёл йиғлаши мумкин, лекин, йигит йиғламасин экан!

Секин Илѐс бобонинг ёнига ўтиб, енгидан ушладим.

— Бунинг нимасини уриб-сўкасиз, бова, ҳолини кўриб турибсиз-ку бечоранинг, — дедим.

— Э-э, бундай чиқинларди ўлдириш керак, бироқ қўлим бормаяпти! — жаҳл қилди у. — Энди нима қилсак бўларкан?

— Қўйиб юборинг, қўлтигингиздаги нонлардан иккитасини беринг-да, қўйиб юборинг.

Илѐс бобо кимдандир шундай маслаҳат чиқишини кутиб тургандай, дарҳол унга иккита нон тутқазди.

— Манов нонларди ол. Бундан нари буйтиб юрма!

Суюн сариқ гоҳ Илѐс бобога, гоҳ қўлига тутқазилган нонларга, гоҳ менга жавдираб қараб, бир дам меровсиб турди. Кейин беихтиёр нонларни қўйнига тиқиб, ортидан ёв қуваётгандай қишлоғи томон шаталоқ отиб қочди. Уни ўғирлик устида қўлга туширишган бўлишса — да, ҳамманинг дилини вазмин бир ачиниш ҳисси эгаллаб олган эди.

— Бунгаям қийин, — деди Илѐс бобо. — Ночорликдан шу ишга қўл урган-да. Ноннинг ҳаммасини бериб юборсам бўларкан. Майли, бўлар иш бўлди. Колгани сизларга насиб қилган экан-да. Офтобшувоқда бироз гурунг қилайлик. Сизларди билмадим-у мени анчадан бери бурунги ҳангомаларимиздинг хумори тутиб юрибди.

Қиш бошланганидан буён зарур ишлари бўлмаса, ҳамқишлоқлар бир-бириникига бориш-келишнйям тўхтатиб қўйишганди. Одамнинг тафтини одам олади. Уйда қамалиб ўтиравериш ҳам дилларни моғорлатиб, одамларни лоҳас қилиб қўяди. Аввалги дилтортар ҳангомалар, ўйин — кулгиларни ҳамма ҳам қўмсаб юрарди. Лекин сира мавриди бўлмаганди. Имкон топилганидан фойдаланиб, уйига кетмаганларнинг ҳаммаси Илѐс бобоникига киришди.

Ҳаво унчалик илиқ бўлмаса-да, қуёш йилтираб турарди. Қариялар кўклам офтобининг нуриям дори, дейишиб айвонга жой қилдиришди. Дастурхон атрофида давра олишиб, анча гурунглашишди. Бироқ, ҳангомалари сира авжланмади. Қайси мавзу тилга олинса, айланиб келиб

йўқчиликка тақалар — кимдир замондан нолир, кимдир ҳукуматни айбларди. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам худодан, деювчилар ҳам бор. Улар: "ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ" — дея ўтирганларга тасалли бермоқчи бўлишарди. Барибир шундай пайтларда кўпчилик ўз-ўзидан хомуш тортиб қолади.

— Менинг ишим чатоқ, — ҳолидан нолиди Ҳасан. — қолган доним билан қишдиям чиқаролмай узиламан-ми, дейман. Яна денг, Уйлиқмадаги Қўчқор писмиқдан насияга бир кило гўшт олувдим. Тўрт кило бугдой берасан, деб қисти-бастига олаяпти, қисталоқ.

— Вой ноинсоф-эй, — дедим гижиниб. — Ҳозир бозорда ўттиз беш-қирқ килолик қўйга бир пуд дон беряпти. Килосига кило десаям гўргайди.

— Бу палакатдан қарздор бўлмаган ким бор, — ўйланиб гапирди Илос бобо. — Мен ҳам ундан қандай қутилишди билолмай юриппан...

Даврадагилардан бирининг тепалиқдан тушиб келаётган отлиққа кўзи тушди. Тикилиб қараб, унинг Қўчқор писмиқ эканлигини таниди. Шошиб ўрнидан тураётиб тўнғиллади:

— Бўрининг номини айтсанг қулоғи кўринади, дейишади. Ана, йўқлаётган Писмиқларинг келяпти. Мен қочдим.

Унинг довдираётганидан аччигим чикди.

— Жойингга ўтир, деб буюрдим.

— Меңда, унга берадиган ортикча на дон бор на пул. Шундай экан, кўзига тиканак бўлиб нима қиламан.

— Ўтириб тур, бир иложини топармиз. Ҳозир ҳаммамиз "Дим-дим"<sup>1</sup> ўйнаймиз.

— Нима, масҳарабозлик қилмоқчимисан, — қариялардан бирининг жаҳли чиқди. — Ҳозир масҳарабозликнинг жойияммас, вақтияммас. Бўладиган гапди айт.

Ҳаёлимга келган фикрни уларга тушунтириб бердим. Ўртоқларим қувватлашди-ю, кексалар ўйланиброқ қолишди:

---

<sup>1</sup> "Дим-дим" — "жим-жим" демоқчи.

— Қандай бўларкан?

— Сизлар “ҳа-ҳа” деб турсаларингиз, буёғини ўзимиз бошлаб ташлаймиз. Зўр келса яна бир марта “эсарлар шуйтипти”, деган ном чиқарармиз. Бу билан бир жойимиз камаймайди.

Қўчқор писмиқ бой бўлиб болтаси, камбағал бўлиб халтаси йўқ одамлар тоифасидан эди. Узунқулоқ гапларга қараганда қанчалар тилласи бормиш-у, бу гапнинг рост-ёлғонлигини ҳеч ким исботлаб беролмайди. Қишлоқ шўросидаги ҳужжатларга қараганда, анчайин ўртаҳол эди. Колхоз тузилганида унга биринчилардан бўлиб кирган. Бироқ бир одатини сира ташлай олмаган: болалигида тенгдошларига қуртми, ёнғоқми берса, кейинчалик уни икки ҳисса қилиб оларди. Ёши улғайгач, катгароқ нарсалар билан судхўрлик киладиган бўлди. Эсар билан Уйлиқмада ундан қарздор бўлмаган одам кам эди. Қарздорларнинг ҳоли ҳаммага маълум — уни кўрса юраклари теракнинг баргидек зириллаб туради.

Тепаликдан тушаётганидаёқ Қўчқор писмиқ бизни кўрган бўлса керак, отининг бошини тўғри шу томонга бурди. Қарзини уйма-уй юриб сўраганидан кўра кўпчиликдан бирваракай сўраш қулайроқ-да унга.

Қўчқор писмиқ ҳовлига кириб отдан тушди. Ипини четроқдаги қозиқлардан бирига нари-бери боғлаб, қамчисини маҳсисининг қўнжига тиқди. Кейин бир-бир босиб, биз томонга юрди.

— Ассалому алайкум, — деди яқинлашиб.

Саломига на ёшлар алик олди ва на кексалар. Ҳамма мум тишлаб, бақрайиб ўтираверди. Ўзича эшитишмади, деб ўйладими қайта салом берди. Яна ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Мен қарзларимди сўраб келдим, — деди ажабланиб. — Нима бало, барингиз тўнғиб қолганмисизлар!

Шу пайт менинг ишорам билан йигитлар баравар унга ташланишди: ким муштлар, ким аямай тепар, биров ёқасидан бўғиб оти томонга судрар, томоққа зўр бериб бақирарди:

— Биз “Дим-дим” ўйнаб ўтирувдик, сен биринчи

бўлиб гапириб ютқаздинг!

- Бир қўйдан гаровлашгандик, ҳозироқ тўлайсан!
- Тўламасанг кийимларингди ечиб оламиз!
- Отингди берасан, агар...
- Ўлдирамиз!

Ўзига ҳужум қилаётганларнинг шаштини кўриб, Қўчқор писмиқ қўрқиб кетди. Аввалига юлқиниб ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб турган одам, бирданига юввошланиб, ялинишга тушди:

- Хўп, оғайнилар... хўп дедим-ку, хўп...
- Қўйдинг пулини чиқар эмасам, — таҳдид қилдим мен.
- Мана олинглар, у чўнтагидан озроқ пул чиқарди.
- Бунинг улоққаям етмайди.
- Бошқа пулим йўқ, ўлай агар йўқ.
- Ади-бади айтишиб ўтирасанми, ўлдир энағарди. Оти қолади бизга. Бунинг ўлигини ким сўраб ўтирибди, бир чуқурга кўмамыз-қўямиз.

Атрофни ўраб турганларнинг қайта ҳезланаётганини кўриб, Қўчқор писмиқнинг капалаги учиб кетди. Ҳаёлидан "ўлдиришдан ҳам тоймайди булар", деган фикр кечди шекилли, иккала қўлини баравар кўтариб яна ялинишга тушди:

- Тўхтанглар, оғайинлар! Ҳаммаларингди қарзларингдан кечсам қутиламанми сизлардан?
- Эсарда ким қарздор бўлса ҳаммасидан кечасан.
- Бу битта қўйдан ошиб кетади.
- Унда ўзингдан кўр!
- Э-э-э, тўхтанглар, майли, кечдим.
- Алдайсан.
- Алдасам тос тепамдан худо урсин!
- Эшитдиларингми, бовалар? — сўрадим қарияларга юзланиб. — Қасам ичди бу.
- Эшитдик, — Илёс бобо енгил тортиб кулимсиради.
- қўйиб юбор уни.

Қўчқор писмиқ дир-дир титраганича кийимларини тўғрилади. Эсон-омон қутилганига шукур қилиб, овозини баралла қўйиб сўкинди:

— Бу қасамхўрлик сендан чиққан, онангни фалон...  
Асқар кал!

Елғондакам пўписа қилиб у томонга югурдим. Қўчқор  
писмиқ отига қамчи босиб қочгач, ортидан қичқирдим:

— Қасам ичганингда эсингдан чиқарсанг онангда  
кўрасан ҳали!

...Қўчқор писмиқ шу кетганича Эсарга қайтиб келмади.  
У ер-бу ерда ўзидан қарздорларни учратиб қолганида ҳам  
индамасди. Лекин эл йиғилган жойларда шу воқеани  
айтиб, эсарларни панжарагулчин қилиб сўқиниб юрди.  
Одамлар ёнини олиш ёки унга ачиниш ўрнига хаҳолаб  
кулишарди, майна қилишарди.

### **“Қўнғир сигир”**

Аччиқ изғиринлар ўрнини тушлиқдан эсаётган илиқ,  
биноқ ҳали анча нимжон шамоллар эгаллай бошлади.  
Яқин-яқинларда тоғ ва даштларни тизза бўйи қоплаб ётган  
қорларнинг чўғи тобора камаяди. Навбахор адирларга  
ўзининг ҳаётбахш нафасини уфура бошлаган эди.  
Ҳамалнинг ўрталарида тунлар ҳам илий бошлади. Энди  
кундузи эриган қор илгаригидай қош қораймасданок  
сумак бўлиб қотмасди. Тонгга борибгина бироз тўнглайди.

Қаҳатчилик авжига чиқаётганига қарамай одамларнинг  
эртанги кундан умидлари ҳали тамом сўнмаган. Келажакка  
ҳадик, баъзан ростакамига қўрқув билан қарашаётган  
бўлишса-да, ҳали ҳам бу туйғу юракларида кул босган  
чўғдай милтираб турибди: ҳалққа бибит турмуш ваъда  
қилган фирқа бор, ҳукумат бор, элбошилар, доҳийлар бор.  
Улар халқнинг очликдан қирилишига йўл қўйиб  
беришмас, деган илинж дилларга озроққина таскин бериб  
туради.

Ярим қоронғи кулбаларида ўтиравериб диққати ошган  
чол-капирлар илиқ кунларда кунгайга чиқишади. Якка-  
якка, иккита-учтадан бўлишиб, тўнкаданми, бир бўлак  
эски пўстак ёки бошқа бирор қуруқ нарсадан тайёрланган  
ўриндиқларда тўшалиб ўтириб, соатлаб офтобда  
тобланишади. Уларнинг ҳам дилларида тоғдай ҳадик: “Тош  
қизувга эсон-омон етармиканмиз!” Тилларида дуо: “Э

худо, ёшларимизга умрзоқлик ва бахт ато қилгайсен, элга тинчлик, элбошиларимизга тавфиқ ато қилгайсен!"...

Қишга ғамланган бор-будларини еб битириб, очлик билан юзма-юз келиб турганлар энди ўзларини қаёққа уришларини билолмай каловланиб юришади. Мардикорчиликка кетай дейишса, ҳали эртароқ. Бир мартага Холтой раис суюди: қийналиб қолганларни ҳуфёна бир ерга йиғиб, колхоз омборидаги уруғлик дондан бериб юборди. Бу иш ошкор бўлиб қолса, боши кетишидан ҳам кўрқиб ўтирмади.

"Қўлдан берганга қуш тўймас", деб бекорга айтишмаган. Хонадонлардаги ёрғичоқлар бирин – кетин айланишдан тўхтаб бошлади. Тандир ва ўчоқлардан олов ўча бошлади. Сандиқлар титкиланиб, бор бўлса ота-боболардан қолган зеб-зийнатлар олинди. Гиламу-кигизларга қўшилиб, ҳаммаси бозорга чиқарилди. Тирик одамга зеб-зийнатлар ҳам матох бўлибдими: оралиқдаги худо қаргаган икки ойни соғ-омон ўтказиб олишса, нарёғи тут пишиғи.

Очлик балосига гирифтор булганларнинг бири Ҳасан эди. Холтой раис берган дон ҳам тугагач, ўзича бақувватроқ деб ўйлаган ҳамқишлоқларидан қарз сўради. Бундай замонда ким ҳам бировга қарз берарди. Жуда ичи ачиганлар бир пиёла-ярим пиёла унми, донми бериши мумкин. Бундан ортиғига бировнинг чамаси келмасди. Шунинг учун у халта билан ғалвир кўтариб даштга чиқди. Даланинг у ер-бу ерида диккайиб турган ширдонлардан<sup>1</sup> бирини очди ва йирик сомонларни бир четга серсалаб ташлаб, майдасини эринмай элади. Бултурги ҳосил нима бўлувди-ю, сомонида қолган дон нима бўларди. Кун бўйи тинимсиз ишлаб, атиги бир пиёладайгина дон элаб олгач, бу ишдан ҳам ҳафсаласи пир бўлди...

Бундан кейинги воқеаларни кейинчалик менга Ҳасан ўз оғзи билан айтиб берган эди. Мен ҳам уни Ҳасаннинг тилидан ҳикоя қилишни маъқул топдим.

...Одамзод танг аҳволда колганида, қандай бўлмасин

---

<sup>1</sup> Ширдон – капасимон уйиб, тудроқ билан кўмилган сомон. Керак пайтда очилиб, чорлага едирилади.

ундан қутулиш чорасини изларкан. Мен ҳам нажот йўлини ахтариб, обдон бош қотирдим, аммо ўғирлик қилишдан бошқа чора тополмадим. Бу орада супрамиздаги сўнги кафт ун ҳам тугади. Бу ёғи муқаррар ҳалокат эканлигини билиб, вужудимдаги қон миямга ургандай бўлди ва охири чорани ишга солишга қатъий аҳд қилдим: тавакк — алохир ўладиган бўлгач уйда ётиб бола-чақам билан очликдан пишиб ўлдим нима-ю, номусдан ўлдим нима?! Балки омадим чопиб қолар.

Қишлоғимиздаги унча-мунча қўр-қути борларни бирма-бир хаёлдан ўтказиб, фикрим Асқарда тўхтади. Ҳозирча улар ўзларига дуруст — бир-икки пуд дони бўлса керак. Молхонасида учта эчкиси бор. Шулардан бири камайиб турса, жин ҳам урмайди. Эсарда аҳволи Асқардан дурустроқлар ҳам бор албатта. Аммо мен уларникига ўғриликка тушишни сираям истамайман. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Аввало, Асқар болаликдан айқашиб ўсган жон жўрам — фалокат босиб қўлига тушиб қолганимдаям элга шарманда қилмайди, ўлдириб ҳам қўймас. Нарн борса бир-икки шапалоқ туширар, бир-икки тепкисини ерман. Бу билан ўлиб қолмайман. Қолаверса, ғалати кўнгилчанглиги бор унинг — тавба қилиб, ялиниб турган одамни кечириб юбораверади. Ўғирлигимни билмай қолганидаям, яхши кунлар келганда айбимни тан олиб, эчкисини қайтариб беришим осон, ортиқча гина қилиб юрмайди у.

Тун оққанда уйдан шарпадайгина бўлиб, пусиб чиқдим. Осмонни олачалпоқ булут босган, юлдузлар гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай кетадию ой ботган бўлса-да, қорнинг нуқси уриб, атроф ёруғ кўринади. Этни жунжитадиган тун совуғини деярли сезмасдим. Ҳаяжонданми, қўрқувданми, остонамиздаёқ бошланган енгил титроқ йўқолиб, олдинга босганим сари аъзои баданим қизиб борарди. Юрагимнинг гурсиллаб уриб бораётгани ўзимга ҳам эшитиларди. Ҳар замонда оёқларим остида чирсиллаб синаётган юпқагина музнинг овози қулоқларимга милтиқнинг қарсиллаб отилганидек эшитилиб, тўхтаб қоламан. Атрофни зийраклик билан кузатиб, ҳеч қандай ҳавф таҳдид

қилмаётганини аниқлагачгина, олға босаман.

Шундай пайтда одамнинг ҳаёлига ўзи истамаган нарсалар келаркан. Ўзим нима аҳволда кетяшманку, Суяр индамас билан Ўлаатда мардикорчиликда юрганимизда Асқарнинг қилган яхшиликларини эсладим. У бўлмаганида Жонзоқбойнинг ёвғони билан ўша иморат деворини кўтара олмасдик. Кўтарган тақдиримизда ҳам бойдан ҳақимизни ундиролмасдик. Боз устига кейинги сафар олган ўз улушидан ҳам яна уч пуддан дон қўшиб берган эди. Шундай одамникига ўғирликка кетаётгандим. Аммо бошқа иложим йўқ. Очлик мени шунга мажбур қилаётганди. Яна ўзимга ўзим таскин берардим: "Яхши кунлар келганида молини албатта ортиғи билан қайтараман".

Мудраётгандай қишлоқнинг паст-паст уйлари орасидаги арава сиғарли йўл бўм-бўш. Итлар ҳам хуришмасди. Ювғинди-чайиндига ҳам, кепак кўмочга ҳам қорни туймайдиган итлар тиришиб ётган жойидан туриб чиқиб кимга ҳам хурарди дейсиз. Бу томондан ҳавотирга ўрин қолмаганини англагач, секин-аста юрагимда журъат пайдо бўлди. Энди оёқларим остида чирсиллаб синаётган музнинг овозига эътибор бермай қўйдим. Ёнимдаги қинда ўткир пичоқ, қўлтиғимда ярим қулочдан мўлроқ чилвир ип, аввалгидай атрофимга алангламай тез-тез, дадил қадам босиб кетавердим.

Асқарнинг ҳовлисига яқинлашганим сари юрагим қайтадан типирлаб ура бошлади. Олдинга ташлаётган ҳар бир қадамим гуё ер юзига қўйилаётган сўнгги қадамдай туюлиб, аъзои баданимга титроқ югура бошлади. Назаримда молхона панасида мени кимдир кузатиб тургандай эди. Орқага қайтсаммикан, деб ўйладим. Кўз олдимга болаларимнинг "эна, нон" дея қўл чўзиб тургани кўриниб кетди-ю, беихтиёр олдинга юравердим.

Ҳа, ортга қайтмадим. Қўлга тушсам ака-ука жаҳл устида тецкилаб ўлдириб қўйишлари мумикнлигини билсам ҳам қайтмадим. Тирик қолишга интилиш ўлим хавфидан устун келаётганди. Орқага қайтсам, бугун бўлмаса, эртага кекса онам, хотиним ва болаларим бирин-кетин кўз олдимда

очликдан ўлишади. Оқибатда ўзимнинг ҳам қисматим шундай бўлади. Бундай уқубатдан кўра пейнаманда борини шу оқшомнинг ўзидаёқ кўриб қўяқолишни маъқул топдим.

Минг изтироб билан кўзланган жойга етиб келдим. Ўзимни панага олиб, сал нафас ростладим. Яна бир марта атрофни синчиклаб назардан ўтказдим. Ҳамма жерда осудалик ҳукумрон эканлигига амин бўлгач, мушукдай эҳтиёткорлик билан молхона эшиги томон жилдим ва чаққонлик билан ўзимни ичкарига олдим. Ортимдан авайлаб эшикни бекитдим. Эшикни бекитдимۇ зим-зиё қоронғуликда кўзим ҳеч нарса ни илғамай қолди. Нима қилишимни билолмай, кирган жойимда бир зум тек қотдим. Салдан кейин бир маромдаги куртиллаган овозларни эшитиб, эчкилар яқингинамда кавш қайтариб ётганлигини фаҳмладим. Эчки зоти қўй эмаски, сал шарпадан дув кўтарилиб, ўзини у ёқ-бу ёққа урса. Секин бориб улардан бирини ушладим ва елинига қўл югуртирдим. Ушлаганимда ҳам парво қилмай кавш қайтариб ётган эчки, елинига қўлим теккач чўчанглаб туриб кетди. Унинг илкис ҳаракатидан ҳуркиб, бошқалари ҳам дув кутарилди ва ўзларини четроққа олишди.

Мен Асқарнинг икки эчки ва бир саркаси борлигини яхши биламан. Бошқа ўғри уларнинг эркак-урғочисини ажратиб ўтирмай, қўлига тушганини киприк қоқмай сўйиб юборарди. Яқин орада туғадиган жониворни увол қилишни истамадим. Қолаверса улардаям бола-чақа бор: шу эчкилар берадиган бир икки коса сутга эрта-кеч кўз тикиб туришади. Улоғи яна битта мол.

Қийналиброқ бўлсада, серкани тутиб олдим. Зимистонда бўғизлаш ноқулай туюлиб, эшик томонга сургаб келдим. Негадир эҳтиёткорликни унутиб, эшикни шарақлатиб очиб юбордим. Серкани йиқитиб, оёқларини чилвир билан кулиб боғладим. У тигнинг ҳидини олдим, ё сиқиб боғланган оёқлари азоб бердим, кутилмаганда маъраб юборди. Унга бошқалари қўшилгач, қўрққанимдан эшикни яна шарақлатиб ёпибман денг. Қайтиб чап қўлим билан серканинг тумшуғидан сиқиб ушлаб, иккинчиси билан бўғзига шоша-пиша пичоқ тортдим: "Бисмил Аллоҳу

Акбар!".

Серкани бўғизлаб бўлганимда кимнингдир молхонага яқинлашиб келаётганини пайқдим. У бамайлихотир қадам ташлаётган эса-да, оёқлари тагида чирсиллаб синаётган юпқа муз ва рижирлаётган қор овози эсхонамни чиқариб юборди. Шошганимдан пичоғимни артмай ҳам қинга тикдим. Серканинг танасини дарҳол эшикнинг бир томонига суриб, бошини тепамда баланд кўтарганимча, ўзим иккинчи томонига туриб олдим. Бор кучимни юрагимнинг гурсиллаб уришини босишга сарфлаб, назаримда, нафас ҳам олмай қўйдим.

Эшик сассиз очилди. Шундан билдим-ки, уни очган одам ҳам эҳтиёткорлик қиляпти. Кимдир ярим энгашганча, бошини ичкарига тикди. Аввал рўпарасига кейин молхона тўрига тикилиб, диққат билан қулоқ сола бошлади. Худди шу пайтда, нима қилаётганимни ўзим ҳам пайқамай, қўлимдаги калла билан ёнгинамда энгашиб турган одамнинг бошига зарб билан туширдим. У овоз ҳам чиқармай юз тубан йиқилди. Ярми молхонанинг ичида, ярми ташқарида қолди. Каллани бир четга ирғитиб, бўсағада тарози бўлиб ётган кишини кўтардим. Молхонанинг ичкарироғига тортиб, чалқанча ётқиздим. Юзини пайпаслаб, ўзимнинг ҳам ҳушимдан кетишимга оз қолди: хушсиз чўзилиб ётган одам Асқар эди. Уни ўлдириб қўйдимми, деб жоним товонимга тушиб кетди. Кўксига қулоқ тутиб, юраги бир маромда ураётганини сездим. Бундан қанчалик қувониб кетганимни билсангиз! Телпагини топиб буклаб, боши тагига ёстиқ қилиб қўйдим-у йўлга тушдим. Энди бу ерда ортиқча бир дақиқа ҳам қолиб бўлмас эди. Ҳали замон Асқарнинг Қобил акаси аёллари билан келиб қолиши тайин эди. Елкамдаги зил-замбил серкани "гурс" этизиб даҳлизимизга ташладиму, онам билан болаларни безовта қилмаслик учун деворга суяниб, чап томондаги бўш хонага судралиб зўрға кирдим. Қўлларимни пешонам тагига ёстиқ қилиб қўйдим-да, алақандай юпқа тўшанчининг устига юз тубан чўзилдим. Ҳолдан тойганим шунчалик-ки, иккинчи хонадан чиқиб, ёнимга чўққайган хотинимнинг саволига жавоб ҳам

беролмадим. Анчагача нафас ростлолмай ҳансираб ётдим. Сув - сув терладим.

Бир маҳал елкамдан совуқ ўтганини пайқаб, базўр гавдамни кўтардим. Чуқур уф тортдим. Онгим тиниқлашиб руй берган ходисаларни эсламоқчийдим, хотиним ҳалал берди.

— Кимдики? — деди у даҳлиздаги серканинг гавдасига ишора қилиб.

У нимани сўраётганини дарҳол тушундим. Бироқ, саволини жавобсиз қолдирдим.

— “Бурунгини айтма, сўнггини айт — қўнғир сигир соққанди айт” — дейишган қадимгилар, — дедим ўрнимдан тураётгиб. — Ҳозирча қўнғир сигир уйингда. Уни эртароқ саранжомлаш керак.

Эр-хотин даҳлизга тошчиरोқ ёқиб, серканинг терисини шилишга уннадик. Холдан тойганим шунчаликки, пичоқниям эплаб ишлатолмаётгандим. Шу ҳолимга бунча юкни уйгача қандай кўтариб келганимга ўзим ҳайрон эдим. Боз устига йўл бўйи дам олмасдан қарийб югуриб келдим. Менга қўрқув куч берганми ё елкамдаги нақдина. Бунисини билолмадим.

## Осмоннинг устун

Гўяндаларнинг ривоятларига қараганда, Қўйтош тоғлари бағридаги қишлоқлардан бирида қачонлардир Жўмард исмли бир бой яшаб ўтган. У шунчалик бой эди-ки, қанча қора моли ва қанча ушук моли борлигини ўзи ҳам билмасди. Билгани шу эди-ки, моллари ёпирилиб Санглоққа сув ичгани тушганида битта тегирмонни айлантириб, айқириб оқаётган сувнинг этаги жилдираб қоларди.

Унинг исми жисмига мос — саҳий ва танти эди. Кимлигидан қатъий назар, эшигидан кирган одамларни бирдай кутиб олиб, ҳаммасига бирдай иззат кўрсатарди. Шу туфайли уйдан одам аримасди. Уйдан одам аримаганидан, ўчоғидаги олов ҳам ўчмасди. Ўчоғининг олови ўчмагач, ҳавлисида бирор жонлиқ сўйилмаган кун ҳам бўлмасди. Аммо Жўмардбой сўйилган ҳар бир

молнинг пайини қозонга солдирмай, ўзи олиб қоларди.

Ҳар кўнгилда бир эрмак, деганларидай, унинг ҳам бир эрмаги бор эди: бўли пайтларида тол ёғочидан (бошқа ёғочлар ё ярамайди, ё дидига ўтирмасди) йўниб эгар ясашни хуш кўради. Йиғилган пайтларни махсус усулда қуришиб, келида тўйдирарди. Унга ўзи ранг берарди ва ранглар мутаносиблигини сақлаган ҳолда эгарга сириб чегаларди. Айтишларича, Саврук бозорида бир темирчи у ясаган эгарни босқон билан уриб ҳам синдирилмаган. Пишиқлиғи-ку ўз йўлига, муҳими эгарга сирилган пай бошқаларникига ўхшаб вақт ўтиши билан қорайиб кетмасди. Йиллар давомида янгидай жило бериб, товланиб тураверарди. Мис ва кумушдан ясалган чегаларни шундай қоқарди — ки, эгарга қараган киши турли қушлар сайраб турган боғ ёки гулзорларнинг бир бўлагини кўриб тургандай бўларди. Хуллас, у ҳунарини санъатга айлантириб юборарди. Шунинг учун моли бозорда бошқаларникига нисбатан қиммат сотиларди.

Жўмардбой йил давомида ўрта ҳисобда ё тўққиз, ё ўнта эгар ясаб бозорга чиқарарди ва йил давомида уч марта бозорга тушарди. Ҳамёни катта бойлар. "Жўмард қачон бозорга келаркан", деб йўлини пойлашарди. Келганида эса иккитаси эгарли бўларди-ю, бошқалари навбат кутиб қолаверарди.

Жўмардбойнинг кизиқ бир одати бор эди: келтирган эгарларини ҳар гал битта савдогарга кўтарасига пулларди. Сотув пайтида молининг тепасида ўзи турарди. Талаш-тортишиш билан иккитаси сотилгач, учинчисини сотганидан қимматроқ баҳода ўзи қайтариб сотиб оларди. Савдогар ҳам эгарларнинг устига инсоф юзасидан озроқ хизматона кўярди-да. Бу иш одат тусига кириб қолганди. Уни бузишдан савдогар ҳам кўрқарди. Бузса, Жўмардбой янаги гал бошқа ҳаридор топарди.

Қайтариб олган эгарини Жўмардбой уйига етиб-етмай, бирор чўбир минган камбағалга ҳадя қилиб берарди. Бу қилиғини эшитиб, ҳайрон бўлиб юрган савдогар бир куни:

— Нега бундай қиласиз? — деб сўрайди ундан.

— Сиз эгагарларимнинг таърифини жуда келиштириб

мақтайсиз, — мийигида кулибди у. — Яхшидир-ки, шунчалик мақтайсиз. Яхши нарса эса ўзимгаям керак.

— Эшитишимча, уни бирор бир йўқ-юпунга ҳада қилиб берармишсиз.

— Йўқ-юпундаям кўнгил бор. Ҳамма яхши нарсаларди пулдорлар илиб кетаверса, адолат қаерда қолади.

— Молни пули йўққа текинга бериш адолатми?

— Адолат ўзининг ва ўзгаларнинг турмушига ҳолис назар билан қарай олиш, ўзинг ва ўзгалар ҳаётини бирдай қадрлай билишда...

Бу ривоят ҳикоямга қанчалик уйқаш келишини билмайман, бироқ...

Ўша оқшом эчкиларимизнинг жон ҳолатда маъраганини, кейин молхона эшигининг зарб билан ёпилганини фақат Ҳилола сезибди. Яна бирор товуш эшитилармикан, деб бир оз кутибди. Бошқа овоз эшитилмагач хавотирланиб, мени уйғотибди.

— Нима дейсан? — уйқисираб тўнғилладим.

— Туринг, молхонада бир нарса бўляптиёв.

— Ваҳима қилма!

— Туринг, ҳабар олмасангиз бўлмайди.

— Об-бо-о, қўймадинг-қўймадинг-да.

Ўрнимдан зўрға турдим. Қоронғида тимискиланиб, телпагим билан чопонимни топиб кийдим. Оёғимга тош-товонимни қўлантаёқ илиб, ташқарига чиқдим. Бамайлихотир молхона эшигини очиб ичкарига кўз ташладим. Бўсағага яқин жойнинг қорайиб турганини илғадим. Унинг нималигини билиш ва эчкиларнинг бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида энгишиб, ичкарига бош суқдим. Ҳамқишлоқларим мени ўта тадбирли, зийрак ва шум деб билишади. Бироқ, баъзан ўйламай иш қилиб, чалқанча тушган пайтларим бўлган. Бемулоҳаза ичкарига бош суқиб, яна бир марта панд едим: бошимга нимадир зарб билан урибди. Кўзларимдан учқун чақнади. Кейин нима бўлганини билмайман...

Ҳилола кимнингдир молхонадан шошиб чиқиб узоқлашаётганини пайқабди. Бирор шубҳали овоз эшитилмагач, эримдир деб ўйлабди. Бироқ мендан дарак

бўлавермагач ҳавотирланиб ҳовлига чиқади. Ҳамма ёқ жим-жит. Бу сукунат хавотирини баттар ошириб, акам ётган хонанинг эшигини секин тақиллатади. Жавоб бўлавермагач қаттиқроқ уради.

— Ким у? — ичкаридан акамнинг товуши эшитилади.

— Менман, — дейди Ҳилола. — Укангиз молхонага кетувди, анча бўлди қайтмаяпти.

— Тун ичида молхонада нима бор экан?

— Эчкилар маърагандай бўлувди.

— Эчки бўлганидан кейин маърайди — да, балки туғаётгандир.

— Бошқачароқ маърашди, бир гап боров...

Қобил акам кийиниб молхонага кетгач, Ҳилола ҳар эҳтимолга қарши чироқни ёқиб қўйиш учун хонамизга қайтади.

У даврларда тоғ ва дашт қишлоқларда гугурт анқонинг уруғи эди. Шу сабабли ҳар бир уйнинг сандалида албатта қўрамта<sup>1</sup> сақланади. Узун қиш кечаларида баъзан қўрамта кулга айланиб, эрталабгача ўчиб қоларди. Шундай пайтларда чақмоқтош билан увадани ҳил олдириб, минг азобда олов ёқишарди. Ҳилола сандалнинг бир четини очиб, кулини кавлайди. Ҳайриятки қўрамта ҳали бозиллаб турган экан. Устига озроқ ҳашак ташлаб, пуфлай — пуфлай олов олдиради. Ундан зиғир ёғи қуйилган тошчироқни ёқиб, қўрамтани кулга қайта кўмади. Чироқни кўтариб энди молхонага чиқмоқчи бўлаётганида эшикдан мени суяб акам, ортимиздан нималарнидир жавраб овсини кирди.

Аҳволимни кўриб Ҳилоланинг капалаги учиб кетди. Тоштовоним билан чопоним чангга беланган, у ер-бу ерлари лахта-лахта қон.

У тошчироқни токчага қўйгач, қон теккан чопонимни еча туриб довдираб сўради:

— Нима бўлди?! — менинг ҳеч нарса бўлгани йўқ, дегандай маънос кулимсираб турганимни кўриб қайта сўради. — Соғмисиз ўзи?

---

<sup>1</sup> Қўрамта — бир бўлак ёғоч ёки таппи, чолманинг чўғи.

— Кўриб турибсан-ку, ўғри эчкилардан бирини сўйган экан. Қон эчкиники.

Тўшагимга ўтиб ётдим. Қобил акам чироқни кўтариб яна молхонага кетди. Бироздан кейин қайтиб, даҳлизга ниманидир "тўп" эткизиб ташлади. Чироқни киритиб Ҳилолага бергач:

— Ўғри серкани сўйипти, — деди менга. — Бошини бизга қолдириб, танасини бутунича кўтариб кетибди, даюс.

— Қоронғида қўлига серка тушиб қолгандир, — тахмин қилдим ўзимча. — Изидан тушиш керакмиди.

— Кетди-да у, бу зимистонда топиб бўлармиди. Майли, ётавер, тонг отса суриштирарсан. Мен эрта туриб қўрага кетаман.

Эр-хотин бошлашиб чиқиб кетишгач, Ҳилола чироқни ўчирди. Хонага яна зимистон, сукунат чўққанига қарамай, сира ухлай олмадим. Бошим лўқиллаб оғриси-да ўғрининг кимлигини аниқлашга уринардим. Назаримда ўғри бошқа ёқдан келмаган. Бегона ўғри дала-тузда юрган молни ҳайдаб кетади. Нари борса қишлоқ четидаги уйларнинг молхонасига кирар. Бизнинг ҳовли қишлоқнинг ўртасида. Қишлоқ орасидаги дарникига четдан келганларнинг журъат қилиб бош суқиши гумон. Бегона — бегона-да, кимнинг нимаси қаерда турганлигини қаёқдан билади. Буни шу қишлоқ одами билади.

Хаёлимга негадир Ҳасан билан Суяр келди. Улар бизникига тез — тез келиб туришади. Ҳовлимизни беш қўлдек билишади. Қишнинг охирида ҳар иккаласининг суроблари тўғри бўлиб қолганини мен ҳам яхши биламан. Бир кун узокроқ қишлоқлардан бирида Суяр индамасни тиланчилик қилиб юрганида учратиб қолдим. Ҳамқишлоқ жўрамнинг бундай юришидан нам тортдим, лекин аччиқ гап айтолмадим. Нима ҳам дердим? Ишла десам иш йўқ, колхоз бир нарса бермайди. Қўлимдан келгани — Холтой раиснинг олдига етаклаб келиб, аҳволини арз қилганим бўлди.

Раис ҳам ноилож эди. Идорасида раисман, деб ўтиргани бўлмаса, омборида уруғликдан бошқа ҳеч воқаси йўқ. Қишлоқда кунини ўтмай қолаётганлар соат сайин кўпайиб

бормоқда. Уруғликнинг эса ҳисоб-китоби бор: ерни алдаб бўлмайди. Ҳаммага кўнгилчанлик қилаверса, кўкламда нима экади? Унда доди худога етмай қолади. Худонинг азроилидан олдин туман — бошиларнинг терговчиси етиб келади. Бунақа пайтда ҳар қандай важ-қарсонинг бир пул. Пешонангга халқ мулкани талон-тарож қилган душман, зараркунанда, ёт унсур деган тамға ёпиштирилади. Тамом, вассалом, ўзингни темир панжара ортида кўраверасан.

Оқибатни билиб турса ҳам Холтой раис таваккал қилди. — Омбор мудирини чақиртириб, қийналиб қолганларга озроқ-озроқ донни енг учида бериб юборди. Ўша дони ҳозирча тугамагандир. Демак молхонамизга Суяр тушмаган. Ҳасан эса ҳозирча ўғирликка ўрганмаган. Бунақа иш қўлидан келмаса ҳам керак...

Тонгга қадар турли ўйлар гирдобида тўлганиб ётдим. Барибир ўғирликни шу қилган, деб бирортага ип тақолмадим. Кўрмай-билмай бировга тухмат қилиш — гуноҳ.

Уйку қолиб келиб, тонгга яқин ухлаб қолибман. Офтоб ёйилганида Ҳилола уйғотди.

— Туринг, — деди у. — Серканинг қони йўл бўйлаб қорга томчилаб кетганмиш. Изидан бориб, ўғрини аниқласин, деб кетди акам.

Тезгина кийиниб, ташқарига чиқдим. Бошимнинг оғриғи анча босилган ва ўзимни анча дадил ҳис қилардим. Муз тўнғиган йўл бўйлаб, қишлоқнинг этагига томон томчилаб кетган қон изларига кўзим тушди. Мийиғимда кулдим. Кўнглимдан: "Эсар — ҳар қандай шароитда ҳам эсар — деган фикр ўтди. — Ортимдан боравер, дегандай, изига "гул" ташлаб кетганини, бу ландовурнинг" Молхонадан тўсинга қистирилган пишиқ гавронни олиб чиқдим. Белимдан "қулали" қилиб ўтказиб, қон томчилари бўйлаб йўлга тушдим.

Ҳасаннинг уйига рўпара бўлгач, ҳайратдан ёқамни ушладим. Беихтиёр: "Бу ҳам ўладиган жойга кепқопти-ку!" — деб ўйладим. Гавронни кўлимга олиб, эшигига йўналдим. Овоз бериб Ҳасанни чақиргандим, хотини

чиқди. қўлимдаги гаврон билан важоҳатимни кўриб, ранги ўзгариб кетди ва лом-лим демай ортига қайтди. Салдан кейин онаси чиқди.

— Ичкарига кир, чироғим! — деди у ялинчоқ товушда.  
— Жўранг сандалда ётипти, туришгаям мадори йўқ.

Кампирга сездиргим келмаса ҳам газабимни босолмадим.

— У кишимдинг нима иш қилганларини биласизми?

— Биламан, момонг айлансин, биламан! Бурунгилардинг мақоли бўлгувчиди: “Борлик нелар дегизмас, йўқлик нелар егизмас...” Уни йўқлик етаклаб кирди бу кўчаларга. Уйда гаплашайик, киргин, чироғим.

Ғазабдан чатнаб турсам ҳам кампирнинг сазасини ўлдиролмадим. Даҳлиздаги ўчоқда лангилаб ёнаётган ўтни кўриб, серканинг қорин-қажоғи пиширилаётганини англадим. Бундан газабим баттар жунбушга келди-ю, ўзимни босдим. Индамай Ҳасан ётган хонага кирдим.

Хона анча файзсиз, ўртадаги сандал атрофига тушалганларни ҳисобга олмаганда, деярли ялонғоч эди. Минг ямоқ кўрпа ёпилган сандалнинг бир кўзида очликдан тинкаси қуриган иккита боласи, иккинчисида эса мадорсизланиб Ҳасаннинг ўзи ётарди. Унга кузим тушиб:

— Ўрнингдан тур! — дедим.

— Туролмайман, — ҳорғин жавоб берди Ҳасан. — Ўлдирсанг ётган жойимда ўлдириб кетабер. Бунга ҳаққинг бор...

— Ётган одамди ураверадиган номард деб ўйладингми мени! Тур ўрнингдан!

— Урма, чироғим, — онаси олдимни ўраб зорланди. — Бурунгидай бўлганда шундай иш қилса, ўлдирсанг ҳам олдингди ўрамасдим. Кўраяпсанку таёқдиям қорни тўқ одам есин экан. Бир қўнаға<sup>1</sup> аччиғингдан туш, чироғим, сендан тиладим шуни!

Кампир нозик жойимдан олди. Дориломон замонларда у она қадрдонларимдан эди. Икки аёл тез-тез бир-бирини йўқлашиб, борди-келди қилишиб туришарди. Онаминг

---

<sup>1</sup> Бир қўна — бир гал, бир марта.

вафотидан кейин ҳам оқибатни унутмади — барча маракаларда ўзи бош бўлиб турди. Уйланиш тўйимда ҳам Холтой раисдан кейинги асосий ишларга ўзи бош бўлган. Буларни у ҳеч қачон писанда қилмаган. Энди олпоқ сочи билан ўғли учун мендан кечирим тилаб тургани бирдан попугимни пасайтириб қўйди. Ҳали-ку битта серка экан, эчкиларимнинг ҳаммасини сўйиб кетган тақдирдаям бу кампирнинг тилагини синдириб, ўғлини дўппослай олмасдим.

Таранглашиб турган асабларим бўшашиди. Кўлимдаги гавронни пойгакка отиб юбориб сандалнинг пастки кўзига чўк тушмоқчийдим кампир унамади. қўймай юқорига ўтказди.

— Нега бундай қилдинг? — дедим жойлашиб олгач Ҳасанга қараб. — Серкамни сўйибсан, майли, унга қўшиб меням ўлдириб қўйяй дединг-ку!

— Қўлга тушиб қолиш ваҳимасида нима қилганимди ўзим ҳам билмайман, — деди у юзимга тик қаролмай. — Йиқилганингдан кейин ўлдириб қўйдимми, деб бадтар кўрқдим. Ағдариб қарасам, бахтимга тирик экансан. Телпагингди бошингга ёстиқ қилиб қўйдим-да қочдим.

Кампир сандалнинг устига дастурхон ёзди. Кейин қаердандир тош қотган яримта қотирма келтириб қўйди. қотирмани кўриб, болалар ўрниларидан туриб олишди.

— Эна, нон! — дейишди бараварига.

— Ҳозир овқат пишади, — уларни овута бошлади бувиси. — Сал сабр қилинглар, знанг айлангурлар.

Болалар оч эди. Ким билади, балки ҳаммалари кеча кун бўйи шу қотирманинг ярмини тамадди қилиб, оч — наҳор бугунги тонгни оттиришгандир. Олдимда турган ярмини ҳар эҳтимолга қарши сиқимларида тутиб туришгандир. Энди, чиқариб, менинг олдимга қўйишяпти. Бу кўргуликка катталар ноилож чидашар. Аммо болаларнинг чидашлари қийин. Шу сабабдан беиҳтиёр қотирмага қўл чўздим. Ярмини синдириб, иккига бўлдим ва икки боланинг қўлига ушлатдим.

Томоғимга йиғига ўхшаш нимадир тиқилиб қолди. Нонушта қилмаганимга қарамай, Ҳасан билан онасининг

қистовига кўра қолган қотирмадан бир чимдимгина ушатиб оғзимга солдим. Лекин уни ютолмай, тишларим орасида узоқ айлантирдим. Хайриятки бу орада шўрва тортилиб қолди. Ундан босиб-босиб бир косани ичдим. Иссиқ шўрвадан кейин Ҳасан ҳам терлаб, сал ўзига келиб қолди.

Дастурхон йиғилгач, кампир муддаога кўчди:

— Серканинг қорин — қажоғидан озроғини осдик, — деди афсус оҳангида. — Бунга рози бўл, чироғим. қолгани нариги хонада гўшти билан бирга турибди, олиб кетабер.

Кампирнинг ҳамияти кучли эди. Буни билганим сабабли, унинг иззат нафсини койитмайгина гўштни ташлаб кетиш йўлларини излаб ўтиргандим. Ўзи гап очгач, чораси осонгина топила қолди.

— Энди нима бўлса бўлди, момо, — дедим. — Ўтган ишди эсдан чиқарайлик. Яхшиси Ҳасан мендан бир серка қарздор бўлиб тураверсин. Топганида берар. Гўшди эса донга айирбош қилиб сотинглар. Ҳарна, бир пуд бўлсаям дон туззук. Одамларга ўзим хабар қиламан.

— Умрингдан барака топ, чироғим! — кутилмаганда кампирнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. — Ҳайриятки, эди сенга ўхшаган жўмардлар ҳали кўп. Қилга боғлаб тепамизга осиб қўйилган осмонга шулар устун бўлиб туришибди. Бўлмасам у аллақачон қулаб тушиб, бу дунёмиз кунпаякун бўлиб кетарди, чироғим!

Кампирнинг гапларидаги маънони яхши уқолмадим. Мени мақтаяпти шекилли, деб унғайсизландим. Тезроқ ҳайрлашиб, уйдан чиқиб кета қолдим. Ташқарида ажиб бир енгиллик туйдим. Негадир кўнглим ийиб, кўзларимга ёш келди.

### **Ўйламай гапирган оғримай ўлади**

Кунлар илиб, одамларнинг дилида яхши умидлар ниш ура бошлаган маҳалда Эсарда совуқ бир хабар таркалди: "қўшни қишлоқлик Суюн сариқ қазо қилибди!"

Ўлим — барҳақ; биров ёш кетади, биров ёшини яшаб, ошини ошаб. Ҳар икки ҳолда ҳам ўлим — мусибат. Бироқ, яқинларимиздан бўлмаса, биз ўлим хабарини ҳам бирор

фавқулодда хабардай қабул қиламиз. Шунга кўникканмиз. Одатда, одамларга одамларнинг қандай ўлганидан кўра нимадан ўлгани кучлироқ таъсир қилади. Суюннинг ўлими ҳамманинг юрагини зирқиратиб юборди. Чунки у барчага човут солаётган мусибат — очликдан ўлганди. Эртага кимнинг навбати? Бу шундай ўлимларнинг бошланишими ё охиригиси бўлиб қолармикан?

Суюнникига оддингилар қатори Холтой раис билан мен етиб келдим. Оила аъзоларининг марҳумга аза очиб ўтиришлари нари турсин, келган-кетганларга бош кўтариб қарашга ҳам ярамай, увадалар орасида чалажон бўлиб чўзилиб ётганини кўрдик ва ичдан зил кетдик.

Холтой раис майитни дарҳол иккинчи хонага олдириб, касаллар ётган уйга олов ёқдирди. Югуриб-елиб кимларникидандир уч-тўртта нон билан озроқ туршак топтириб келди. Туршакни сувда қайнатиб бўлгунларича ётганларга оз-оздан нон егизди. Устидан бир-икки пиёла туршак дамламасидан ичирди. Улар сал дармонга эниб, ҳиқиллаб йиғлаша бошлагач, ёнларига чўк тушиб ўтирди.

Ўтмишда адолатсиз, золим подшолар ҳам кўп бўлган албатта. Рост-ёлгонлигини билмаймиз, бироқ, эл гамини емайдиган элбошиларни каттиқ жазолаган подшолар ҳам ўтганлигини кексалардан кўп эшитганмиз. Буни адолатли тартиб, дея маъқуллаганмиз. Шулар эсига тушганми, Холтой раис рухан қаттиқ азобда ўтирарди. Николай подшонинг қирғинбарот урушлари-ю, мардикор жанжаллари даврида ҳам бу қишлоқда ҳеч ким нон тополмай очликдан ўлмаганди. Саҳий ва савобталаб давлатмандларимиз тез-тез у-бу улашиб, одамларни бу балодан омон сақлаб қолгандилар. Келиб-келиб энди — катта-кичик, шапкали-шапкасиз, ақлли-аҳмоқ раҳбарлар ёппасига: "Биз халқни золимлардан қутқарамиз, тенг ва бахтли турмуш билан таъминлаймиз!" — деб аюҳаннос солаётган бир пайтда шундай ходиса руй берди. Шуми тенглик, бахт шуми?! Бунга ким айбдор? Умуман айбдорни топиб бўлармикан ўзи?

Бу саволлар мени безовта қилиб юрганига анча бўлди. Лекин тайинли бир жавоб тополмай бошим қотарди.

Элбошилари бахтли келажакка етаклаётган халқ қандай қилиб бахтсизлик чоҳига қулайди? Мен фирқага, унинг доҳийси Сталинга қаттиқ ишонардим. Азбаройи "халқлар отаси"га ишонганидан Холтой раис ҳам жамоатлаштириш даврида жонини жабборга берувди. Тепадан бойлардан ерни ол дейишди — ҳаммасини тортиб олишди; бойлигини ол дейишди — шип-шийдам қилиб, ўзларини борса келмасга жўнатишди; қулоқларни йўқот дейишди — буни ҳам меъёрига етказишди. Баъзи жойларда бир сигиру тўрт-беш эчкиси борларни ҳам аяб ўтирмай, меъеридан ошириб ҳам юборишди. Шунча уринишлар натижаси нега бундай аянчли бўлиб чиқди? Бу кийинчиликлар, баъзилар айтаётганидай, вақтинчаликми ё қайсидир раҳбарнинг навбатдаги нағмасими?

Холтой раис ҳиқиллабгина йиғлашаётган аздорлар олдида ер сузиб жимгина ўтирарди-ю, кўзларидан милт-милт ёш юмалаб тиззасига томаётганини пайқамасди. У Суюннинг бемаҳал ўлимига ўзини ҳам айбдор ҳисобларди. Қўл остидаги одам-ки, очидан ўлдими, демак, у яхши раҳбар эмас. қилиниши керак бўлган қандайдир ишни вақтида қилмаган, нималардадир ҳатоликка йўл қўйган. Ҳали теваракка "фалон қишлоқдан фалончи очдан ўлибди" — деган гап тарқалади. Бу иснодни ҳам ҳаммадан олдин Холтой раис кўтариши керак.

Хонага қишлоқнинг уч-тўрт кексалари кирганидагина у бошини кўтариб, атрофига қаради. Шундагина кўзидан ёш оқаётганини пайқади. Одамлар унинг кўзида ёш кўриши керак эмас, раис-ки оби-дийда қилиб ўтирса бошқалар нима килади? Ҳали марҳумни чиқаришга тайёрлаш, маъракасини ўтказиш учун у-бу ғамлаш керак. Бу шўрига шўрва тўкилиб турган хонадонда пичоққа илдиргулик бирор товух ёки бирор кафт ун йўқлиги аён.

Холтой раис ферма мудир билан омбор мудирини зир югуртириб, қаердандир бир пуд ун ва колхоз фермасидан битта серка олдириб келди. Уннинг озроғини аёлларга бериб қотирма пиширттирди. Гўштнинг ҳам ярмидан кўпроғини олиб қолди. Азали уй, келди-кетди бўлиб туради. Уларга ҳам баҳоли қудрат дастурхон ёзиб туриш

керак. қолаверса, азадорларнинг ўзлари ҳам яшаши керак. Иложи борича соқолни мўйловга, мўйловни соқолга улаб турмаса бўлмайди. Майитни чиқармоқчи бўлганларида Савур савмол келиб, Холтой раисга идорада ижроқўм вакили кутаётганини айтди. У азада ўтирган ортиқча кишиларни иш-ишига жўнатиб юборди, аммо ўзи идорага бормади. Вакил келган бўлса, худонинг куни кўп, кейинроқ гаплашаверишса ҳам бўлади. Марҳумни куттириб қўйишга эса ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Вакил раиссиз ишни битиролмаган чоғи, майитни жойига қўйиб қайтганларида Савур савмал билан бошлашиб азахонага кириб келди. Негадир тунд қиёфада ўтирди. Ҳатто фотиҳага ҳам қўл очмади. Кимнинг ўлгани ва нега ўлгани билан қизиқмади. Шунданми, одамлар ҳам ундан ётсираб қолишди. Келган-кетганларга қурон тиловат қилиб ўтирган мулла ундан қўрқиб кетиб қолди. Қандайдир зарур ишлари борлигини баҳона қилди.

Вакилнинг бу ерда ўтириши ҳамманинг гашига тегаётганди. Энди уни ушлаб ўтиришнинг иложи бўлмай қолди. Яна бир оз ўтирса, бошқалар ҳам кетиб қолиши мумкин эди. Шу сабабдан Холтой раис бир баҳона топиб, уни олиб чиқиб кетди. Ортларидан Савур савмал эргашди. Бироқ, кўп ўтмай улар қайтишди. Айтишларича, вакил қўшни хўжаликларга ўтиб кетганмиш.

Даврада Савур савмалнинг борлиги кексаларни ҳушёр тортдирса-да, ёшлар унга ортиқча эътибор беришмасди. Улар учун Савур савмал ҳам боши юмалоқ битта ҳамқишлоқ эди. Холтой раисга ўхшаганларни таҳликага солаётган очарчилик уларни ҳам гамга ботирмоқда эди. Кексалардан фарқли ўлароқ, ёшлар ўз фикрини ошкорароқ айтиб мулоҳаза юритишарди.

— Айтишларича Ўрусия томонларда дон яхши битганмиш, — деди бошини ҳам қилиб ўтирган йигитлардан бири. — Бу йилча бизга галлани ўшалар юбориб туришса бўлмас эканми?

— Шундай қилишса бўларди, — гап қўшди Ҳасан. — Янаги йили қайтариб олишарди. Одамларди оч қолдириб, эди қийнаш кимга керак бўлиб қолдийкин?

Гарчи соддагина бўлса-да, уларнинг фикри меникига мос эди. Шунинг учун юрагимни анчадан буён безовта қилиб юрган норозиликни беихтиёр баландроқ товушда айтиб юбордим:

— Бундай саволди бориб йилтирмўйлаб отанга бер, тўқликдан қорнини қашиб ётган тоғаларингга бер! Бундай саволларга ўшалар жавоб бериши мумкин.

Атрофим сув қуйилгандай жим-жит бўлиб қолганини сезиб, беихтиёр Холтой раисга қарадим. Унинг афсус назари билан тикилиб турганини кўрдим. Шундгина эҳтиётсизлик қилиб, қовун туширганимни англадим ва ялт этиб Савур савмалга қарадим. Унинг кўзлари совуқ ёнарди. Шунда бирдан бултур кузақда у билан айтишиб қолганим эсимга тушди...

Одатда даладаги ҳосил ўриб олингач, ўрнида колхознинг чорваси боқилади. Қолган бир бош — ярим бош доини мол еса ерди-ки, Савур савмал одамларга олдирмасди. Унга кўринмасликка уриниб бошоқ теришга чиққанларни кўриб қолса, тирқиратиб қувларди. Баъзиларни қамчилаб, қон қақшатиб урарди ҳам. Бултур ёзда сарғайиб пиша бошлаган арпадан бир боғгина ўриб олган кишини тутиб, икки йилга қаматиб юборгач, одамлар ундан ростакамига кўрқиб қолишди. Ҳатто Холтой раис ҳам қайтаролмасди уни. Жиддийроқ чора кўришга чўчирди шекилли. Итфеъл одамда итга ўхшашлик бўлади: кутилмаганда оёқдан олади...

Бир куни тасодифан Савур савмалнинг беш-олти бошоқчини зириллатиб қувлаб юрганининг устидан чиқиб қолдим. Шўрликларнинг баъзилари унинг қамчисига чап беришга уринса, баъзилари шафқат тилаб инти-жинти билан ялинишар, қамчи еганлари кишининг кўнглини бузиб, зориллаб йиғлашарди. Буни кўриб, индамай қараб туролмадим — Савур савмални инсофга чақирдим:

— Шу тўрт-беш қўллик<sup>1</sup> мошоқди мол егунча одамлар еса бўлмайдами, Савур ажа, — дедим келишувчан овозда. — Эрта-индин қиш келади. Ўшанда ҳеч ердан ҳеч нима

---

<sup>1</sup> Бир қўллик — пояси бош ва ўртанча бармоқ орасига সিғадиган бошоқ.

тополмай очидан ўлади-ку булар. Шуни ўйласангиз бўларди.

— Буларди очдан ўлади, деб ким айтди?! — у менга ғазаб қилишга ўтди. — Булар менга билдирмай колхоздинг донидан керагини ғамлаб олишган. Энди бошоғигаям чанг солишяпти унсурлар!

— Мол хашак еб турсаям ўлмайди. Булар хашак еёлмайди. Бу йил ҳосил нима бўлди-ю, булар ниманиям ғамлашарди!

— Мен бундай зараркунандалардимас, давлатнинг молини асрашим керак! Тўп этиб ер юзага тушибман-ки, ёт унсурларга қарши курашаман. Сен камсомон бўлиб ҳам шуларга ён босасанми?!

— Ер юзига тўп этиб тушган бўлсангиз... алақачон ўлган экансиз-ку. Бу дунёда одамларга озор бериб, Савур акамизнинг арвоғи изғиб юрипти эканда!

Боя ўзини қаёққа уришни билмай айланиб қочиб юрган одамлар бир жойга ғуж бўлиб, бизга жимгина қараб туришарди. Охирги гапимдан кулиб юбормаслик учун кимлардир оғзини бекитди, кимдир мийиғида жилмайиб қўйди. Савур савмал эса, қўрқади деб ўйладими, менга ғазаб билан тикилиб:

— Сен ҳам қўлимга бир тушарсан ҳали! — деди ва отининг бошини шартта буриб, жўнаб қолди...

Ҳасаннинг саволига берган жавобимни Савур савмал тушунар, деб ўйламагандим. Кўпинча жўнгина гапнинг ҳам маъносини тезда уқавермайдиган бу ғалчанинг кейинги пайтларда "Сиёсий онги" анча ғовлаб қолган шекилли, мен қилган учирмани тўлиқ тушунди. Шунда ҳам ундан чўчиганим йўқ.

— Менга нега бундай қараяпсиз, Савур ака? — дедим ўзимни ғўлликка олиб.

— Сен камсомонга суқулиб кирган душманлардинг қолдигансан! — бирдан ғазабга минди у. — Сендақалардинг жойларинг турма!

— Арпангизди хом ўрувдимми мен?

— Сен доҳимизди ҳақорат қилдинг, кўпчиликдинг ичида ҳукуматти ёмонладинг! Булар камми сенга?

— Оғзингга қараб гапир, Савур, — баҳсга Холтой раис аралашди. — Асқарди билмайсанми? Қилдан қийиқ излаб дуч келганди душманга чиқараверма!

— У — душман, ёнбостилик<sup>1</sup> қилмай қўяқол. Уни эртагаёқ олиб кетишади. Ичинг ачишса, сен ҳам бирга кетасан!

Холтой раиснинг ранги ўчиб кетди, бироқ ўзини босиб индамади. Ортиқча гапга ўрин қолмади. Савур савмал эса ўрнидан туриб, этагини қоқди. Голиблардай намоёйишкорона уйига жўнади. Орага кишини эзиб юборадиган бир жимлик чўқди. Холтой раис индамагач, бошқалар ҳам оғиз очишмади.

У анчагача хаёл суриб ўтирди. Менинг қарийб ҳал бўлган тақдирим ҳақида ўйларди шекилли. Бошимга Савур савмал пуркаб кетган булутнинг қайдаражада қалинлигини ҳали на ўзим билардим ва на бошқалар. Буни фақат Холтой раис ҳис қилар, афтидан, савмални аҳдидан қайтариш йўлларини изларди. Бундай йўл ҳадеганда топила қолмади. Мени эртагаёқ троцкийчиларнинг думи деб ҳужжатлаштиришлари мумкин. Тамом. Троцкийчиларга ҳеч қандай шафқат йўқлигини у яхши билади. Бу ҳужжат барча уринишларни чиппакка чиқаради. Орага тушадиган марднинг ўзи ҳам омон қолмайди. Жимитдайгина хўжалик раисининг сўзи қаерга борарди. Троцкийчи деган тавқи лаънат билан кўпгина катта идораларнинг бошлиқларини яксон қилиб юборишди. Холтой раис ким бўлибди?

— Менга қара, Асқар, — деди ниҳоят у вазмин товушда.

— Тросиский, Каминуп, Зиноп деган одамлар ҳақида эшитганинг борми?

— Эшитганман, нимади? — ажабландим мен.

— Қанақа одам деб эшитгансан уларди?

— Ёмон одамлар, халқ душманлари.

— Эсарда шу душманларнинг думи борлигини биласанми?

— Йўғ-э-э... Ким экан улар?

---

<sup>1</sup> Ёнбостилик — ёнини олмоқ, тарафини олмоқ.

— Сенминан мен!

— Ним-ма-а!

— Шунақа... Савмалдинг бояги оханжомасини тушунмадингми? Уйинг куяй деб турипти, билсанг!

У дилидагиларни бошқалар билан маслаҳатлашиб кўрмоқчи бўлди. Қирқнинг бири чилтон, зора жўяли маслаҳат чиқиб қолса, деб ўйлади чоғи. Бироқ қариялар эшитганларининг мағзини ҳануз тушунолмаган эдилар.

— Ҳамма нарсага қизил тун кийгизиб юборасизлар-эй, — деди бири бошини чайқаб. — Аскар қанақасига трў... нимайди?... ҳалиги бўларкан? Сизлардинг олдингизда бир нарса дейишгаям кўрқади одам...

— Ўйламай гапирган оғримай ўладиган замон ҳозир. Бировди ўққа тутиб бериш ё Сибирга жўнатиш учун икки энлик қорозди қоралаш кифоя. Савур савмалди ўзингиз биласиз — бундай ишди тайсаллатмайди<sup>1</sup>. Бекорга вақт ўтказмай, Асқарди қутқариб қолиш чорасини топишимиз керак.

Ниҳоят Холтой раиснинг ҳазил қилмаётганига одамларнинг кўзи етди. Аммо ҳеч кимдан жўяли бир маслаҳат чиқмади. Савур савмолни ҳамма биларди: бировнинг гапини қулоғига иладиган хилидан эмас. Бир боғдайгина арпа учун бир одамни икки йилга кесдириб юборган азроилнинг пойиби доҳийни "ҳақорат" қилган одамни аяб ўтирмайди.

Уларнинг олдида тумшайиб ўтиравергим келмади. Нима бўлса бўлар, дея ўрнимдан турдим, жўнаб қолдим. Менинг кетганимни назаримда кўплар билмай ҳам қолишди.

### Умид юлдузи

Зарур иши бўлмаса, Холтой раис кечқурун бировникига чиқмас эди. Шу куни қоронғилатиб, бизникига кириб келди. Уни кўриб, уйдагилар шошиб қолди. Дарҳол қайтадан жой қилишди. Дастурхон ёзиб чой-пой беришгач, аёллар билан болалар иккинчи хонага ўтиб кетишди.

---

<sup>1</sup> Тайсаллатмайди — кечиктирмайди.

Акамни билмадим, лекин унинг бу келиши сабабини мен билиб турардим. Таъзиядаги воқеалар эсимда турганлигидан бу ташриф биров безовталантирди. Бизни озроқ ҳовримиздан тушириш учунми, раис бир пас ундан-бундан гурунг қилган бўлди. Кейин ётиғи билан мақсадга ўтди.

— Боя қандай хато қилганингди энди билгандирсан?

— Биламан, — дедим хотиржам товушда. — лекин ўша "хатоим" шунчалик ваҳима кўтаришини билмаган эканман.

— Шу ўжарлигинг бор-да... Эртага олиб кетиш учун келишлариниям биларсан?

— Олиб кетиб нима қилишаркан?

— Жуда ёмон қилишади... Кўзингни оч, бола!

— Доим тилингдан ё қилингдан панд еб юрасан, — акамнинг жаҳли чиқди. — Сен ҳам одамларга ўхшаб, ўйлаброқ қадам боссанг бўлмайдами!

— Бугун оқшомдаёқ қишлоқдан чиқиб кет, — жиддийлашди Холтой раис. — Биз қишлоқ оқсоқоллари билан бамаслаҳат шу тўхтамга келдик.

— Бу нима, қувғинми?! — зардам қайнади.

— Балки қувғиндир. Бу қувғин, ҳар ҳолда, қамоқ ёки Сибирдан яхши. Беш-олти ой кўздан панада юриб, иш босди-босди бўлгач яна қайтиб келарсан.

Унинг фикри билан мурасага келишим қийин бўлди. Назаримда раис ниманидир бичиб-тўқиб, ниманидир ортиқча бўрттираётгандай эди. Қариялар-ку майли, чумчуқ "пир" этса юраги шириллаб қоладиган одамлар. Зулм ва зўравонликни кўравериб, қўрқоқ бўлиб қолишган. Холтой раисга нима бўлдийкин? Шу пайтгача халқ ичида одиллиги ва тўғрисўзлиги билан ном чиқариб юрувди. Қўрқоқлик қилганини ҳам кўрмовдик. Ё у ҳам қарияптимикан? Одам қарийверса эҳтиёткор бўлиб қолади, дейишади.

Ҳар ҳолда, Холтой раис ўзгараётибди. Энди аввалгидай бўлар — бўлмаста сўкинавермайди. Илгари Савур савмални ҳам уришиб-сўкиб қайтариб турарди. Энди эҳтиёт бўлиброқ муомала қилади. Балки у мен билмайдиган ниманидир билиб қолгандир. Ўша "ниманидир" нимакин ўзи?..

Одамларнинг тобора қашшоқлашиб бораётгани, оқибат очликдан ўлишгача етгани мени ларзага солган эди. Бот-бот "тепадагилар қаёққа қарашяптийкин", деган фикр миямда чарх урарди. Лекин доҳийларни ҳам, бошқаларни ҳам ҳақорат қилишни ҳаёлимга келтирмовдим. Бунга менда етарлича асос йўқ эди. Ҳасаннинг саволига гапнинг салти деб, шунчаки жавоб бериб қўяқолувдим шекилли. "Йилтир мўйлов отанг", десам нима бўлибди — бу билан Сталиннинг бир мўйи камайгани йўқ. Эсарнинг чўпону деҳқонлариникидай қиш изғиринлари ва ёз чилласида қуруқшаб куйиб кетмайди. Расмида аввалгидай ялтиллаб турибди.

Тилда қаёққа бурасанг буралмайдиган луқма, учуриқсиз гапнинг ўзи борми? Излаган ҳатто йўқлов — йиғилардан ҳам сиёсат топади. Шундай экан, менинг хатоимдан сиёсат излашдан маъни йўқ. Оғиздан чиққанни сиёсатга буриб камайверишса, дунёда одам қолармиди!

Айбим йўқлигига амин бўлсам ҳам, шунча гаплардан кейин, юрагимнинг туб-тубида қандайдир кўрқув туйдим. Аммо мавжуд аҳволдан норози бўлаётган битта мен эмас эдим. Бундайлар кун сайин ортиб борапти. Аммо, ҳозиргача, одамларни очликка гирифтор қилган ким эканлигини ҳеч ким билмайди. Ҳозирча на Сталинни ва на ҳукуматни айблаш ҳеч кимнинг тушига кирмаяпти. Аҳвол шу тарзда кетаверса эртага қандай фикрлар юзага келишини ким билади!

Менимча марказдаги аҳволни Холтой раис ҳам билмасди. Буни билишнинг унга сираям қизиғи йўққа ўхшарди. Қишлоғида душман ҳам, зараркунанда ҳам йўқ. Очлар кўп холос. Баъзан қонундан ташқари ишлар бўлса, бу — очликнинг касофати. Бойларни аллақачон тамом қилишди. Бундайроқларни ҳам уларнинг кетидан жўнатишди. Энди ҳамма бирдай камбағал, ҳамма бирдай йўқсил. Буни шараф деб билган баъзи довдирлар байрамларда минбарларга кўтарилиб: "Яшасин, бутун дунё йўқсиллари!" — деб оҳанжома қилишаётир. Уша "яшайдиган" йўқсиллардан бири — Суюн раҳматли асфаласофилинга кетди. Уни охиригиси эди, деб шу

қишлоқнинг ўзидагилар ҳам айтолмайди. Йўқсиллик — инсон табиатига, яшаш тарзига терс нарса. Буни биладиганлар нафасларини ичларига ютишади. “Бола-чақамнинг олдида соғ-омон юрай десанг, нафасингни чиқарма — деган рисолада йўқ қоидага амал қилишади. Истасанг атрофингдаги издиҳомга қўшилиб ҳайқир. Қизил сўзларни айтиб қанча қаттиқ бақирсанг шунча яхши. Томоғинг йиртилиб кетса, ундан ҳам яхши. Бирор чарм курткали амакингдан мақтов эшитиб қолишинг бор”

Бу фикрлар рўпарамда ўтириб, менга гап уқтиролмай хуноби ошаётган Холтой раиснинг хаёлига келармикан? Халқ душманлари шунақа кўпмикан? Инқилоб даврида уларни аёвсиз қиришди, кейинги ўн беш-ўн олти йилдан бери ҳам қириб келишяпти — сира тугай демайди. Нима бало, хумдан чиқишяптими улар ё бу халқ душманларига қарши кураш ниқобидаги бедодликми? Агар шундай бўлса, уни ким тўхтатади? Ҳақиқий аҳволдан Сталиннинг хабари бормикан? Менга булар қоронғи эди.

Мени қутқариш масаласида кексалар кўрсатган йўл дастлаб Холтой раиснинг ўзига ҳам эриш туюлган экан. Лекин тепамда айланаётган хавфнинг жиддийлигини ўйлаб, ноилож уларнинг маслаҳатига кўнибди: жилла қурмаса битта одамни бўлмагур туҳматдан асраб қоладику.

Мени қишлоқдан чиқиб кетишга кўндиргунча акам иккаласининг тоқатлари тоқ бўлди. Кўп уринишлардан кейин, ҳартугул, эпақага келтиришди: кетишга рози бўлдим.

— Бир ўзинг кетасан, — тайинлади Холтой раис. — Бола — чақанг, кўч-кўронинг туриб турсин. Йигитнинг моли олдида — бир кунингди кўрасан. Икки ойлардан кейин, қоронғилатиб бир хабар ол. Унғача бирор танишинг сени кўрмай тургани маъқул.

Кетиш учун ўрнидан қўзғалаётиб акамга ҳам тайинлади: — Асқардинг кетиши — ишдинг бошланиши, Қобил, — деди пастроқ овозда. — Қолганини азонда айтаман. Бироқ укангди ярим тундан ўткизмай жўнат. Ўзинг уйингда бўл, эртага одам кўп бўлади.

Акам унга “хўп” деди-ю , мен ҳайрон бўлдим: “одам кўп бўлади”, дегани нимаси? Тўй қилаётган бўлмасак, худога шукур, тўрт кўз тугалмиз. Балки Савур савмал етаклаб келадиган мирғазабларни назарда тутаётгандир. Улар бунақа кўпчилик бўлишмайди шекилли...

Шу тунда бизникида уйқу бўлмади. Ака-ука ярим кечагача ёнбошлашиб дардлашдик. Жўнаш пайтимдагина аёллар уйларига дўнаётган хавфни бор бўйи ҳис қилишди шекилли, изиллашиб йиғи бошлаб қолишди. Эсимга, негадир, эсарларнинг бир латифаси тушиб, ўзимча кулиб қўйдим. Бу латифа воқеалари, балки бошқа қишлоқликлар томонидан содир этилгандир. Уни бизга ёпиштириб ҳўя қолишгандир...

Атиги ўн беш-йигирма йилча илгари эсарлар фақат чорвачилик ва лалмикорлик билан шуғулланишган. Атрофдаги қишлоқларда ҳам тирикчилик шу йўсинда эди — сабзи-пиёзга ўхшаган резоварларни экишмаган. Шу сабабли кўпчилик, айниқса ёшлар бу набототларнинг нималигини билишмаган.

Ўша даврда Эсардан айни ёз чилласида беш йигит чиқиб, Саврукнинг бозорига боришганмиш. Аввалига одамлар қайнаб-тошаётган, сотувчилар бақириб-чақириб харидор чорлаётган тўшқин бозорни ўрганиш мақсадида биргаллашиб хўб айланишади. Бир жойда ғалати нарсани сотиб ўтирган кишини кўриб сўрашади:

- Нима сотаяпсиз, ака?
  - Пиёз, ако, пиёз. Кўрмайсизму?
  - Уни нима қилади?
  - Ейду, ако, ейду.
  - Қаерини ейди — бошиними, баргиними?
  - Ҳаммасини ейду, ако, чиқит не-е-е...
  - Нима билан ейди?
  - Шунной ейду, бо нонминан ейду, бо ошминан ейду, бо намакминан ейду...
  - Бир килосини тортинг.
  - Бир кило?.. Не-е-е... шунной харид қилинг, ако.
  - Бўлмасам беш боғини беринг.
- Ҳар бири бир боғдан пиёз олган йигитлар бир четга

чиқиб, иштаҳа билан чайнашга тушишади. Ҳа-ҳув дегунча бўлмаёқ ёз чилласида етилган аччиқ пиёз бурунларидан ҳув, кўзаларидан дув-дув ёш чиқариб юборади.

— Мен нега йиғлаяпман? — сўрайди бири.

— Мен ҳам, бу, у, ановиям — ҳаммамиз йиғлаяпмиз, дейди иккинчиси.

— Биз бекорга йиғламаяпмиз, қишлоқда бир гап бўлган.

— Яқинларимиздан биронтаси ўлгандир!

— Ўлгани аниқ, бўлмасам йиғламасдик!!

— Кетдик, йигитлар!!!

— Ҳаммаси хуржун-халтасини йиғиштириб, бозор ҳам қилмай йўлга тушишади. Сўнгги қирдан ошиб қишлоғига яқинлашгач, баравар гирыасини бошлашади:

— Вой, жигаре-ем!

— Кўрмай қолдим, жигаре-е-мм!!

Йиғи овозларини эшитиб, қишлоқдагилар ҳам туш-тушидан югуриб чиқишади. Улар ҳам овоз беришади. Икки томон бақамти келиб тўйиб-тўйиб, бир — бирларини оғичлаб, хўб йиғлашади.

Ниҳоят ҳушёрроқ бирови бозорчилардан сўрайди:

— Нима гап, ким ўлди, майит қани?

— Биз соғ — саломатмиз, қишлоқда ким ўлди?

— Қишлоқдагилар ҳам омон, нега товуш чиқариб, йиғлаб келяпсизлар?

— Бозорда пиёз деган бир мевани еб ўтириб, ҳаммамиз бараварига йиғлаб юбордик. Шунга Эсарда биров ўлган деб ўйладик. Сизлар нега йиғлаб чиқдиларинг?

— Овозларингдан бозорга кетганларнинг бири ўлибди, деб ўйладик.

— Э-э-э, бизларди ҳеч бўлмаса санаб кўрмайсизларми?

— Ол-ла-а! Бусиз ҳам битталаринг ўлиб турибсизлар-у, санаб яна баракаларингди учирайликми!..

Икки аёлнинг баравар фиғон кўтариши менга ўлмасимдан бурун аза очишаётгандай туюлиб, ич-ичимдан хомсиқдим. Тундаги йиғи ҳам хунук эшитилади, ҳам узоққа кетади. Акам шунисидан хавфсираб, уларни дарҳол даф қилди — уришиб-койиб ичкарига киритиб юборди. Ўзи эса мендан ажралгиси келмай қишлоқнинг адоғигача

эргашиб борди ва шу ерда зўрға хайрлашдик...

Осмонни қалин булут қоплаган зимистон тун. Ярим кечаси йўлсиз, қандайдир буталарга туртиниб-суртиниб ёлғиз ўзим кетиб борардим. Оилам, бола-чақаларимни ташлаб кетаётганимдан ўйласам елкамни зил-замбилдай юк босиб, эзиб юбораётгандай бўлади. Назаримда бутун оламдан ажралиб, яккаланиб қолганга ўхшардим. Менга нима бўлди ўзи? Билиб туриб ўзимни ўтга урдимми? Энди бу ёнғиндан омон чиқоламанми? Холтой раис билан қишлоғимиз оқсоқоллари кўрсатган нажот йўли тўғри йўлни ўзи? Менимча бу йўл унчалик ҳам тўғри эмасдай, қандайдир бошқачароқ, имкон борича ўзимни куйдириб қўймайдиган йўлни топишим керакдай эди.

Боши-кеги йўқ ўйлар гирдобида қолдим. Аросат ўйлар талошида қишлоғимиз рўпарасидаги Саврук орқали туман марказига элтадиган тупроқ йўлга чиқиб олдим. Бироқ менга йўлда юриш ҳам мумкин эмасди. Ҳализамон бирон танишимга рўпара келиб қолишим тайин. Бу ўйлаган режаларимизни чиппакка чиқаради. Шунинг учун йўлни кесиб ўтдим. Бутазор оралаб кета туриб бирор ёруғликни кўриш умидида осмонга қарадим. Хайрият, узоқда — кунгурт осмоннинг бир четида — Қорачатоғнинг тепасида милтиллабгина турган ёлғиз юлдузга кўзим тушди. Умид-орзуларим Эсарнинг булутли осмони остида милтиллаб кўринаётган шу юлдузга боғлиқдек қувониб кетдим. Хаёлимни бир жойга тўплаб, нажот йўлини яна бир қур излаб кўриш мақсадида буталардан холироқ бир жойни топиб, умид юлдузимдан кўз узмаган ҳолда бўзга ўтирдим.

Шу пайтгача не — не чигал тугунларни осонгина ечиб келганман ва унчалик паңд еб қолмаганман. Энди келиб-келиб битта Савмалнинг тузоғига тушаманми? Йўқ, у нонни нанна деб юрибди ҳалиям. Ўзи қазиган чоғга ўзини қулатиб, кўзини мощдай очсам очаман-ки, тузоғига асло тушмайман! Шунинг аъмолини тополмасам Аскар отимни бошқа қўйиб, қамоққамаи, отувгами кетаверганим бўлсин!

Қанча ўтирганимни билмайман. Бир маҳал шарқ уфқи оқариб, тонг сизиб келаётганини пайқадим. Ўрнимдан туриб, кетмоқчи бўлган томонимга — қиблага назар

ташладим. Узоқдан Қийқимнинг Туятоши кўзимга чалинди. Мийдай даштга бу харсанг қаердан келиб қолдйкин? Шунда уч йилча илгари Ашир мўйловнинг ўғли Нуридин полвон иккаламиз шу ердан бир қоп қовун ўғирлаганимиз эсимга тушди.

Ўша йили Қийқим деҳқонлари Туятош атрофидаги даштларга қовун-тарвуз билан ошқовоқ экишганди. Турғун чиноқ исми бир кишини унга қоровул қилиб қўйишганди. Чиноқ лақабини қизғанчиқлигидан олганди у. Шу даражада хасис эди-ки, қовун сўраб чайласига бош суққанларни қувлаб ҳайдарди. Жуда кўнгли ийиб кетса пўласиданми, муррик<sup>1</sup> – тирригиданми бериб юборарди. Бу феълени яхши билганим учун Нуридин билан гапни бир жойга қўйдик: мен қоровулни чалғитиб туришга, у қовун ўғирлаб чиқиб панароқ жойга ташишга келишдик...

Турғун чиноқни пайкалга терс ўтқизиб, қизиқ латифаларим билан ўн беш дақиқача роса кулдирдим. Бир маҳал Нуридин тушмагурнинг энгашганича ошқовоқзорга ўтиб кетаётганини кўриб қолдим. Эртароқ огоҳлантирмасам бу ландавур ой ёруғида қовун билан ошқовоқни ажратолмай, етилмаган ошқовоқдан бир қопини узиб чиқиши тайин.

Уни огоҳлантириш йўлини ҳам топдим:

– Бир қўшиқ айтиб берайми, Турғун ака? – сўрадим қоровулдан.

– И-я, қўшиқ айтишдиям биласанми, ол қоғон жойидан, – рози бўлди у.

Чап қўлимни чолғу асбобидек букиб, иккинчиси билан чертиб "нағма" бошладим:

Бумбара-бумбара, бум-бум,

Бумбара-бумбара, бум-бум...

"Нағма"ни бир – икки такрорлаб, Турғун чиноқнинг диққатини тортиб олгач, иккала кафтим билан оғзимнинг икки томонини ўраб, Нуриддинга етиб борадиган товушда "қўшиқ" бошладим. Лекин қоровулнинг сезиб қолишидан чўчиб, "юр", "ол" деган сўзларни ишлатмадим:

---

<sup>1</sup> Муррик – кесак қисиб ё лат еб қийшайган қовун.

Нуриддин, ҳо-о Нури-дди-и-ин,  
Нариданмас, бери-ди-и-ин...  
Нуриддин, ҳо-о Нури-дди-и-ин,  
Майдасимас, ири-ди-и-ин...<sup>1</sup>  
Нуриддин, ҳо-о Нури-дди-и-ин,  
Текисимас, тўри-ди-и-ин...<sup>2</sup>  
Нуриддин, ҳо-о Нури-дди-и-ин,  
Мурригимас, зўри-ди-и-ин...

Сўзларни яхшироқ уқиб олсин учун шу ашулани уч-тўрт марта такрорладим. Ортиқча такрор ортиқча ейилаётган овқатдай, тезда меъдага уради. Турғун чиноқ ҳам шу куйга тушаётганини пайқадим. Бу орада Нуриддин ҳам ишорамни тушуниб, қовун пайкалига қайтганини кўрдим. Энди "усул"ни янгилаш керак эди. Ўрнимдан сакраб туриб, муқом билан лапарга тушиб кетдим: диконглаб сакрайман, оёқ-қўлларимни ўйнатаман, кўз сузиб, қош учираман, қулоқларимни ўйнатаман — хуллас, "нағма" билан "хониш"ни аралаштириб, қоровулнинг ақл-хушини "занжирлаб" олдим.

Бумбара-бумбара, бум-бум,  
Бумбара-бумбара, бум-бум.  
Нуриддин, ҳо Нуриддин,  
Нариданмас, бери-дин...

Кулгининг зўридан Турғун чиноқ қорнини чангаллаб, ерга юмалаб қолди. Сал ўзига келай деганда "усул"ни ўзгартириб, уни яна қулатаман. Одатдаги лапар, нағма ва ашулаларга сираям ўхшамайдиган, "шайтон ўйини"ни тобора авжига оламан. Ниҳоят Нуриддин ишни тугатганини сезиб, қоровул билан хайрлашдим. "Хизматона"мга зўр бир қовунни қўлтиқлаб, йўлга тушдим.

— Шуйтиб, чайламга кептур, Асқар, — илтимос қилди Турғун чиноқ ортимдан. — Одамди овутишди тозаям боппайсан, ука...

Бу воқеани эслаш, кечадан буён бошимни қотираётган муаммони ҳал қилди — қўйди. Шартта ортимга бурилиб, Холтой раиснинг уйига йўл олдим.

---

<sup>1</sup> Нуриддин — йиригидан.

<sup>2</sup> Тўриддин — тўрлаганидан.

## Булут тарқаган кун

Менга кўзи тушиб, Холтой раиснинг жон-пони чиқиб кетди. Ғазабини ютолмай хитоб қилди:

— Ҳой, сен... ажалингдан эртароқ ўлай деб юрибсан чоғи! Кетавермай, бу ерда қайси номаъқул бузовдини<sup>1</sup> гўшини еб юрибсан, аҳмоқ!

— Нимага қочишим керак, билсангиз тушунтириб беринг.

— Ҳалиям тушунмай юрибсанми, ғалча?!

— Хўп, қочдим ҳам дейлик, ортимдан қидирадиган исковичларга нима деб жавоб берасиз?

— Сени ўлди, деймиз! Ҳозир икки-уч йигитни гўр қовлашга жўнатмоқчийдим. Савмал қайтгунича товукми бир балони сўйиб, ўша гўрга кўмиб келмоқчийдик... Ўтирикди<sup>2</sup> чиндай қилиб, аза очардик сенга.

— Бу тадбир — аҳмоқлик.

— Нега?!

— Негачи, кўпчилик билган сир, ҳеч қачон сир бўлиб қолмайди. Яна, мазорни очиб кўришлари бор. Ҳар икки ҳолдаям мени излашади — бугун бўлмаса эртага албатта қўлга олишади. қочганим — айбдорлигимни бўйнимга илиб кўядиган исбот. Ёнимга кам деганда акам билан сизди кўшиб, тўда деб ҳукм қилишади. Унда додингиз Худогаям етмай қолади.

Холтой раис бир зумгина ўйланиб қолди. Гапимдаги мантиқ шу қисқа фурсатдаёқ уни ҳовридан туширди.

— Бўлмасам, бекорга туҳмат қурбони бўлиб кетаверасанми? — сўради бўшашиб.

— Э-э йўқ, осонликча жон берадиган аҳмоқ йўқ. Мен Ҳасанга "йилтирмўйлов отанг" деганимда Ашир мўйловди, "қорни катта тоғанг" деганимда Нуриддинди назарда тутганман. Буни ҳали исботлаб ҳам бераман...

Холтой раис бу гал узоқроқ ўйланиб қолди.

— Ашир мўйлов Ҳасанга она томондан — катта ота, — гапирди ўзича. — Нуридин — тоғаси... Э, бўлди, — деди менга. — Буни нега кеча айтмадинг?

<sup>1</sup> Бузов — бузук.

<sup>2</sup> Ўтирик — ёлгон.

— Кеча ўзимдиям эсимга келмовди-да...

У қўлини бигиз қилиб тулғади:

— Ў-ў шайтон, ҳар балога чора топасан. Бўлди, бу ёғини менга қўйиб, уйингга боравер. Худо хоҳласа қутулдинг балодан!..

Ақамни қўрқитиб юбормаслик учун ҳовлимизга ашулани ванг қилиб кириб бордим:

Нуриддин, ҳов Нуриддин,

Нариданмас, бери-дин...

Нуриддин, ҳов Нуриддин,

Пачоғимас, зўридин...

Мамат карвон деган тоғамиз бўларди. Умри туя боқиш билан ўтган. Туман марказидаги дон тайёрлаш омборига колхознинг ғалласини таширди. Ёши етмишга борсаям ҳали бақувват, серҳаракат эди. Шу киши бир куни Ғаллаоролнинг катта кўчаларидан биридан ўтиб кетатуриб, Сталиннинг деворга илинган катта сувратини кўриб қолади. Нашъаси сустроқ эканми ё суврат яқингинасида тургани учунми, қўлидаги туя ҳайдайдиган гаврони билан бир туртади ва:

— Ҳой йилтирмўйлов азроил, юртни буздинг-ку сен! — дейди астагина.

Гавроннинг учи сувратнинг кўзига тегиб, қоғоз тешилиб қолади. Буни кўчада юрган мелисалардан бири кўриб, уни туя-пуяси билан милиция идорасига ҳайдаб боради.

— Хў-ўшш, оқсоқол, Сталинда нима қасдинг борки, унинг... сувратини тешасан! — сўрайди ёшгина бошлиқ "кўзини" дейишдан чўчиб.

— Исталинда қандай қасдим бўлсин, ҳукумат ака, — дейди ялинчоқ товушда Мамат карвон. — Бу одам отамиз, пушти паноҳимиз-ку! Бизди ёруғ кунларга етаклаб келган, қўлимизга эрк берган одам шу киши-ку! Бу отамизнинг сувратларигаям сажда қилиб юраман доим. Бугун ҳам кўчада кўриб қолиб тавоф қилайин десам, туянинг устидан қўлим етмайди. Гавронминан бўлсаям тавоф қилмай ўтолмадим. Қисталоқ туям чўчонглаб, гавроним ножўяроқ тегишти. Айб туяда, қишлоққа боришимминан энағарди сўйдириб, гўштини одамларга хомталаш қилиб юбораман.

Отанинг ҳурматини билмаганнинг жазоси — шу, ҳукумат ака!

"Ҳукумат ака" Мамат карвоннинг гапларига ишондим ё "бир саводсиз, оми одам экан-да, бўлмаса сувратниям тавоф қилиб юрармиди", деб ўйладими, ҳарқалай, зиён-заҳматсиз қўйиб юборди. У эса Қўйтошга келиб дўқондан каттагина биринж қўнғироқ ва беш қаричдан мўлроқ ипак тасма сотиб олди. Тасмани қўнғироқнинг "қулоғи"дан ўтказиб, ҳафсала билан "сўяман" деган туясининг бўйнига тақиб қўйди. Сабабини сўраган энг яқинларига ҳам: "Туяларимдинг яхшиси бўлгани учун тақдим-да қўнғироқди" — дегандан бошқа гап айтмади. Ҳақиқий воқеани эса Сталиннинг вафотидан кейингина айтди...

Бизнинг "ишқал" имиз ҳам қайси бир жиҳатлари билан шу воқеага ўхшаб кетади. Бироқ Савур савмалдан батамом қутулиб кетолшимга ҳалиям тўлиқ ишонмасдим. Шу сабабдан уйдагиларга ўзимни жуда хотиржам кўрсатаётганимга қарамай, ичдан зил кетиб ўтирардим...

Тушга яқин — осмондаги булутлар сал сийраклашиб, қуёш гоҳ кўриниб-гоҳ кўринмай турган маҳалда — мени идорага чақиришди. Юрагим пўкиллаб бордим-у ҳайрон бўлдим: турда қишлоқ шўросининг котиби, бир томонида Холтой раис билан Малик мелиса, иккинчи томонида Ашир мўйлов билан ўғли Нуридин, пастда эса, ўзунчоқ ўриндиқда, Савур савмал билан Ҳасан мени кутиб ўтиришарди. Мен кирдим у пастдаги иккаласининг ўртасига ўтириб олдим.

Жамоат жам бўлди шекилли, Холтой раис ўрнидан турди.

— Қани, Савур, энди айтчи, Асқарда қандай даъвойинг бор? — деди.

— Мен уни шўронинг душмани — ёт унсур деб айблайман, — деди у тиккасидан олиб. — Ҳукуматимизди калака<sup>1</sup> қилади, доҳимизди беҳурмат қилади!

— Бундай дейишга бирор асосинг борми?

— Кеча нима деганини ўзинг ҳам эшитдинг-ку!

---

<sup>1</sup> Калака — мазах.

- Мен сен эшитган гапди эшитмадим.
- Унда сен ҳам унинг шеригисан, бегона унсурсан!
- Ҳовлиқаверма, даюс, ҳаммани ўзингга ўхшаган галча деб ўйлама! Бошқалардиям фикрини эшит. Сен нима дейсан, Асқар!
- Мен Савур аканинг гапидан ҳайрон бўлиб қолдим. Менимча, жуда фикри бузуқ одам бўлса керак. Сабаби...
- Ҳали шундайми! — Савур савмал ҳайқирди.
- Бўкирма! — Холтой раис уни жеркиб ташлади. — Қўпонгламай жойингда ўтир! Гапиравер, Асқар.
- Кеча кимдир: "Ўрусияда буғдой яхши бўлипти", — деди. Ҳасан: "Улар бу йилга донидан бизга бериб турса, эндиги йили қайтиб олишарди. Одамларнинг қийналиб қолганини ҳеч ким билмасмикан?" — деганга ўхшаш гап қилди. Тўғрими, Ҳасан?
- Туври.
- Шундан кейин унга "Бориб бу саволди йилтирмўйлов отангга бер, қорни катта тоғангга бер, жавопди ўшалардан оласан" — дедим. Тўғрими, Савур ака?
- Тўшпатўғри!
- Бор гап шу...
- Камми бу?! —
- Шошманг-да, мен бу гапди кимларди назарда тутиб айтган бўлсам, ўшалардан узр сўрамоқчиман...
- Бу ерда узр-пузиринг кетмайди! Айбингди ўзинг тан олаяпсан, шунинг ўзи етарли.
- Савур савмал тантана қиларди. Менинг "лақмалигим"дан ҳузурланиб, ўзини бу ердаги бош қаҳрамондай, ягона хўжайиндай тутмоқда эди. Шунинг учун бир гап билан чиккасидан туширмоқчи бўлаётганимда, орага Холтой раис тушди:
- Жим ўтир дедим сенга, ҳой, шохи синмаган ҳўкиз! Гапини айтиб бўлганидан кейин отсанг отарсан уни. Камига мениям қўшарсан. Ҳозирча жим ўтир! Гапир, Асқар, яна нима демоқчисан?
- Мени кечиринг, Ашир ака, — дедим мийиғида кулиб ўтирган Ашир мўйловга қараб. — Сизди калака қилиш ё ҳақоратлашди сираям ўйламовдим. Сен ҳам кечир,

Нуриддин, қорнингди тилга олганим учун... Шунчаки омади гап, оғзимдан чиқиб кетипти.

— Мўйлабди мўлаб дейди, — деди Ашир мўйлов, назаримда, атайлаб ўрнидан туриб мўйловини бураркан. — Кўсани кўса дейди. Бундан хижолат бўлмаёқ қўй, ука.

Шундагина қишлоқ шўроси котиби билан Малик мелиса унга синчиклаб назар ташлади. Ашир мўйлов мўйловини чучитилган зиғир ёғига мойлаб келганми, ялтиллаб турарди. Бошида сочи, эғнида формаси йўқ демаса, Сталиннинг сувратига жуда ўхшаб турарди у. Нуриддин ҳам кийими тагидан бирон нима боғлаб олганми, қорни одатдагидан сал каттароқ кўринди.

— Сиз Хосонни отаси вўласизми? — сўради Малик мелиса "и" товушига урғу бериб фориш лаҳжасида. — Бу йигит ким?

— Тоғам, — саволга Ҳасан жавоб берди. — Асқар айтган отамминан тоғам шу кишилар.

— Ичимда: "Яшшавор Ҳасан, — дейман. — Холтой раис ҳам чаканамас, буларди жуда маромига етказиб ўқитганга ўхшайди". Қишлоқ шўроси котиби шартта ўрнидан туриб, Савур савмалга дўқ қила бошлади:

— Сен аҳмоқ йўқ ердан ғалва топиб тез — тез бошимизди қотириб турасан, давлат идорасидагиларди ишдан чалғитасан. Бировларди тўғри гапиниям қиёмига<sup>1</sup> олиб, одамларди ҳукуматдан норози қилишга уринасан. Асқар тўғри айтди, сен фикри бузуқ, ифвогарсан!

— Рухсат веринг, қўлиғо кишен уриб, жойиғо тиқиб тошлой бул кетгаторторни!<sup>2</sup> — деди Малик мелиса.

— Озроқ сабр қиласиз, аввал ҳужжат тўлдирайлик, — шўро котиби Холтой раисга қаради.

Савур савмал бутунлай довдираб қолди. Бундай бўлишини асло кутмаганидан икки бетига қон тепиб, аслида сарғиш юзлари лавлагидай қизариб кетди. Қўллари қалтираб, нимадир демоқчи бўларди-ю, тили калимата келмасди.

---

<sup>1</sup> Қиёмига — тескарисига.

<sup>2</sup> Кетгатортар — саботажчи.

— Уни бир қўнага<sup>1</sup> кечирсаларингиз, — деди Ҳолтой раис босиқ товушда. — Ўзи ишчангина одам-у, лекин галчароқ. Кўрган — эшитанларини қиёмига олиб ўзигаям, ўзгаларгаям озор беради. Агар шу қилиғини қўймаса, бу энағарди ўзим-оқ боғлаб, сизларга топшираман, — кейин Савур савмалдан сўради. — Розимисан шунга?

Савур савмал ҳеч қачон бундай панд емаганди. Воқеалар ўзи кутмаган, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган томонга оғиб кетганидан ростакамига қўрқиб қолди. Мени айблаб қаматиш ўрнига ўзи қамоқ ёки сургунга рўпара бўлиб қолганидан ҳайрон эди. Шунинг учун Ҳолтой раиснинг таклифига дарҳол кўнақолди:

— Ир-розиман!..

— Ундай бўлса уйингга жўна, — буйруқ қилди Ҳолтой раис. — Ўлар жойдамассан, қўйларингдан бирини суйиб, қозонга босиб тур. Асқар икковингди яраштириш учун ҳозир ҳаммамиз сеникига борамиз. Уйингда, шу жамоат олдида ундан кечирим сўрайсан. Хўпми?

— Х... хў-ўп бўлади!

Савур савмалнинг юзига ранг югуриб, эшиқдан учиб чиқиб кетди. Бошқаларга сездирмай, секингина Ҳасаннинг биқинидан чимчиладим. У мамнун жилмайди ва биргаллашиб идора ҳовлисига чиқдик. Қушдай енгил тортиб булутли осмонга қарадим. Булутлар ҳануз тарқалмаган эса-да, у ер-бу ерлардаги тирқишларидан нур оқими шалолодек қуйилиб тушмоқда эди. Улар гўё осмонни тутиб турган устунларга ўхшарди.

1998–1999 йил.

Учқун.

---

<sup>1</sup> Қўнага — мартага.

## МУНДАРИЖА

|                                            |    |
|--------------------------------------------|----|
| Исми кўп бола . . . . .                    | 3  |
| “Ҳасаннинг отаси — менинг отам . . . . .   | 6  |
| Ўз тилини билмаган маржа . . . . .         | 13 |
| Эр — хотиннинг уриши . . . . .             | 16 |
| Эртани ўйламайдиган мезбон . . . . .       | 21 |
| Илми жавҳарнинг суюғи . . . . .            | 26 |
| Фотиҳа — дастурхоннинг ҳақи . . . . .      | 31 |
| Урғочи дон . . . . .                       | 34 |
| Худонинг бир бандаси . . . . .             | 38 |
| Садақа — радди бало . . . . .              | 45 |
| Мазмунини биров билолмаган қоғоз . . . . . | 50 |
| Жоҳилнинг жазоси — савағич . . . . .       | 55 |
| “Дим — дим” ўйини . . . . .                | 61 |
| “Кўнғир сигир” . . . . .                   | 67 |
| Осмоннинг устуни . . . . .                 | 73 |
| Ўйламай гапирган оғримай ўлар . . . . .    | 81 |
| Умид юлдузи . . . . .                      | 88 |
| Булут тарқаган кун . . . . .               | 97 |

**АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР**

**СОЙИМ ИСҲОҚ**  
(Сайим Исоқов)

**ОСМОН УСТУНИ**

**Нашриёт муҳаррири**

**Муҳаррир**

**Техник муҳаррир**

**Мунаввар Пардаев**

**Сорабек Холмуродов**

**Лилия Ихсанова**

Босмахонага 7 август 2006 йилда топширилади. Босишга 14 сентябрь 2006 йилда рухсат этилди. "Балтика" гарнитураси. Бичими 60x421/8. Шартли босма табоғи 6,75, Нашриёт ҳисоб табоғи 6,5. Адади 1000 нусха.

«Gulistan NEOPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди. Гулистон ш., Навоий шоҳкўчаси, 28. Буюртма № 2259.

"Эиё" нашриёти. Гулистон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 28.